


**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—2009**

ҒУЛОМ ШОМУРОД

СОҒИНЧ СОҒИЛИ

Сайланма

*Шеърлар,
туркумлар,
достон*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҒРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—2009

Шомурод, Фулом

Соғинч соҳили: Сайланма. — Т.: «Шарқ», 2009. — 320 б. + 8 б. зарв.

Фулом Шомурод ўз камтарин ижоди билан узоқ йиллардан бери назм мухлисларини хушнуд этиб келмоқда. Шоир Ватанни, хусусан, она юрти Бухорони, меҳнаткаш халқни, табиатни, муҳаббатни тўлиб-тошиб куйлайди. Ҳар бир инсондан фазилат, ҳар воқеа-ҳодисадан ҳикмат ахтаради. Айниқса, мустақилликдан кейин Ўзбекистон эришган ютуқлари, диёримизда рўй бераётган улугвор ўзгаришлар унинг қалбига олам-жаҳон фараҳлар солади ва, муҳими, шоир буларни самимий, оҳорли мисраларда акс эттиради.

Ижодий сарҳисоб мақомидаги бу тўғлам Сизга манзур бўлади деган умиддамиз, азиз китобхон.

ISBN 978-9943-00-388-0

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2009.



БУХОРОЛИК ҒУЛОМ АКА

Булар тўрт оғайни — Максим Карим, Неъмат Аминов, Жамол Камол ва Ғулом Шомурод Бухоро педагогика институти (ҳозирги университет)да таълим олишар эди. Мен мактаб ўқувчиси, уларнинг укаси эдим. Ўтган аср ўртаси, ҳали кимнинг тақдири қандай шаклланиб, ким адабиётга қизиққан ҳаваскордан қайси даражадаги ижодкорга айланишини ҳатто тасаввур қилиш қийин эди. Мана, энди тахминан ярим асрдан кейин, бундай қарасам, Максим Карим обрўли ишларда ишлаб, ўз шеърлари ва драмалари билан танилиб, нисбатан эрта кўз юмганига ҳам анча йил бўлибди. Неъмат Аминов биринчи қатордаги ҳажвчи ёзувчига айланиб, шуҳрат топиб, кулиб — барчани кулдириб, дунёни тарк этганидан буён ҳам ойлар, йиллар аёвсиз кечаябди. Бу кун Халқ шоири Жамол Камол, адабиётда ўз ўрнига эга Ғулом Шомурод изидан, камина ҳам энди ёшим бир ерга бориб қолибди. Умр дегани шамолдек ўтар-кетар экан!

Ўша, ёшлик пайтларимиз Бухорода ажиб бир адабий муҳит юзага келган эди. Вилоят Ёзувчилар бўлимини устоз Тошпўлат Ҳамид бошқарарди. Давра катта эди. Аҳад Ҳасан, Мурод Халил, Умид Саттор, Сафар Барно, Самандар Воҳид, Тошпўлат Аҳмад, Саид Равшан, Садриддин Салим. Яна, бахшиёна шеърлар ёзган Шариф Нурхондек отахон шоир, Саиджон Алиев, Мустақим Мирзаевдек таниқли адабиётшунос, тилшунос олимлар бор эди. Эсимда, вилоятдаги раҳбарлардан Анвар Қўчқоров (кейинчалик Маданият вазири ва бошқа катта лавозимларда ҳам ишлаган киши) ўн кун вақт ажратиб, биз ҳаваскор ёшлар билан адабиёт, ҳаёт бобида эринмай суҳбатлашган эди.

Ғулом ака шу давра фарзанди. Оғайнилари Тошкентга келиб, уни ҳам даъват қилишса-да, Бухорода қолиб, шу ерда ижод қилиб юрган адиблардан. Ҳаётда ҳар ким «ўз нон-насибаси»ни теради. У олдин муаллимлик қилди, сўнг узоқ йиллар мухбир бўлиб бутун вилоятни қадам-ба қадам кезди, мақолалар, лавҳалар ёзиш билан бирга, йўлларда «чақнаган» сатрларни йиғиб ёндафтарида белгилаб борди. Унинг шеърларида ана шу «йўллар нафаси» очиқ-аён кўзга ташланади:

*Яшаш, ижод
Йўлдан иборат,
Қийин
Илк бор ташламоқ қадам.*

*Гоҳ йўл равон,
Гоҳо машаққат...*

Ғулом ака умуман ҳаёт ҳақида фикр юритганида ҳам, йўл ҳаёли унинг диққат марказида туради:

*Савол бердим ҳаётга:
— Сен нимадан иборат?
— Мен шодлик ва аламдан
Қурилган бир иморат.*

Шодлик ва алам — инсон қисмати, ҳаёт йўли!

Шеърларда яна икки ҳолат аниқ кўринади: ҳаётийлик ва самимият. Ғулом ака ҳавойи руҳда сўз юритмайди, нимаики ёзса, ҳаётдан олганини сезамиз, нимаики ёзса, самимиятни сезамиз.

Унинг Бухорога бағишланган шеъри кўп. Уларда манзара ва кайфият аксар уйғунлашиб, маълум фалсафий фикрларни содда йўсинда ёритишга ёрдам беради:

*Бухоро бир улкан чинор.
Томирлари кетган чуқур.
Кўкка боқиб гумбаз, минор —
Шундан, ҳар тонг этар шуқур.*

*Бу томирни чопаман деб,
Не-не ёғий чопалмади.
Кўп донишманд ерни кавлаб —
Бу томирни тополмади...*

Ғулом аканинг нозик бир кузатишлари бор. Ойдин тунни тасвирлаётиб, ёзади:

*Майсазорнинг бағридан ҳатто
Кўзни алар хас-хашак. Кеча...*

Ёки:

*Мудраб ётган куртаклар бўртиб —
Кипригини ёза бошлади...*

Хуллас, ушбу китоб ўз сози, ўз овозига эга шоирнинг узоқ йиллик изланишлари, меҳнати меваси. Мен Ғулом Шомуродга узоқ умр, бахт-омад, янги ижодий зафарлар тилайман.

**Омон Мухтор,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби.**



ВАТЛАН
ҒУРҒУМИ

*Сен юраксан,
Сен Ватансан — кенг жаҳон,
Она юртим — Ўзбекистон — жонажон!*





Яшаш, ижод –
Йўлдан иборат,
Қийин,
Илк бор ташламоқ қадам.
Гоҳ йўл равон,
Гоҳо машаққат,
Шундан гоҳ тез,
Гоҳ секин,
Одам –
Юриб-юриб,
Ошиб кўп манзил
Муродига етаркан,
Бир кун!
Ва ниҳоят,
Кутилган соҳил
Жамол очиб
Жилмаяр
Мамнун!

Кўз олдимда
Соғинч соҳилим,
Этмоқда бўй-бастин
Намоён.
Шулар борим –
Бисот, ҳосилим,
Тақдим этдим
Сизга, китобхон!



СЕН ЮРАКСАН, ЭЙ ВАТАН!

Аслида тинмас юракдир бу тирик жонга Ватан,
Яхшидир бурканса буткул боғу бўстонга Ватан,
Бу замин — жумла жаҳондир, барча инсонга Ватан,
Сен юраксан, сен Ватансан, кенг жаҳон —
Она юртим — Ўзбекистон — жонажон!

Бу азиз тупроқ табаррук, тўтиё бизга, нетонг.
Суртамиз айлаб муқаддас заррасин кўзга, нетонг,
Етказурмиз пок уни авлод — ўғил-қизга, нетонг,
Сен табарруксан, суюксан — меҳрибон,
Она юртим — Ўзбекистон — жонажон!

Мардларингнинг шиддати Жайхун билан Сайхунга мос,
Фотиҳи Соҳибқироннинг доврўғи дostonга хос,
Ул мунажжим юлдузидан Ер юзи нурланди, рост,
Юлдузу, ою қуёшсан — нурга кон,
Сен мунаввар Ўзбекистон — онажон!

Қанча босқин, ур-йиқитлар, барчаси бўлди абас,
Сен ғолиб бўлдинг, ёвуз куч келмади ҳамлангга бас,
Сен Торобийсан, Муқанна, ўзгалар қилгай ҳавас,
Сен ғолибсан — марду майдон, паҳлавон,
Бор ғурурим — Ўзбекистон — жонажон!

Кўп замонлар елкамизни эзди зулм, зўрлик беҳад,
Бойладик белни курашга енгамиз деб тоабал.
Дилда бу эзгу ниятга бердилар пирлар мадал,
Мустажоб бўлди дуолар, эй, қувон,
Сен озодсан, Ўзбекистон — жонажон!

Минг шукур, хурлик қуёши нур сочар диллар аро,
Довруғинг, шон-шухратинг тарқалди кўп эллар аро,
Яшнагайсан энди хур, осуда, тинч гуллар аро,
Дилорою гулорою гулжаҳон.
Бир чамансан, Ўзбекистон — жонажон!

Тупроғинг дурларга кондир, мевалар қанду асал,
Хуш ҳаво боғлар, адирлар, тоғларинг ҳай-ҳай, гўзал,
Бул сифат васфингни куйлаб мен Фулом битдим ғазал,
Сен ўзинг Боғи Эрамсан — беҳазон,
Жаннат ўлкам Ўзбекистон — бўл омон!



ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА ҰЙЛАР

1

Ноёб таъми ширин болдан,
Бир тотдингми,
Сен — хумор.
Гўзаликда гўзал ойдан,
Кўрдингми,
Сен — беқарор.

Бол яратмоқ эмас осон,
Билар асаларилар.
Ишқ йўлида қийналар жон,
Тоғда ариқ қазилар.

Кулиб боқар иқбол шунда,
Пешвоз чиқар истиқбол.
Шундай ширин,
Шундай гўзал
Бизнинг буюк истиқлол!

1995 йил, сентябр

2

Секин чиқсин бу сўз лаблардан,
Айтма, ахир, уни бақириб.
Ўрни унинг фақат қалбларда,
Йўқ, у эмас шиор, чақириқ.

Ҳар қандай сўз чайналса тилда,
Қадри бўлмас, топмайди қиммат.
Сўзлашарлар шул боис дилдан,
Қилган пайтда тоат-ибодат.

Эсда тут,
Бу — юрак талаби,
Такрорлагин, майлига, бесас.
Бу сўз — ширин бизга жон каби,
Оят каби қутлуғ, муқаддас!

2000 йил, сентябр

БУХОРОЙИ ШАРИФ ДЕРЛАР

Бу оламда бу маъвони
Бухоройи шариф дерлар,
Тугал мадҳин баён этмак —
Учун йўқким таъриф дерлар.
Жило ўйнар девор, меҳроб,
Минор, гумбазу тоқларда,
Кўриб нақшу нигорларни,
Афиф, бай-бай, афиф дерлар.
Олар кўзларни зар, тилло,
Қаён боқманг, қаён боқманг,
Зару кимхоб либос кийган
Келинларни зариф дерлар.
Билингким, зар — нури офтоб
Қуёшистон кўнгилларга,
Ҳозир раҳмон, мададқордир,
Кочар шайтон заиф дерлар.
Агар бўлса имон, ё раб,
Диёнат ғам бажо ҳар дам,
Ажаб, бу мулк жаҳон ичра
Азал мулки ориф дерлар.
Ётар бунда, кўринг, қанча
Азиз ҳам муътабар зотлар,
Улар асраб балолардан
Қиёмат то воқиф дерлар.
Вилоятким, жони пайванд
Диёри Ўзбекистонга,
Гўзалликда Бухорони
Латиф, гоят латиф дерлар.
Қувон, сенга муяссардир,
Фулом, бунда яшаш бахти,
Шу важданким тошар дилда
Фазал, байту радиф дерлар.

1980 йил



БУЛ ВАТАН ТУПРОҒИН...

Бул Ватан тупроғин севдим
Киндик қоним бор учун,
Бул азиз тупроқда юрган
Жисму жоним бор учун.
Шул чаманнинг гулларидан
Яшнагай кўзлар мудом,
Гул нима, гулдан зиёда
Жонажоним бор учун.
Кеч кузакми, қаҳратон
Кўнглимда кўклам мавж урар,
Жондан ортиқ жонкуяр
Дўст-меҳрибоним бор учун.
Бул азиз тупроқнинг гардин
Ҳеч кима кўрмам раво,
Шунда ётган отажоним,
Онажоним бор учун.
Пайт келиб, кўзлар юмилса,
Мен Фуломни бахтли денг
Бул Ватанда қиз-ўғиллар,
Шеър шоним бор учун.

1978 йил



РУҲИМ

Қачон боқсам кўкка, юлдузга,
Кўкдай тоза бўлади руҳим.
Айланади кечам кундузга,
Завқим тошиб, қочар андуҳим.

Ҳолбуки, тун,
Атрофда тинмай
Чигирткалар этишар нолиш.
Аслида-чи, бу нолиш эмас,
Кўкка боқиб қилмоқлик хониш.

Кўкка боқиб,
Юксакда эсган
Салқин ҳаволарни қучаман.
Юлдузлардан томчилаб тушган,
Шудринглардан қониб ичаман.

Туғилгандай бўламан қайта
Тунда кўкка боққанам чоқлар,
Фикр — тиниқ,
Руҳим топ-тоза,
Кенг жаҳонни олгум кучоқлаб.

2004 йил, июл



НАҚШЛАР

Нақшларда нур сочар қуёш,
Нақшларда тўлин ой порлар
Ва кўтариб ундан бир-бир бош,
Юлдузчалар ўзига чорлар.

Нақшларга
Тикилганим пайт,
Дил яйрайди, қуршар ҳаяжон,
Парвоз қилгум билмайин сарҳад,
Мени қучар бепоеён осмон.

2004 йил





БУХОРОНИНГ ТОМИРЛАРИ

Бухоро — бир улкан чинор,
Томирлари кетган чукур.
Кўкка боқиб гумбаз, минор,
Шундан, ҳар тонг этар шукур.

Бу томирни чопаман деб,
Не-не ёғий чополмади.
Кўп донишманд ерни ковлаб,
Бу томирни тополмади.

Бу томирнинг аниқ ўрни,
Равшан эрур куну ойдан.
Фақат изланг, изланг уни
Энг мўътабар, қутлуғ жойдан.

Бу томирлар ўтган меъмор,
Олим, наққош, шоирлардир.
Илму динга сайқал берган
Буюк пирлар — томирлардир.

Бу томирлар берар шуур,
Куч бағишлар билакларга.
Улар ўрни жуда чукур —
Ўрнашгандир юракларда.

2004 йил, апрел



• • •

Бухорода баланд обида —
Шахристонда Минори Калон.
Чиқиб, ундан қарасанг тонгда,
Кўринади Вобкент, Гиждувон.
Минг йил яшаб,
Қадду қоматин
Вақт амрига эгмай келади.
Тарк этмайин шамол одатин
Унга ҳужум қилиб елади.
Минора-чи, бузмай пинагин
Сукут сақлаб атрофга боқар,
Ҳув, самода булут тўдаси,
Пастда одам дарёси оқар.
Оқар давру
Оқали даврон,
Собит турар оёқда минор.
Эй дуст,
Бўлма бу ҳолга ҳайрон,
Хўп мустаҳкам унда пойдевор.
Усто Бақо, раҳматли ул зот,
Бунёд этиб
Шундайин бино —
Чўнг илдизли ва адл қомат —
Ўз умрини унга этган жо!

2004 йил, август



МУЪЖИЗА

*Шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққонийнинг**
Чорбакрда бўлиб, айтганлари

Гарчи мен ҳозирда кекса ёшдаман,
Кездим ва кезяпман бу олам аро.
Бу сафар не баҳру уммонлар оша,
Ҳузурингга келдим, гўзал Бухоро.

Ислом оламининг эй шариф шаҳри,
Муслим аҳли учун сен — қутлуғ даргоҳ.
Хокингда яшаган буюк пирларнинг
Руҳлари бошингда уйғоқ ва огоҳ.

Мен бу гал бағрингда узоқроқ бўлиб,
Барча гўшаларинг этдим саёҳат.
Юрагим гуруру фаҳрга тулиб,
Айладим етти пир қабрин зиёрат.

Барча қадамжолар,
Не бахтки, обод!
Пирларнинг руҳидай нурли, мунаввар.
Азиз авлиёлар қалбингизда ёд,
Бунинг учун ажри савоб муқаррар.

Боқ, мана Чорбакр!
Ушбу оламда
Бундай бир мўъжиза топилади кам.
Сокин ётибди-ку ўтган одамлар,
Масжиду мадраса, миноралар — жам.

* Америкада яшовчи мусулмонлар раҳнамоси.



Жамланмиш бу ерда ислом тарихи,
Наинки тарих бу,
Бу — гўзал санъат.
Бунда бор имоннинг барча таърифи:
Шариат, тариқат ҳамда ҳақиқат.

Ҳолбуки, дунёнинг қай бир бурчида
Баъзи бир ёдгорлик бўлмоқда ғорат.
Барбодлик келтирмас шуҳрат ҳеч кимга,
Жоҳилларга ўқир авлодлар лаънат.

Ота-боболарнинг хоки турбатин
Шундай эъозлаган ўзбек бор бўлсин.
Эли обод бўлсин, йўллари ёруғ,
Уни кўролмаган душман хор бўлсин.

Иншоолло, ният ижобат бўлғай,
Бу элга ёғилур файзу фазилат.
Ушбу эзгу ишга раҳнамо бўлган
Юртнинг раҳбарига офарин, раҳмат.

2001 йил, май



ОЙДИНДА

Сигмасдан кенг осмонга
Ойнинг нурлари тўлиб,
Ерда жимирлаб оқар,
Дарёдай мавжли кулиб.

Девор, оғоч бағридан
Шуълалар таратади.
Нигоҳларни ҳар нуқта
Ўзига қаратади.

Осмон яқин келганми
Ёки ер бўлмиш юксак.
Шивирлаб айтганимни
Юлдузлар эшитгудак.

Ой ҳам яқин манзилда,
Шундан, нур пуркаб кулар.
Сурур тошиб кўнгилда
Ҳазал бўлиб тўкилар...

2003 йил



• • •

Қўл ушлашиб турар тўрт гўзал,
Қоматлари келишган, бир хил.
Юзларида нур порлар ял-ял,
Бир-бирига мунчалар аҳил.

Ўтаётган ою кун, йиллар
Буколмаган қоматларини,
Тик оёқда улар не ўйлар.
Оллоҳ бергай омадларини.

Назаримда улар —
Тўрт овсин:
Бир-бирига ғамхўр, меҳрибон.
Шундан, очиб чирою ҳусн,
Яшайдилар бечугз, бенуқсон.

Эй келинлар!
Яшангиз сиз ҳам
Улар каби дилсўз, беозор.
Сизга ўрнак бўлсин тўрт санам —
Қўл ушлашиб турган Чорминор.

2004 йил, август



БОҚИЙ НАВО

Давримизнинг буюк бастакори, халқимизнинг ардоқли фарзанди, устоз Мутал Бурҳоновга

Дейдилар, қачонки яралмиш олам —
Ўша кез осмонда оҳанг таралган.
Аслида оҳангу оламу одам
Бир-бирин тўлдирмоқ учун яралган.

Дунё мавжуд экан — яшайди инсон,
Унинг юрагидан қуйилар наво.
Санъатсиз бу ҳаёт ғариб, нотавон,
Ҳамиша гўзалдир санъатли дунё.

Сиз наво яратиб, кекса дунёни
Этдингиз гўдакдай гўзал, пок, масъум.
Гоҳида кўзлардан оқизиб ёшни,
Гоҳ бахш этдингиз лабга табассум.

Нозик кўнгилларни этар ошуфта
Сержило қўшиқлар, дилрабо, тенгсиз,
Гоҳ унда ёлғиз қуш иолалар чекса,
Гоҳо шиддат билан шовулар денгиз.

Шу важдан куйингиз тинглаган ҳар қалб
Жунбушга келар-у юксакка учар.
Қаршингизда тоғлар қолади пастлаб,
Ою юлдузларни навонгиз қучар.

Бунчалар дилбару жўшқин мавжингиз,
Бу мавждан мавж олар ҳатто дарё ҳам.
Қуёшга ҳам етур баланд авжингиз,
Бу авждан авж олар серавж «Чоргоҳ» ҳам.

Айтинг-чи, ҳазилми, юртни мадҳ айлаб,
Она халқдан беҳад олқиш олган Сиз.
Истиқболу ўтмишни бир ерга жамлаб,
Жозибали ноёб куйга солган Сиз!



Куйингизни тинглаб, нетонг, шоҳ, гало,
Тик оёққа туриб келтирар ҳурмат.
Навонгизда бордир қудратли нидо,
Она юртга сўнмас, олов муҳаббат.

Токи боқий экан фалакда қуёш,
Боқий эрур чолғу, қўшиқ, куй, наво.
Навосозлар яшар мангу бўлиб ёш,
Гўзал қўшиғидай сулув, бебаҳо.

Эй, улуғ санъатнинг бир буюк пири,
Очиқ айтмоқликка туғилди имкон,
Сақламоққа илож йўқ-ку умрни,
Мангу қолажаксиз, эй Мутал Бурҳон!

2001 йил, май

ҚОРЛИ КУНДА

Қор бўралар осмон бағридан,
Ерга ёғар тиним билмас қор,
Қуёш қолмиш само қаърида,
Еру кўкни кўзга илмас қор.

Қуёш кулиб
Олис-олисдан,
Куйлар мангу ашуласини,
Қорнинг ипак зарраларига
Улашади ўз шуъласини.

Шундан, офтоб кўринмаса ҳам,
Юракларда қуёшли сурур.
Шундан, гуллар кўнгилда кўклам,
Замин — оппоқ, оппоқ шуъла — нур!

2001 йил, январ



ВАТАН ҲАҚИДА ҲҲЛАР

1. ЖОН ВА ТАН

Тирикликким,
Бирга бўлса жон ва тан,
Жону таннинг ҳосиласи —
Жон Ватан.
Ҳур ва омон бўлса Ватан,
Билингким,
Ушбу юртда яйрар —
Бирга жон ва тан!

2. БИР ТҲҲҒУ

Кўп юртларда бўлдим,
Тердим гул, лола,
Истанбулда кезиб,
Босфорда суздим.
Лол қолдирди мени
Чўнг Пирамида,
Акрополга чиқиб
Юлдузни уздим.
Кўрдим,
Таъсирландим,
Булар соз —
Лекин —
Ич-ичимни еди
Бир туйғу, бир ҳис:
Етишмасди унда
Дўсту ўртоқлар,
Виқорли тоғлар,
Ўрикзор боғлар,
Бинафша, ялпиз...
Ва Бухородаги каби
Гумбазли тоқлар
Ҳамда Чорминор,
Эсиз...

2004 йил, июн



ДЕҲҚОН МЕҲРИ

У Ватан деб шеър ўқимади,
Юртим дея куйламади ҳам,
Қишлоғидан четга чиқмади,
Даласини билиб кенг олам.

Меҳнат қилди, қалоқ қўл билан
Экин экди ва яратди боғ.
Шундан шуъла порлар кўнглида,
Шундан кўкси юксак, баланд тоғ.

Шовуллаган олтин бошоқлар
Куйлар унинг юраги бўлиб.
Кулган, лўппи оппоқ чаноқлар,
Суйлар орзу тилаги бўлиб.

Ўзи эса уларга тўймай,
Сас чиқармай боқади беун,
У юртини севади шундай,
Юрагида, ботинда мамнун...

2002 йил, сентябр

* * *

Сен сўйлайсан фақат осмондан,
Яқин тутиб қуёшни, ойни.
Ё бўлмаса келасан тоғдан,
Писанд қилмай тупроқни, лойни.

Билмайсанки,
Сени шу замин
Кўтаргандир кифтига олиб.
Яна бир кун шу тупроқ сени
Кучиб ётар қўйнига солиб...

2000 йил



• • •

Эшитилмас қушларнинг саси,
Баланд шоҳда топганлар қўним.
Чигирткалар қўйиб авжини,
Қўшнаини чалар бетиним.

Ҳув, япроқлар орасидан ой
Жилмаяди мўралаб пастга.
Теракларни учи, ҳойнаҳой,
Рақсни қўмсаб силкинар аста.

Ой ёнида сийрак юлдузлар
Жилва қилар кўз-кўзлаб васлин,
Қуёш берган иссиқ ҳовурни
Совутар ой, юлдуз нафаси.

Яйрар дилдан жон, жонзот — барча
Эганида салқин ҳаволар.
Чигирткалар ором оларкан,
Энди қушлар айтар наволар...

2000 йил, август

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

Янги йил оқшоми гўзал, фараҳбахш,
Дилларда жўшади завқу ҳаяжон.
Кўзларда нур порлар, кўнгилларда шамс,
Байрам оғушида ҳар бир хонадон.

Ҳар кимга
Ҳар хил ўй беради ҳузур:
Бола қувнаса гар ўсдим деб бир ёш,
Шу кунга етказган Оллоҳга шукур,
Дея чол шивирлар кўзга олиб ёш.

2003 йил



САФАРДА

Ҳар гал отланганда йўлга, сафарга,
Пайдо бўлар руҳда зўр ўзгаришлар.
Вокзалдан бошланар бу ҳол аслида,
Учрашаркан бехос дўсту танишлар.

Янги ошналар ҳам ортар йўл бўйлаб,
Купеда қизийди гурунгу суҳбат.
Нарх-наводан бошланган бўлса-да, бу гап
Қитъадан қитъага ўтади ҳатлаб.

Ийманиб бошланган ушбу учрашув
Энди яқин қилар, айлар қадрдон.
Меҳрли кечади шундан хайрлашув,
Таъкидлаб айтилур манзиллар чунон.

Поезддан тушасан шоду хиромон,
Осмонда оқариб келганда саҳар,
Кўчага шўнғийсан, қалбда ҳаяжон,
Бағрига босади каттакон шаҳар...

2005 йил



ҚОР ҚҰЙНИДА

Ташқари чиқаман,
Ерда оппоқ қор.
Юзимга урилар унинг нафаси.
Осмонда юлдузлар нур сочар бедор,
Қорга етиб келиб, порлар шуъласи.

Шундан ялтирайди бўғот бўйнида
Маржондай тизилиб, сумалак қатор.
Мен эса юраман оқлик қўйнида,
Қалбим гўдак каби беғам, беғубор.

Кўнгилда тошади қувонч, сурурим,
Вужудни қуршайди ажиб бир ҳолат.
Юлдузга етгудай бўлиб ғурурим,
Дилдан кўча бошлар тилга шеърин байт:

Тунда, қор қўйнида кезмоқлик не бахт...

2006 йил

ТОҒ КЕЧАСИ

Осмон тўла юлдузга бунча,
Юлдузларки, йирик ва ёруғ.
Сабаби бор, сабаб —
Бу кеча
Мен турибман осмонга ёвуқ.

Шундан
Кўнглим осмондай тоза,
Йўқдир ғубор,
Йўқдир ғам-андуҳ,
Юлдузлардан олиб андоза
Қалб мавжланар
Таратиб ёғду!

Бойсун, 2005 йил



ОЙБЕК

Кенг пешона, сермаъно кўз, келбатли қомат,
Гўдак каби қалби тоза, ҳар қадами нек.
У суюкли адиб, олим, устоз — аллома,
Шеърятнинг осмонида сўнмас ой — Ойбек.

Гарчи эрта тилдан қолди, унинг туфайли
Суйлади-ку майса, гиёҳ, оғочу куртак.
У мадҳ этди тошни тешиб чиққан булоқни,
Гўзал шеърга айланди, о, сулув наъматак.

Гарчи ўзи сўзламади, сўзлатди тўлиб,
Ўтган буюк ажлодларни, тарихни яъни.
У Навоий, у Торобий, у Йўлчи бўлиб —
Гапирди, ҳар лутфида зўр мантиқ ва маъни.

Гарчи ўзи сўзламади, сўзлатди бироқ
Ерда туриб чақмоқ, қуёш, ою осмонни.
У сўзлатди дунё узра баралла янгроқ —
Шафақларда қанот ёзган Ўзбекистонни.

Йўқ, йўқ, Ойбек сўзлаб келди, ҳамон сўйлайди,
Юртин куйлаб шеър айтмоқда ноёб, бетакрор:
«Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...»

2005 йил




МИНГЧИНОРДА

Атроф — гузал,
Ҳаво — мусаффо,
Нафас олсанг, олурсан шифо.
Тоғ бағрида кезмоқлик роҳат,
Жўшар дилда
Илҳом, завқ — сафо.

Бу ерлар ҳам
Юртим парчаси,
Сулув сарву чинор, арчаси.
Бўлмай
Элнинг қай гўшасида —
Кўзга иссиқ барча-барчаси!

Китоб, 2006 йил





ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА

Ниҳоят, биз чиқиб келдик Қамчиққа,
Буралиб, юксалиб йўл юра-юра.
Тевада булутни тешган чўққилар,
Пастликда чўзилиб ётибди дара.

Қояда ялтираб қор олар кўзни,
Хушбуй ҳид таратиб, яшнар арчалар.
Яйрайман гўдакдай ҳис этиб ўзни,
Юракда туғилар шеърий парчалар...

Намоён бўлади ажиб мўъжиза:
Тоғу тошни ўйиб, очилган йўлак.
Авто-улов ўтар бундан физиллаб,
Дунёнинг у четин
Бу четга улаб.

Биз ҳам юрамиз шу равон ғор йўлдан,
Нур сочар атрофда чироқ-юлдузлар
Бир ғурур гул очар шу топ кўнгилда:
Хурликнинг меваси эмасми булар!

Мустақил бўлди-у кўпайди йўллар,
Тош йўлу темир йўл, ҳаво йўллари.
Гулшанга айланди қақраган чўллар,
Эзгу ниятларни Оллоҳ қўллади...

Туннелдан чиқиб ҳам яна йўлдамиз,
Бу ердан тинимсиз оқади карвон,
Қўл силкиб уларга салом йўллаймиз,
Бошимиз устида ярқирар осмон...

Қамчиқ, 2006 иш

АМИР ТЕМУР ИЗЛАРИ

Туркум

1. МОВИЙ ГУМБАЗ ОСТИДА СУХБАТ

Самарқандда бир гумбаз бор, унинг остида
Буюк Темур тин олади мангу айлаб хоб.
Гумбаз узра ёниб турар юлдузлар тунда,
Кўзни олар пештоқига нур тараб офтоб.

Сукут сақлаб ушбу мовий гумбаз остида
Соҳибқирон руҳ покига қилурман таъзим.
Кўз олдимдан ўтиб не-не давру ҳодиса,
Улуғ бобом сўзларини эшитаман жим.

Ҳар бир лутфда дунё-дунё маъно ва ҳикмат,
Бобом сўйлаб, айтиб берар тарихдан сабоқ.
— Жангу жадал эмас эди мендаги мақсад,
Ният — буюк юртда буюк давлат яратмоқ.

Не бахт, ушбу тилақларим бўлди ижобат,
Туронимда бир салтанат туздимки буюк,
Тан олишди уни не-не юрту мамлакат,
Ушбу давлат умримдан ҳам азизроқ, суюк.

Салтанатда ёвузларга ўрин бермадим,
Ўзбек бўлди ўз элига соҳиби даврон.
Дўстга дўсту ғанимларга бўйин эгмадим
Тайёр турдим юртга фидо этмоқ учун жон!..

О, тинглаймиз сукут сақлаб, ушбу сўзларни,
Тинглар уни бунда пиру фарзанд, набира.
Тингланг сиз ҳам,
Ёшу кекса юртдош дўстларим,
Шунда ҳушёр тортажаксиз сиз ҳам тобора!

Зиналардан секин юриб, чиқиб гумбаздан
Ҳис қилурман туғилгандай ўзимни қайта,
Кўз ўнгимда яшнаб турар қадим Самарқанд,
Одимлайман Темур бобом изидан аста.



Меҳр билан бобом боқиб оппоқ чечакка,
Чумолию қуш ҳолидан олурлар хабар.
Қадам қўйиб Кўҳак* томон, чиқиб юксакка,
Мамлакатнинг тўрт бурчига солурлар назар.

Кўринади ушбу ердан тўлиқ ҳур кишвар,
Фарғонаю Тошкент, олис Хива, Бухоро.
Шаҳрисабз-ку сабза уриб, ям-яшил яшнар,
Осуда юрт қучоғида тинчдир фуқаро.

Ҳар қадамда рўй бермишдир буюк ўзгариш,
Саҳрода ҳам шаҳар барпо тенгсиз бўй-бастда.
Тадбиркорлик бўлган юртда камаяр ташвиш,
Қишлоқлар ҳам бир-биридан гўзал — ораста.

Темур бобом қибла томон буриб юзларин
Элу юртнинг шарафига қилурлар дуо.
Еру осмон тинглари ул зот қўлғу сўзларин:
— Омон сақла, бул Ватанни, раббим, доимо!


Буюк Темур — бизлар учун ўрнак ҳамиша,
Ўрнак — юртни авайлашда, севмак бобида.
Шундан енгиб ўлимларни у мангу яшар,
Бунга оддий исбот — ўлмас ушбу обида!

Улуғ бобом билан бўлиб бирга бу лаҳза,
Фикр ўсиб,
Ўткирлашди тагин кўзларим.
Мени қучиб қулар баҳор, яшнар гул, майса,
Мисра-мисра бўлиб оқди шундан сўзларим.

2. САМАРҚАНДДА ТЕМУР ҲАЙКАЛИ

— Кўксаройдан чиқиб,
Ушбу кенг хиёбонда
Бир нафаслик тин оляпман,
Ташвишдан холи.
Гарчи ҳоким бўлсам ҳамки,
Ярим жаҳонга,
Ўз шаҳримда ҳордиқ олмоқ —

* Кўҳак — Зарафшон дарёси эски номларидан бири.



Энг бахти олий.
Кўп юртларни кезиб ҳамда
Забт айлаб ҳатто,
Самарқанддай гўзал шаҳар кўрмадим, рости,
Гар бирлашса битта давлат бўлиб бу Дунё,
Арзир бўлса ушбу шаҳар унинг пойтахти.
О, ярашар
Зебу оро бўйи бастингга,
Сени жондан ортиқ кўриб,
Севаман, шаҳрим.
Хиёбонда дам оляпман фақат бирпасга,
Менга мангу оромгоҳдир Онадай бағринг!

3. БУХОРО МЕҲРИ

— Ота юртим Нахшаб эрса,
Бухородир она шаҳрим.
Иккиси ҳам суюк менга,
Иккиси ҳам гурур, фаҳрим.

Онам алла айтиб-айтиб,
Бухоронинг меҳрин берган.
Отагинам йигит пайти
Бу меҳрнинг сеҳрин кўрган.

Болаликдан ушбу боис
Бухорони қадрладим,
Тинч бўлсин деб элу улус,
Отни доим эгарладим.

Меҳр кўйиб бу масканни
Имкон қадар этдим обод.
Кўпайтирдим мадрасани.
Ариқларни этдим бунёд.

Пирлар ўтган муқаддас жой —
Гулзор бўлди, бўлди боғ-роғ.
Нур таратиб қуёшу ой,
Қалб юксалди мисоли тоғ.

Қанча меҳнат қилмай бунда,
Доим уни кам деб билдим.
Туғилган-ку онам шунда,
Бу ишларни бурч деб қилдим.



4. АДИРДАГИ БОҒЛАР

Самарқанддан Шаҳрисабз тараф,
Юрсанг йўлинг эрур дара-тоғ.
Лол қоласан бу ҳолга қараб:
Тоғ бағирлаб кетган улкан боғ.

Ушбу боғни барпо этган ким,
Ким сабззор айлаган қирни?
Юз-юз йиллаб бу боғнинг сўлим —
Бўлишлиги сўйлар не сирни?

Гап шундаки, бунда илдизлар,
Жойни хоҳлаб чуқурга кетмиш.
Қучганидай барғни юлдузлар,
Томирлари чашмага етмиш.

Ўз юртининг суюк фарзанди —
Темур,
Қирон солиб ёвларга,
Мамлакатнинг осуда пайти
Асос солган шундай боғларга.

Бу боғлардан тароват ўчмас,
Чунки сувга етган томирлар.
Бу боғ яшнар,
У асло сўлмас,
Тирик, ахир, бугун Темурлар!

5. ШАҲРИСАБЗ САЙРИ

Шаҳрисабз хўп гўзал маскан,
Атрофлари адир, тоғ.
Қай ҳовлига кириб боқманг,
Мевазору боғ-чорбоғ.
Ҳавоси соф, яйрайди тан,
Дилда ортиб шуқуҳинг,
Бу шаҳарни кезаркансан,
Қучар осмонни руҳинг.
Тоғлар билан бўйлашади
Қомат чўзиб Оқсарой.
Бир-бирларин қутлашади
Порлаганда қуёш, ой.



Майдондаги хиёбонда
Қаддин тутиб тик мағрур,
Боқиб турар кенг жаҳонга
Бобокалон — мард Темур.
Водий бўйлаб анҳор, сойлар
Тоғдан оқиб келади.
Сувдай оқиб йилу ойлар
Шамол каби елади.
Лекин собит Оқсарою
Собит турар чўнг тоғлар.
Шаҳар яшнар қишин ёзу
Кўзни олар ўтлоқлар.
Темур бобо Оқсаройдан —
Юксакликдан боқади.
Кенг адирда дарё, сойлар
Тиним билмай оқади...
О, Шаҳрисабз, гўзал маскан —
Темур бобом бешиги.
Сен ўзингсан
Юртимизнинг
Илк мустаҳкам эшиги!
Кенг бағрингда кезиб бугун
Гўдак каби яйрайман,
Жамолингга бўлиб мафтун,
Тўймай-тўймай қарайман...

*Бухоро-Самарқанд-Шаҳрисабз,
2006 йил*



ПОЙКЕНТ*

Кўҳна қалъа мудраб ётар,
Осмонга қараб,
Улкан тани эгаллаган
Катта майдонни.
Тушларида қўяр балки
Ўтмишни эслаб,
Ўз бошидан кечиргани —
Шавкату шонни.
Бухорода қадим шаҳар
Пойкентдир, шаксиз.
Ўтмишда хўп обод бўлган,
Гуллаб-яшнаган.
Довруқ ёйган фарбу шарқда,
У бўлиб тенгсиз,
Руму Эрон тужжорлари
Келиб яшаган.
Ўз пайтида Пойкент кўрган
Қанча суронлар,
Шул боисдан девор билан
Ўралмиш шаҳар.
Босқинчилар оқизишиб
Бегуноҳ қонлар,
Тинч аҳоли ош-нонини
Этганлар заҳар.
Шу шаҳарда тўқнаш келган
Ислол, маъжусий,
Боболарим маъқул кўрган
Ислолий динни.
Ва динимиз томир отган
Ҳар ён ёйилиб,
Равнақ топиб эгаллаган
Мовароуннаҳрни.
Пойкент бўлган савдогару
Хунарманд шаҳри,

* Зарафшон қўйи оқимдаги қадимий шаҳар номи.



Бунда шиша қуйиб, мисга
Берганлар ишлов.
Шаҳарни сайр қилганларнинг
Очилган баҳри,
Кўчаларда йўловчилар
Бўлган серқатнов.
Ал-Бухорий устозлари —
Муҳаммад Салом,
Шунда яшаб кўп ёшларга берганлар билим.
Дорихона мавжуд бўлган
Ўша пайтда ҳам,
Хуллас, ривож топган бунда
Қанча фан, илм.
Кўп шаҳарлар бўлган эса
Урушга қурбон,
Пойкент учун тақдир кечган
Бутунлай ўзга.
Кейинчалик оқмай қолган
Бундан Зарафшон.
Сув тўтиё бўлган ахир
Инсон кўзига,
Боз устига Урганч чўлдан
Тўфонлар эсиб.
Чор атрофни келиб босган
Қумнинг тўзони.
Шу тариқа бундан кетган
Одамлар кўчиб.
Сувли ерга қўнишган-у,
Асраган жонни,
Кимсасиз бу шаҳар қолган
Танҳо хувуллаб,
Ён атрофга ўтган энди
Ундаги ҳаёт.
Бугун Пойкент шамол билан
Турар суйлашиб,
Мен тинглайман бу суҳбатни
Борганда бот-бот.
Пойкент сўйлар энг гуллаган
Хушбахт чоғларин,
Боболарнинг жасоратин
Айтар шодланиб.



У мақтайди атрофдаги
Сўлим боғларин,
Ҳар бир сўзи юрагимда
Қолар ёдланиб.
Пойкент сўйлар. Мен тинглайман
Уни жим туриб,
Кўз олдимда улкан шаҳар
Жонланиб кетар.
Завқу шавқ-ла кўчалардан
Ўтаман юриб,
Бир майдонда ҳофиз тор-ла
Ашула айтар.
Қувурлардан сувлар оқар
Шариллаб, қаранг,
Дошқозонда қайнамоқда
Хушхўр сумалак.
Билсам, бунда бугун Наврўз
Байрами экан,
Шундан яйрар сулув қизлар
Гўё ҳур малак.
Хино қўйган қўлларида
Ялтирар кўза,
Ушбу кўза сопол эмас,
Шишаи биллур.
У маҳаллар бундай кўза
Кам тушган кўзга.
Бу манзара юрагимда
Уйғотар ғурур...
Шундай ҳар гал бўлганимда
Қадим Пойкентда,
Билмаган кўп нарсалардан
Бўлурман огоҳ.
Ва атрофга боқиб дейман
Дилдан баралла:
Ўлгани йўқ, ахир, Пойкент —
Тирик мозийгоҳ!
2004 йил, август



МАҲМУД ТОРОБИЙ СЎЗИ

Маҳмуд Торобийман,
Жондор — масканим.
Бир пайт топталганда азиз Ватаним,
Юрт деб уз жонидан кечган бир жонман,
Сизларга жигарман, қондош инсонман!
Босқинчи ғанимлар эл-юртни талаб,
Шаҳру қишлоқларга ўт-олов қалаб —
Юрганида, ким ҳам тура олар жим.
Юракда денгиздай тошиб ғазабим,
Озодлик деб қўлга қурол олганман,
Неча бор душманга қирон солганман.
Албатта, курашда эмасдим ёлғиз,
Менга йўлдош бўлди кўплаб йигит, қиз.
Билакда кучи бор бизни қўллади,
Озодлик жангида зафар тилади.
Неча бор танг этдик душманнинг ҳолин,
Босқинчидан бўлди Бухоро холи...
О, бир гал, ёғийлар кўп эди бироқ,
Уларнинг қўлида беадад яроқ,
Ўшанда жанг кечди қаттиқ, шиддатли,
Ватан деб қон тўкди мардларнинг марди,
Йигитлар жон олиб ва бердилар жон,
Мен ҳам шу курашда бўлганман қурбон...
Беҳуда оқмади аммо қонимиз,
Бугун озод эрур Ватан — шонимиз!
Юртдошлар!
Сиз билан йиллар оша мен,
Тирик бўлиб ҳамон бирга яшаймен.
Тороб қишлоғида бордир изларим,
Юрт жамолин кўрар очиқ кўзларим,
Ватан хурлигидан дилда сурурим,
Жондор ҳам Бухоро — фаҳру ғурурим.
Истиклол бор бўлсин абдул-абад,
Диёрим хуснига кўнмасин ҳеч гард.
Юртимнинг соҳиби — халқ омон бўлсин,
Қадамлари қутлуғ, нурафшон бўлсин!



БАРЧА КУН НАВРЎЗ

Хуш келибсан, Наврўзим,
Юртим аро гулгун бўлиб,
Ёшу кекса — барча дилга
Нурли, янги кун бўлиб.

Сен — яшармоқ, яшнамоқсан
Одаму олам учун.
Фунча хандон, барча инсон
Шодланар мамнун бўлиб.

Дошқозонларда тошиб
Қайнар насиба, ризку рўз.
Ям-яшил яйловда ўтлар
Қўй-қўзи дуркун бўлиб.

Гарчи дон ҳар ерда бордир,
Ёпилар ҳар жойда нон,
Нони ширмой олам ичра
Мақталур устун бўлиб.

Бул Ватан — жаннатмакон —
Ҳур Ўзбекистоним эрур,
Ҳар куни Наврўз бу юртда,
Эл яшар мафтун бўлиб.

1999 йил, март

ОЛАМ ИЧРА ОЛАМ

Т у р к у м

*Бухорои шарифнинг қутлуғ
2500 йиллик тўйига бағишлайман*

НИЯТ

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим
Эшитгайсан, Оллоҳ, дилдаги оҳим,
Караминг-ла этдим бу ниятга жаҳд,
Ушладим хомани битмоқ бўлиб аҳд —
Кўнглим буюргани қиссами, дoston —
Анвои гуллардан иборат бўстон.
Мақсудим, машҳури олам орога —
Қадимий она юрт — шул Бухорога
Назм гулларидин териб бир шода,
Тақсамки бўйнига — жоним омода.
Жигару юрагим бўлмайин кабоб,
Поёнига етса бу ишки, савоб.
Дунёдан ўтардим мен ҳам беармон,
Ўзингдан мададу Ўзингдан дармон...
Ўзингсан солгувчи илҳом дилимга,
Ўзингсан бергувчи калом тилимга,
Бу оламда Оллоҳ, яктосан сарвар,
Нурга кон қамару — тун шоҳи — анвар,
Ёруғлик бергайким, қаро кўзимга,
На кўзим, ўзимга, айтар сўзимга,
Бу йўлда пирлар ҳам турсалар қўллаб,
Рухимни Оллоҳга турсалар йўллаб,
Бўлур, иншооллоҳ, муродим ҳосил!
Ният пок, албатта, бергувчи ҳосил!

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЗИЁРАТГОҲИ

Бу маскан шу қутлуғ масканлар аро,
Энг қутлуғ маскандир гўзал, дилоро.
Ислом оламида машҳури олам,
Сеҳри бир оламдир, меҳри бир олам.



Таърифлаш мушкулдир уни сўз билан
Фақат кўрмоқ лозим қалбу кўз билан.
Шу вайдан келурлар ҳамма томондан:
Арабу Ҳиндистон, Турку Эрондан
Бу қутлуғ даргоҳни этгани тавоф,
Оллоҳнинг йўлида олгани савоб,
Бу жойни этсангиз бир бор зиёрат,
Ниятлар албатта, бўлгай ижобат.
Юракда қолмагай губор, кирингиз,
Сизга куч берарлар улуг пиримиз.
Пирки, дунё, дин илмида якто, ягона,
Тариқат бобида дуру дурдона.
Ҳақиқий оламга бўлиб моҳитоб,
Шу ердан боқурлар айлаб тарки хоб.
Баҳоуддин Нақшбанд — Буюк пиримиз —
Барча муслимларга суюк пиримиз.

Самосий бобомиз этгач каромат,
Бир ўғил туғилди, хушбуй, аломат.
Устозлик қилдилар Мир Кулол ҳазрат,
Ғиждувоний* бериб руҳан тарбият.
Ёшлиқдан саъй қилиб илму амалга,
Бўлдилар машҳури жаҳон оламга.
Ул ҳазрат туфайли қишлоқ Ҳиндувон
Танилди ном олиб: «Қасри Орифон».
Ул ҳазрат туфайли машҳур Бухоро,
Дунёга бўлди боз манзур Бухоро.
Шу боис бул маъво бугун ҳам обод,
Бу ерда руҳингиз топади қанот.
Кўнглингиз бўлади нурдан чарағон,
Бағрига олади шу мовий осмон.
Ҳақ йўлини қилиб дилларга пайванд,
Ётурлар бу ерда ул шоҳи Нақшбанд.
Бошлари томонда масжиди Жомеъ,
Ул зотга кишилар ҳамиша соме.
Масжид-ла ёнма-ён улкан хонақоҳ,
Мовий гумбази-ла уйқашдир само,
Хонақоҳ ичи ҳам баҳаво, кўркам,
Нақшинкор шифтлари — сирли бир олам.

* *Ғиждувоний, Хожа Абдуллоҳиқ* — нақшбандия тариқати раҳнамоларидан.
Шеърдаги бошқа шахслар ҳам.

Илоҳий манзара эритар кўнгил,
Шайтон васвасаси синади чил-чил,
Қудуқдан сув ичсанг ёришар дилинг,
Оллоҳнинг йўлига қоришар дилинг.
Унинг ишқи билан уради юрак,
Жаннатни гўёки кўради юрак.
Бундаги ҳужралар, масжид, минора —
Самовий қудратдан берар ишора.
Кузларни яшнатар у машҳур ҳовуз,
Хизр ҳам Пиримиз бўлиб юзма-юз,
Шу ерда қурганлар суҳбати олий —
Гоҳида узоғу, гоҳида оний.

Илк бора бу жойни обод ва кўркем —
Раҳматлар ёғдирсин руҳига Эгам —
Эттирган киши бу — Абдулазизхон*
Ва сўнгра ўтган кўп амир ҳамда хон.
Ободлик ишига қўшдилар улуш,
Сарф айлаб баъзида олтину кумуш.
Ўртаниб айтсамки, очиқ гапни, оҳ,
Бир пайтлар бу ерга тушмади нигоҳ.
Не дейин, тавофни истаса-да дил,
Бунга йўл қўймади жамият — гофил.
Йўқ эди аслида бизда ҳуқуқ, эрк.
Биргина айбимиз: ахир, биз — ўзбек.
Шул боис масжидлар мудом берк эди,
Шул боис орзумиз фақат эрк эди.
Не тонгим, ниятлар берди-ку ҳосил,
Ўзбек ўз ерида бўлди мустақил.
Шу боис дилларда мавжланар шодлик,
Шул боис авж олар юртда ободлик,
Шул боис яна ҳам кўркли бу макон,
Юртимиз озоддир, ҳурмиз, ал-омон!
Курашдик бу йўлда ёшу қарилар,
Қўллади бу йўлда бизларни пирлар.
Бу гапга келтирма, дўстим, шак, иллоҳ,
Бундаги мозийгоҳ кафилдир, гувоҳ.
Зиёратнинг келгач охир, поёни,
Бир нафас келиб кўр ушбу бинони.

* Шайбонилар сулоласига мансуб ҳукмдор.



Дастлаб лол қолурсан гулганж деворга,
Нақшинкор эшигу ҳамда болорга*.
Хаёлингни олар ушбу нозик иш,
Ўйлайсан, буни ҳам қолдирган ўтмиш,
Йўқ, асло, бу санъат ушбу замондин —
Ихтиро этилмиш ёшлар томондин.
Ижодкори унинг ёш уста — Шариф,
Хунару ақлига топилмас таъриф,
Энди боқ бундаги тасвиру хатга,
Ҳақиқатни сўйлар сенга, албатта.
Ўқи китобларни, барин билурсан,
Ҳақнинг йўлларига амал қилурсан.
Баҳоуддин Нақшбанд — ифтихоримиз,
Оллоҳнинг ўзидир мададкоримиз.
Бу қутлуғ маконни айлаб зиёрат,
Энди Бухорога қилсанг саёҳат —
Мурудинг не бўлса ҳосил бўлғуси,
Барча ниятларинг восил бўлғуси.
Поклансин бадану, поклансин юрак,
Топилмас меҳрибон — Ўзидан бўлак.
Оллоҳ ҳаммамизга ёғдиргай раҳмат,
Бухорога, меҳмон, қани, марҳамат!

* Тўсин (тева).



ҚАЛЪА

Шаҳар бўлмоқ кечмаган ҳеч осон қадимда,
Алалхусус, кўҳна Шарқда аниқ андоза:
Тўрт деворсиз ва эшиксиз уй бўлмагандек,
Шаҳар учун лозим ҳам шарт: қалъа, дарвоза.
Ахир, одам танаси ҳам қўрғон юракка,
Бу оламга қўш дарвоза унинг кўзлари.
Шу боисдан Бухорода баланд девору
Дарвоза урф бўлган. Ана унинг излари...
Тикилсангиз кунгирадор кўҳна қалъага,
Ушбу парча деворда ҳам сеҳру салобат,
Кунгиралар орқасида бор бир йўлакча.
Бу сўқмоқда сергак турган соқчилар ҳар вақт.
О, қалъанинг пойдевори нақадар энли,
Ярим ясси минорчалар тиралиб турган.
Дарвозанинг мақтовига сўз йўқ жўяли,
Дарвозалар кенг жаҳонга ланг очиқ бўлган.
Бир дарвоза олиб чиққан Самарқанд томон,
Бир дарвоза очиқ турган Бағдод, Халафга,*
Жондор томон олиб чиққан яъни «Шергирон»,
Бунисидан йўл олганлар Хитой тарафга.
Она шаҳар, кўҳна қалъа, дарвозанг билан
Кўзларимга тўтиёсан, билсанг, тўтиё,
Юз йил нима, минг йиллардан ошиб келган
Мадинамсан, табаррутим — ўзинг, Бухоро.
Ташқаридан олинган-у қалъа девори
Шаҳристонни авайлаган балодан асраб.
Қалъа сабаб осойишта шаҳар кучоғи,
Ҳеч қайси ёв киролмаган, келса қонсираб.
Бугун ҳожат қолмагандир деворга гарчи,
Фаҳру ғурур билан, қалъа, сенга боқаман.
Суртарканман кўзларимга ҳар зарра гардинг,
Ниғоҳим-ла кўксинг узра гуллар тақаман.
Энди ҳожат йўқдир, илло, дарвозага ҳам,
Кенг очганмиз жаҳонга дил дарвозасини.
Лекин яша, мангу тургин, собит, мустаҳкам —
Олам аро ёйиб шаҳрим овозасини.

* Халаф -- аслида Суриядаги Халаб шаҳри (Алеппо) (Мух.)

ЧАШМАИ АЮБ

Қурғоқчилик бўлган экан Бухорода ҳам,
Қор тушмаган ўша йили, ёмғир ёққан кам.
Зарафшоннинг суви шундан келмаган оқиб,
Ёзда куёш қиздирибди тандирин ёқиб.
Томоқ қуриб одамлар ҳам бўлган ташналаб,
Бор экинлар сарғайибди қуриб, қовжираб.
Воқиф бўлиб ушбу ҳолдан Аюб пайғамбар,
Бухоронинг чеккасига қўниб бир саҳар,
Ҳассасини урган экан ерга. Шу лаҳза
Сув чиқибди пайдо бўлиб каттакон ҳавза,
Ўша сувдан барча ичган қолибди омон,
Экинлар ҳам кўкарибди, тўлибди хирмон.
Шу ҳавзадан чашма қолган ўша жойида,
Пайғамбар ҳам дафн этилган дерлар пойида.
Бу қутлуғ ер ҳозирда ҳам обод ва кўркам,
Чашма Аюб мақбараси гоят муҳташам.
Уни қайта барпо этган Темур бобомиз,
Кўп бор бўлиб, тавоф этган пиру дономиз.
Бу чашманинг суви шифо дардларга ҳамон,
Ният айлаб ичсанг, сенда ортар куч, дармон.
Уни ичиб сен нафақат қонарсан сувга,
Қалбинг тўлар ёруғ нуру илоҳий руҳга!



ОЛАМ ИЧРА ОЛАМ

Сомонийлар мақбараси ёнида

Тасвирига етишмас ранглар,
Мақтовига ожиздир қалам.
Кўрган сайин тўймайди кўзлар,
Бунақаси бу оламда кам.
Бу бир кўшиқ,
Ижрочи эса
Туғилмаган ҳали дунёда.
Бу бир ҳайкал —
Санъат шаънига
Кўйилмаган бундан зиёда.
Очиқ турар тўртта томони,
Қайдан боқма —
Чулғайди ҳайрат.
Кўриб,
Фақат ҳис этиш мумкин,
Етмас
Уни қилмоқ ҳикоят.
Гумбаз эмас томи шунчаки,
У осмондир,
Бепоён осмон.
Шундан тушар қуёш нурлари,
Ой чиққанда — хона чарағон.
Бўртиб турар замин устига
Бунда еру само мужассам.
Қойил дейман,
Бу — олам ичра
Яратилган яна бир олам!



АРК

Бу ер асли шаҳар ичра гўё бир шаҳар,
Нафис гиштин деворлари минордай юксак.
Афинада юксак қўрғон — Акропол магар,
Осиёда Бухоронинг Аркидир, бешак.
Акропол-ку улик қўрғон, ётар ҳувиллаб,
Устунлари чўзиб қўлин турар осмонга.
Далда бериб шамол эсар унда ғувуллаб,
Куйлаб ўтмиш қудратини бутун жаҳонга.
Регистонда қад ростлаган Арк — бошқа олам,
Кунгирали деворлари сурурли, гўзал.
Дарвозаю айвонлари, кўшқу ҳовлилар —
Бари тирик — мисли ҳозир битилган ғазал.
Қадамнингни босгин, дўстим, авайлаб секин,
Сен кўрасан Сиёвушнинг бунда изини.
Шу қўрғонда Афросиёб ниятлар этиб,
Берган эди Сиёвушга суюк қизини.
Кеча-кундуз алмашгандек навбатма-навбат,
Меҳру ғазаб олар экан бир-бир ўрнини,
Афросиёб меҳр кўргазган бўлса ҳам бир пайт,
Сўнг шу ерда Сиёвушнинг тўкмиш хунини...
Наршахий ҳам Фирдавсий кўп Аркнинг рўй-рост —
Таърифини хўп айтганлар битганда китоб.
Бухоро — бир олтин лаган, бу ер — тилло тос,
Тилло тоски, манглайдан ўпади офтоб.
Аркда юрсанг, ярқирайди тепангда само,
Бутун шаҳар кўринади пойинг томонда.
Қулоғингга чалинади ёқимли наво —
Амир қутлар меҳмонларни тахти равонда.
Ҳа, бу ерда ўтган қанча амиру шоҳлар,
Ҳур қизларга маскан бўлган ахир ушбу Арк.
Чилдухтарон қудуғидан келар «оҳ-воҳ»лар,
Унда ҳамон бедор ётар қирқта канизак...
Кунчиқарга кетган кўча, ҳовлилар қатор,
Энг зўрида қушбегию амир яшамиш.



Саломхона, миршабхона, саноқсиз омбор.
Зарбхонада зарб этилган, тилло ва кумуш...
Регистоннинг майдонида, улкан бозорда
Чумолидай уймалашган сонсиз одамлар.
Жондан бошқа нарса билан тўлган дўконлар,
Мева-чева сероб бўлган ҳар бир қадамда.
Регистондан ўта туриб бозорга томон
Жим тинглайман ўтмишдаги шовқин-суронни.
Ёш гудакман, онагинам қўлида тутун,
Харид қилар ҳолва, майиз, обидандонни.
Қўлимдаги «хўрозқанд»им етади менга,
Онам олиб берар яна курсу навотни,
Дорда дорбоз ўйинидан қўрқмасин дея,
Болам эслаб эртақдаги дор ва жаллодни...
Йўл оламиз онам билан Шаҳристон томон,
Тинмай ишлар темирчию уста мисгарлар.
Бири ясар кетмон, ўроқ, бири мисқозон,
«Тақ-туқ»лардан қулоқларим қоматга келар...
У ёғи-ку кўҳна тарих, мен онам билан
Регистонни кезганимга тўлмиш эллик йил.
Сўнгра сафар қилдим, эҳе, қанча элларда,
Қайда кезмай, шаҳрим билан фахрланди дил.
Мисрдаги эҳромларни кўрганим онлар
Кўз олдимда қад ростлади аввало Арким.
Кечирсинлар мени минг бор араб, юнонлар,
Арким, ўзинг: Акрополим, Эҳромим, фаҳрим!





ҚЎШ МАДРАСА

«Қуш» деганда тушунамиз
Қушалоқ, жуфтни.
Қуш қаватли эшик бўлар,
Қўш қават ойна.
Бухорода лекин, дўстлар,
Қадим-қадимдан
Одат бўлган барпо этмак
Қўш-қўш мадраса.
«Модарихон» қаршисида
Бор «Абдуллохон»,
Она-ўғил боқишади
Юзма-юз хушвақт.
Волидасин тингламоқда
Диққат билан хон,
Она эса унга берар
Панду насиҳат.
Қўш мадраса ичи-теши
Ўзи шоҳ асар,
Кўзни олар гулганж гириҳ,
Қуббали айвон.
Девордаги феруза ранг,
Сирли кошинлар
Кўнгилларга завқ беради,
Қалбга ҳаяжон.
Лекин дилга солган ларза
Фақат бу эмас,
Бошқа сирни очмоқчиман —
У бунда пинҳон.
Ўтса ҳамки қанча йиллар,
Қанча асрлар,
Меҳр туфайли она-ўғил
Биргадир ҳамон!
Яна бордир «Заргарон»да
Шундай мадраса,
Қомат чўзиб ўз ҳуснини
Кўз-кўз этади.



Узоқ боқиб деворларни
Ўқисанг дилдан,
Хаёлингни бошқа олам
Чулғаб кетади.
Бунда энди барқ уради
Ўзга бир маъно,
Ўзга дунё, ўзгача бир
Завку эҳтирос.
Гўё турар тик рўбарў,
Кўринг, бу ерда
Самарқанду Бухоро ва
Шогирду устоз.
Бир томонда мадрасаи
Улуғбек турар,
Самарқанднинг санъатини
Айлаб тарона,
Улуғ олим даъват этар
Туриб пештоқдан:
— Илм олинг, келдингизми
Ушбу жаҳона!
— Тўғри, — дейди рўпарадан
Абдуллазизхон, —
Билим олсин ҳар замонда
Эркагу аёл,
Илм билан бино бўлди
Мазкур иншоот,
Илҳом берди усталарга
Самовий хаёл!
Чиндан буюк намунадир
«Абдуллазизхон» —
Илму хаёл оламининг
Уйғунлигига.
Ганжу мармар, фишдан униб
Чиққан бу гуллар
Сир қўшадир сирли кошин
Туйғунлигига!
Ҳужралару дарсхоналар
Мўъжиза бари,
Энг зўрини кўргайсиз сиз
Масжидда аммо.

Гумбаз аро тушган нурга
Эътибор бериб,
Меҳроб томон тикилсангиз —
Кўринар сиймо.
Бу ким бўлди, фариштадай
Оқ саллали чол,
Меъморми ё, хаттотми ё
Абдуллазизхон...
Ким бўлмасин, бу ботиний
Шакл у даврда
Илмга даъват, хурофотга —
Исёндир, исён!
Бухорода қўш мадраса
Жуда кўп бўлган!..

МИНОРА

Минорасиз шаҳар йўқдир дунёда
Бағдод, Париж ё айтайлик Токио...
Бу борада соврин таъсис этилса,
Олар эди уни, шаксиз, Бухоро.

Пиридастгир, Болоҳовуз, Гавкушон...
Тугамайди сон-саноғи, бетакрор.
Қайда борким, тўрт минора бир жойда —
Қўл ушлашиб турар, қаранг, Чорминор.

Минораи Калон машҳур жаҳонда,
Бунақаси бу дунёда жуда кам.
Салкам минг йил турар у тик оёқда,
Унинг билан уйғоқ уста Бақо ҳам.

У бизлардан олдин қуёшни кўрар,
Олдин ёғар унга ёмғирлар, қорлар.
Лайлак келиб унинг бошига қўнар,
Гул кўрсатар аввал унга баҳорлар.

Не-не қувонч, ташвишларни кўрган у,
Шундан кучли унда сеҳру салобат.
Шунча гап-ла мақтанишни билмас у,
Сукут сақлар, сукутида кўп ҳикмат!



МАСЖИДИ КАЛОН

Масжидларнинг таърифини этсам баён:
Бухорода улкан масжид Пойи Калон.
Ун мингдан ҳам кўпроқ мўмин намоз ўқир —
Келса жума, Ийди Рўза, Ийди Курбон.

Ёш бобида у ҳам Мағок* каби кекса,
Шу боисдан бир қўлида минор-ҳасса,
Девори тош, гумбази тош, шифтга боқиб —
Тошдан бошқа кўролмайсиз болор, васса.**

Айвон аро гул устунлар кетган қатор,
Шул устунлар гумбазларни сақлар бедор,
Муродига етар дерлар, Оллоҳ учун —
Ким ибодат этса бунда ҳатто бир бор.

Ақлинг олар қибла ёқда мовий гумбаз,
Кўкни тутар, пастда туриб берилса сас,
Кошинкорли бу меҳробни пайдо этган
Наққошми ё, Хизрми ё, билиб бўлмас.

Бул масжид ҳам қайта-қайта бўлмиш бино,
Ҳар бинода янгича тарҳ, янги маъво.
Собит турар асрларким ушбу масжид
Деворидан кўчмай нақшу сирли сиёҳ.

Куллуқ, шоҳлар, эй усталар, сизга куллуқ,
Ҳимматингиз, санъатингиз бунча буюк.
Қўлларингиз барпо этган Бухоро бу —
Бу кунда ҳам бу дунёда дилбар, суюк!

* Мағоки Алтор масжидига ишора!

** Биносозлик истилоҳи. Арабча Маъноси: «Оралликдаги анё» Тўсиқлар
га қўндаланг босиладиган ёроч материал. Айрим ҳолларда тошдан ясалган.
Одатда сидирға, баъзан нақшинкор бўлади.



МИРИ АРАБ

Минораи Калон ён томонида
Масжиди Калонга юзма-юз қараб,
Виқор-ла қоматин чўзиб осмонга
Мадраса сўйлайди:
— Мен Мири Араб!

Қачонки шоҳ эди Убайдуллоҳон*,
Бу гўзал обида этилмиш барпо.
Абдулла Яманий** — ул пири ирфон
Усталар ишига доим раҳнамо.

Шул боис шайх номи боқий ҳамиша,
Боқий иморат-ла турар ёнма-ён.
Кўрингким, ҳозир ҳам гумбаз остида
Ёнма-ён ётурлар пир ҳамда султон.

Мадрасанинг улкан, нақшин гумбази
Ташланар кўзларга барча томондан,
Билолмайсан, боқиб, илк баҳор фасли —
Ундан нур чиқарми,
Ёки осмондан.

Гумбазлар бир-бир-ла кетган туташиб,
Ганжин қовурғалар гишт билан пайваст.
Ҳаворанг «тасма»ю, гириҳ «юлдуз»и —
Барчаси санъатдир, буюк ишқ, ҳавас!

Ҳовлининг уч ёғи кетганча ҳужра,
О, айтсам, уларда бўлмаган қай зот.
Муқимий, Жондорий, Махтумқули ҳам
Шу ерда илм олиб бойитган савод.

* Убайдуллоҳон — Шайбонийлар сулоласидан султон; хон. Таниқли шоир Убайдий (1487—1539).

** Сайид Абдулла ал-Қурайший ал-Яманий, Мири Араб — нақшбандия тариқатига мансуб авлиё ва аллома.



Ҳозир ҳам қанчалаб толиби илмлар
Дину диёнатдан сабоқ олурлар.
Қунт билан ўрганиб араб тилини,
Оллоҳнинг зикрига қулоқ солурлар.

Гумбаздан нур ёғар кўзингга, бу рост,
Воқиф этмоқчиман яна бир гапдан:
Ўқисанг чин қалбдан кўрсатиб сабот —
Дилга ҳам нур кирар Мири Арабдан!





БУХОРО ТОҚЛАРИ

Улкан қалпоқ — гумбаз остидан,
Каранг, кетган тўрт томонга йўл.
Номи унинг «Тоқи Заргарон»,
Гумбазчалар турар қўлма-қўл.
Қуёш чиқса гумбаз нурланар
Ярим тухум пўчоғи бўлиб.
Боққан сайин тўймайди кўзлар,
Завқланар дил ғурурга тўлиб.
Тоқнинг ичи сирли янада,
Шифти порлар шамсиз, бўёқсиз.
Гумбаз пастлаб тушар деворга
Ҳамма ёқда дўкон саноқсиз.
Дўконларда ишлар заргарлар,
Юритади ўз савдосини,
Тилла узук, олтин сирғалар,
Олинг хоҳлаб энг аълосини.
Заргарлик — бу отамерос касб —
«Заргарон»да яшовчиларга.
Бошқа бирор уста тенг келмас
Ўзал балдоқ ясовчиларга.
Ҳозирда ҳам очиқ бу дўкон,
Бирор кун йўқ гавжумсиз пайти.
Ўғли билан ишлаб Фуломжон,
Кўз-кўз қилар заргар санъатин...

Яна бир тоқ, ундан каттакон —
«Заргарон»дан жануб тарафда,
Уни дерлар «Телпакфурушон»,
Ҳожати йўқ асло таърифга.
Ҳаддан зиёд кичик гумбазлар
Бош гумбазга уланар келиб,
Йўлак чиқар бундан беш ёққа,
Гумбаз қарар беш ёнга кулиб.
Ўзига хос жаннатмакондир,
Гумбаз ичра йўлаклар сернур,
Иссиқ ёзда оромижондир,
Танинг яйраб, қиласан ҳузур!



Телпақлардан лиқ тўла жавон,
Қоракўлу суру шерози.
Хоҳлаганинг танлаб ол, меҳмон,
Кийиб-кийиб бўлурсан рози.
Бунда тортиб матога зар ип
Ишлашади моҳир зардўзлар.
Юртни зарга чулғатамиз деб,
Ҳунарларин суюб, кўз-кўзлар,
Тиним билмас уста Бахшулла
Шогирдларга мудом бош-қош.
Дўппидаги гуллар зар тилло,
Чаман узра порлайди қуёш,
Уста Шокир дўкони хўп кенг,
Бунда темир, мис кирар тилга.
Чарчоқ билмай уста эрта-кеч
Касб довруғин ёяди элга...

Яна бир тоқ номи «Саррофон» —
Лаби Ҳовуз даҳасин кўрки.
Бу аслида тоқ эмас, ишон,
Бухоронинг бошида бўрки.
«Саррофон»нинг қомати тик, рост,
Тегай дейди осмонга шифти.
Ўнг кифтида масжид, дўконлар —
Чўнг саройга тегар чап кифти.
Юқоридан «Шоҳруд» канали
Тошлар аро оқар шарқираб,
Соҳилида бўлган маҳалинг,
Сен ҳам завқдан жўшасан қайнаб.
Бунда туриб саррофлар бир пайт
Ишлаганлар пул, танга билан.
Бўлса мушкул муаммо кимда —
«Саррофон»да осон ечилган.
Кезарканман шу тоқлар аро.
Кўзим яшнаб, очилар баҳрим.
Тошлардан ҳам мўъжиза бино —
Этгансан, эй мўъжиза шаҳрим!



ТИМИ АБДУЛЛАХОН

Шаҳар обод бозори ила,
Бухорода шундан кўп раста,
Шаҳристонни кезсанг бир йўла —
Учрар бозор кўп ва ораста.
Бир-биридан гузалдир бари,
Мисли гуллар — рангин, анвойи.
Абдуллахон тимини кўриб,
Дейсан, ана бозор кирови.
Усти ёпиқ бозорда у пайт
Қатор кетган савдо растаси,
Пештахтада турган ялтираб
Бухоронинг шойи, адраси.
Хориждан ҳам келтирилган мол —
Ҳар хил барқут, банорас, кимхоб.
Афғон, япон, ҳинду матоси
Дўконларни айлаган сероб.
Хаёл элтар олисга мени,
Кезарканман бугун тим аро:
Савдо-сотик авжга чиққан пайт,
Кўз олдимда сершовқин дунё.
Харидорлар ичида бир чол —
(Одми кийим, жуссаси қоқроқ)
Банорасдан сўраса, ногоҳ
Сотувчи дер:
— Эй чол, қурумсоқ,
Буни олмоқ йўл бўлсин сенга,
Олгин, ана бўзу қалами.
Дарҳол чўзиб чол олтин танга
(Ичга ютиб ўз аламини)
Қимматбаҳо банорасни у
Этик ечиб, қилди пайтава.
Сотувчи ўз айтган гапидан
Бўлди ўсал ва саросима.
Деҳқонсифат, малла этикли —
Бу чол оддий эмас, ҳойнаҳой,



Ромитаннинг саноқсиз мулкли
Бойи эди у — Чориқул бой.*
Доно бу чол берди бир сабоқ
Сотувчига индамай аммо.
Маъноси шу: Сиртига қараб
Одамларга бермагин баҳо!
Бу бир лавҳа
Бозор ичидан:
Биров хурсанд, бировчи абгор
Қаранг қандай кони тарбия
Бўлган экан, ўтмишда бозор!
Боқарканман, такрор ва такрор
Ушбу тимнинг ичи ташига,
Бу бино ҳам асли бетакрор,
Лол қоласан гишту тошига.
Ишлатилмай болору васса —
Улкан томи тошдан ёпилган.
Барханлардай қалашган гумбаз
Замбуруқдай отилиб чиққан.
Ҳозиргина ё кўйиб ёмғир,
Пуфакларни этгандир пайдо.
Меҳмон, келиб тимни ҳам бир кўр,
Сен бўлурсан унга ҳам шайдо!

* *Чориқул бой* — Жанубий ва Марказий Қизилқум минтақаларида энг қудратли ва ишбилармон йирик чорвалар бўлган. Бухоро амирлиги ва Ўзбекистонда қорақўлчилик ривожига катта ҳисса қўшди. Халқ учун муҳим иншоотлар қуради. 1930-йиллар бошида репрессияга йўлқон. Авлодлари бор.



МАҒОКИ АТТОР

Бухорода мадраса кўп,
Кўп масжидлар,
Ҳаммаси ҳам фарқланади бир-биридан.
Қай бирида гумбаз мовий,
Қай бирини
Билса бўлар нақшин пештоқ, гириҳидан.

Алалхусус, барча масжид хўп ҳаводор,
Нақшин устун, болорлардан унда айвон.
Лаби Ҳовуз ёқда эса бир масжид бор:
Чиқса бўлур паст томига қўймай нарвон.

Кўрсанг, дейсан,
Ер қаъридан чиққан ўсиб
Шундан ярми ер устида,
Ярми пастда.
Сенга айтсам,
Минг йиллардан олдин бунда
Сигинишган зардуштий... сўнг
Бутпарастлар.

У қавмлар ҳам эмас бизга ёт, бегона,
Кулма, улар олис бобо, момомиздир.
Нари ўтсак,
Барча қавмга ота-она
Одам Ато ҳамда Момо Ҳавомиздир.

Ва баъд, Ислому Бухорога ташриф қилгач,
Илк бор шу ер масжид бўлмиш мусулмонга.
Ёлғиз Оллоҳ — Ҳақ таоло, дея дилдан
Ҳамюртларим меҳр қўйган дин-имонга.

Ҳа, Мағоки Аттор — жуда эски масжид,
Қайта-қайта ўз ўрнида бўлмиш бино.
Ушбу масжид
Тарих учун тирик шоҳид:
Кўп қадимдир,
Кўп эскидир,
О, Бухоро!



ЛАБИ ҲОВУЗ

Лаби Ҳовуз — Бухорода энг кўркам жой,
Ўзга майдон юлдуз бўлса, бу — тўлин ой.
Шаҳар кезиб сал толиқсанг, ёз фаслида
Бунда келиб хуморинг ёз, ичиб кўк чой.

Кеча-кундуз улкан ҳовуз сувга сероб,
Тут остида сўриларга тушмас офтоб.
Фавворани сув пуркаши жонга роҳат,
Истаганинг музқаймоқми, яхдай — яхоб.

Энг яхшиси, тил остига олгин қандни,
Сал наридан сенга боқар шўх Афанди.
Қулма боқиб эшагига унинг зинҳор,
У ҳам кулиб, сенга берар энг зўр пандни.

Рўпарангда хонақоҳга боқ бир муддат,
Ана келар машҳур судхўр Қори Исмат.*
Хасис бойнинг аҳволи вой, нега десанг,
Векселидан ажралибди босиб ғафлат.

Сену менга пул на ҳожат, керак соғлик,
Соғлом танда соғлом ақл — ўзи бойлик.
Девонбеги бунёд этиб бу ҳовузни,
Ўз умрини узайтирди, кўр, нечоғлик!

* *Қори Исмат* — Садриддин Айнийнинг буюк «Судхўрнинг ўлими» асари бош қаҳрамони. Тарихий шахс. Жўйборий хожалар авлодидан — Хожа Муҳаммад Исмаилов Амин резадор. Нақшбандий суфий, ҳофиз Каломуллоҳ. Резадор — ушшоқхўр деган маънони англатади. Жаҳон адабиётида хасислик тимсоли. Моҳиятан тежамкор мусулмон. (*Мух.*)



СУВ БЎЙИДА ТУРГАН ПАРИ

Лаби Ҳовуз кучоғида бир қизни кўрдим,
Ўсмали қош, шаҳло кўзи юлдузни кўрдим.

Сув бўйида ўлтиради пари мисоли,
Акс этади тиниқ сувда ҳусни, жамоли.

Товонига тегиб турар ўрим-ўрим соч,
Ўлчамоққа бўй бермайди ҳаттоки қулоч.

Таърифига йўқдир баҳо юзда холига,
Битта менги арзир жаҳон мулки-молига.

Ўз аксини кўрар экан ойнада пари,
Хижолатдан кетмоқ бўлар бир қадам нари.

Кузатарми ё кутарми, билмасман буни,
Лекин шунда ўтказаркан у куну тунни.

Очиқ айтсам, юрагимни бир тимсол аро —
Сув бўйида турган пари — гўзал Хонақоҳ!





ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ ОЛДИДА

Тушми ё, эртакми ё —
Келдим рўёга рўбарў:
Еру осмон юзлашиб
Бир-бирла айлар гуфтигў.

Кенг қанот ёзмиш, қаранг —
Чексиз мовий кўкда Ҳумой.
Олқиш айлаб теғрасида
Нур сочар юлдузу ой.

Тонг отиб, шарқ кафтидан
Офтоб кўтарса бошини,
Ердаги майса-гиёҳ
Тарк айлар шабнам-ёшини.

Кун чиқиб кўк тоқига
Борлиқни тутса ёғдуси,
Ердан осмонга томон
Сакрайди сахро оҳуси.

Ранг-баранг боғу чаманда
Гул очар гулгунчалар,
Гул ҳидидан маст бўлиб
Сайрар ёниб булбулчалар...

Мен ҳали кўрмай ичин —
Нозик безак, гул нақшини,
Лол-тамом бўлдим лекин
Кўриб кошинкор кашфини!



КЎКАЛДОШ*

Кўкалдош — энг жозибали улкан мадраса,
Кенг ҳовлили, кенг супали — ғоят баҳаво.
Қайси толиб бу масканда ўқиган эса,
Бўлмиш шоир ё муғанний, ё олим доно.

Дарсхонанинг таърифига топилмайди сўз,
Ғоят гўзал баланд гумбаз қопламиш уни.
Ва гумбазнинг «Фонуси»дан тушиб турган нур
Ёруғ этмиш деворлару бутун хонани.

Миёнсарой гумбази-ку санъатдир ўзи,
Силлиқланган гишту ганждан — гириҳ пайваста.
Ўлчамлидир аниқ ҳар бир «тугун» чизиғи,
Киришдаги эшик эса нақшин гулдаста.

Аммо бизга кўп табаррук ушбу мадраса —
Шунда Айний билим олган тортиб кўп заҳмат.
Бу ҳужрада бўларканман, дилда шу лаҳза —
Беихтиёр улуғ зот-ла қилурман суҳбат.

Устоз сўйлар не фанларни ўқиганларин:
Илоҳиёт, риёзиёт, мантиқ, ҳандаса...
У санаркан ўзи суйган мударрисларни,
Юлдуз бўлиб Аҳмад Дониш порлар бу сафда!

Маънавият, маърифатинг, илму амалинг
Ўзинг каби теран бўлган, эй халқим — онам,
Кўкалдош — бу ўтмиш, тарих — ҳўб мукаммалинг,
Шундан турар ҳозирда ҳам собит, мустаҳкам!

* Мадраса номи Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари ички ва махфий ишлар вазири Мулла Муҳаммад Ёрлақаб олчин ёки Қулбобо кўкалдош номидан олинган. «Мутрибий» таҳаллуси билан ўзбекча девон тузган Қулбобо кўкалдош Бухоро, Тошкент, Балх, Марв, Ҳисорда ҳам «Кўкалдош» мадрасалари қурдирган. (Мух.)



СИТОРАИ МОҶИ ХОССА ВАСФИ

Бу бир қаср —
Бухорода ягона.
Васфи учун камдир қўшиқ, тарона.
Яшил боғлар кучоғида соз маскан,
Дардга шифо ҳавосидан яйрар тан.
Шундан кетган ҳар ёнга овозаси,
Кунботарга очилар дарвозаси.
Дарвозаки, қўш тавақа, ўймакор,
Эшикларда нафис, гўзал санъат бор.
Мовий айвон, қатор кетган устунлар —
Боқсанг, тортар хаёлингни бутунлай.
Қадам босиб,
Юрганингда уйма-уй,
Гул безаклар қулоғингга чалар куй.
Бунча латиф нақшу кошин, ажабо,
Бундай гўзал санъат қайдин, ажабо,
Наҳот, сирли бўлган у пайт бармоқлар,
Наҳот, ўчмас бўлган рангу бўёқлар,
Кучли бўлган боболарда заковат —
Заковат-ла яратилмиш бу санъат!
Юраркансан,
Қолиб лолу ҳайрона,
Ҳушинг олар энди ушбу оқ хона:
Гўё булут орасидан чиқиб ой
Бу оламни ёруғ этмиш, ҳойнаҳой.
Йўқ-йўқ, балки қуёш олар кўзингни,
Сен юксакда ҳис қиласан ўзингни.
Нилий рангда порлар осмон шишаси,
Ким тикилса,
Унда кўринар акси.
Атрофингда
Ғужғон ўйнар капалак,
Кириб келар ҳозир ҳурми ё малак...

Ана шундай сеҳр туясан оқ уйда,
Меъморларга меҳр қўясан оқ уйда.
Курсанг арзир оврупача хонани,
Совутгичи — тўрт томони ойнали...
Боғда кезсанг,
Мажнун толу гул аро
Роз айтишар бунда қушлар ўзаро.
Рўпарангда пайдо бўлар бир ҳовуз,
Тош ҳовузми,
Атрофи мрамар ҳовуз.
Унга боқиб,
Йиғолмайсан эс-хушни —
Сувда кўриб ҳашаматли оқ кўшкни.
Савлат тўкар
Бу кўшк сувнинг бўйида,
Бир пайт қизлар қўним топган қўйнида.
Оқ бинонинг сувда акси гўзалдир,
Бу манзара —
Ўтмишга бир ҳайкалдир.
Буни кўриб юрак тўлар ғурурлан,
Кўнгил қувнаб, тошар завқу сурурдан!

* * *

Юлдузу ойларга маскан — Ситораи Моҳи Хосса,
Бинолар бир жону тан — Ситораи Моҳи Хосса.
Боғларидир дилкушо, ҳавоси дардга даво,
Аслида ороми тан — Ситораи Моҳи Хосса.

Бир келиб кўрсанг агар хушнуд бўларсен бир умр,
Боғда товус рақсидан беҳуд бўларсен бир умр.
Сув бўйида яшнагувчи кўшк айвонда туриб,
Завқу шавқдан булбулу худхуд бўлурсан бир умр.

О, азизим, бир келиб сайру саёҳат айласанг,
Бир келиб, келмакни ҳар йил ўзга одат айласанг.
Сен етурсан дилдаги эзгу ниятингга магар,
Шул баҳона, кўп улуг жойни зиёрат айласанг!

ЧОРБАКР

Чорбакр ҳақида, о, нелар айтсам,
Қайдан бошласам-у, қасрдан қайтсам?
Кўз солгин, меҳмоним: улкан хилқат бу,
Не хилқат, мангу бир тирик ҳайрат бу —
Тирик ва ўликнинг маскан-макони.
Шариф Бухоронинг жону жаҳони,
Бир ёнда бўй чўзган масжид, хонақоҳ,
Пештоқларни қутлар ложувард само.
Нақшин ёзувлари олади кўзни,
Сирли кошинлари сеҳрлар ўзни.
Мадраса саҳнида ҳужралар қатор,
Кетганча ҳовлилар, ўймакор девор.
Бунда яшаганлар бир пайт боболар —
Улуғ зодагонлар, зукко, донолар.
Улар орасида Чорбакр — тўрт шайх
Ҳурмат қозонганлар сарҳадни билмай,
Арабу эроний пиримиз деган,
Ҳузурларига кўплаб муридлар келган.
Амиру подшолар олиб маслаҳат,
Фақат хайр топганлар, кўрмайин заҳмат.
Бирлари эсалар Абу Бакр Саъд,
Бирлари — Абу Бакр Муҳаммад.
Абу Бакр Фазлу Абу Бакр Ҳомид —
Нурлар таратганлар мисоли хуршид.
Абу Бакр Саъд ҳамда Муҳаммад
Шу ерда бедор то рўзи қиёмат.
Шуларнинг шаънига ушбу иморат —
Тикланган осмонга чўзганича қад.
Бугун кезарканман бу майдон аро,
Бундаги бедору бежонлар аро,
Вужудим қоплайди маъюслик бирдан
Ҳам бир куч этади танамни бардам.
Миямда фикрлар ура бошлар чарх —
Қалбим осмонида тинмай порлар барқ;



О, инсон, тириклик, билгил, омонат,
Омонатга асло қилмай хиёнат,
Яхшилик йўлида сарфла ўзингни,
Могу дунё учун тикма кўзингни!
Ҳаммаси ўтади,
Қолар эзгулик,
Яхшиликдан йўқдир ўзга мангулик.
Буни ўйлагин-у атрофга қара,
Барига гувоҳдир ушбу манзара:
Ўтса ҳамки не-не асрлар,
Бу ерда яшаган улуг — Бакрлар
Оламга боқурлар уйғоқ кўз билан
Ва бизга сўйларлар қайноқ сўз билан:
— Фарзандлар, фарзандлар! Сизларга салом,
Яхшилик йўлида эттайсиз давом,
Шунда мамнун бўлур ўлмас руҳимиз,
Тунингиз ёритгай ўчмас нуримиз!...

Юрагимдан тинглаб ушбу нидони,
Қалбимга жо айлаб зикри Оллоҳни,
Оҳиста-оҳиста қўяман қадам,
Олам боқий экан, боқийдир одам...





МУРОД

Деворларда ёзилган-у ёзилмаган
Битиклардан иборатдир ушбу тизма.
Битик ўқиб,
Қадим юртни яна бир бор
Тавоф айлаб,
Тупроғини суртдим кўзга.

Минг йиллик бу деворларда қанча маъно,
Ҳар бир нақшу нигорларда — илму ҳикмат.
Ёзган билан поёнига етмас асло,
Воқеалар, ривоятлар, бор ҳақиқат.

Ёзарканман,
Хома ўйнаб завқу шавқдан
Баъзи ерни баён этмиш сал ошириб,
Гоҳо тушиб воқеалар гирдобига
Қаламимни тез ишлатдим, мен шошириб.

Айбсиз дерлар бу оламда Ҳақнинг ўзи,
Кимда ҳам йўқ сахву хато, айб, қусурлар.
Дўсти шафиқ,
Сенга айтиб бу чин сўзни,
Нуқсонимга узр сўрайман, кўп узрлар.

Ушбу кори хайрдан шодман, хўп сарафроз,
Шундан юрак ҳаприқади ҳаяжонда.
Ёзганларим гулми
Ёки бир бош пиёз —
Улуғ тўйга бу камтарин бир тўёна.

Тизмаларни парча-парча ёзиб,
Сўнгра
Дил амри-ла дўстлар сизга этдим баён.
Ҳар обида бунда, зотан, бир гул бўлса,
Бухородир турфа рангли гўзал бўстон!



Мен ҳам ахир шу тупроқнинг заррасиман,
Бухородир бу оламда, хўп, муътабар.
Бундай юртни барпо этган инсонларга
Раҳмат ёғсин,
Денглар омин — Оллоҳу акбар!

*1997 йил,
март-сентябр*





КҶҲИМ
СҶРҶИ

*Саодатдир севмоқлик асли,
Севилмоқлик бахтдир чинакам.
Муҳаббат не, билмасдим балки
Сен дунёга келмасанг, эркам!*






• • •

Сен бир гулсан —
Менинг кўкрагимда очилган
Ой каби тўлиб.
Мен осмонга учяпман,
Шундан,
Бу оламда
Куйламоқ бўлиб!

* * *

Кулгинг сенинг дилрабо оҳанг,
Ҳовуч-ҳовуч тўкади шуъла.
Бундай шавқни менга беролмас
Бирорта куй, бирор ашула.

Сен кулганда менинг ёнимга
Қўна бошлар юлдузлар гўё.
Бир ўт оқар ундан жонимга
Нур ичра фарқ бўлади дунё...





• • •

Бир хонада ўлтирибмиз,
Сен жим,
Мен жим.
Мен сенинг қалбингни эшитяпман,
Сен ҳам тинглаяпсан,
Юрагим.
Бир хонада ўлтирибмиз,
Сен жим,
Мен жим.
Мен сенинг кўзларингдан
Ҳазаллар ўқияпман.
Сен ҳам куйлаяпсан бетиним.
Бир хонада ўлтирибмиз,
Сен жим,
Мен жим.
Сен — мен учун қуёш бу лаҳза,
Тўймайман боқиб.
Мен ҳам сенинг учун анварман — Ойман,
Ҳаёлингга нурдай қиряпман оқиб.
Бир хонада ўлтирибмиз,
Сен жим,
Мен жим.
Сен — менинг учун сирли бир олам.
Мендан излаяпсан маънолар сен ҳам...
Бир хонада ўлтирибмиз,
Сен жим,
Мен жим.
Мен сенинг учун бу дам,
Сен менинг учун ҳам —
Мунажжим!



* * *

Сеҳрлидир кўзларинг сени,
Тикилгани кўрқаман, эркам.
Гоҳ боқишинг парчалар дилни,
Гоҳ боқишинг юракка малҳам.

Сеҳрлидир кўзларинг сенинг,
Тикилгани кўрқаман, ҳайҳот.
Боқишларинг ўлдирар мени,
Боқишларинг бағишлар ҳаёт.

* * *

Эшигингни қоқдим,
Эшитяпсанми:
Гуп-гуп-гуп — юрагим уриши.
Ана, эшик орқасидан келаяпти
Шип-шип-шип оёғинг товуши.
Ҳали сен —
— Ким, — дея сас чиқармасдан
Фақат эшик қопқасига
Тегар экан бармоғинг,
Сезаяпсанми,
Худди шу дақиқада
Юрагим зарбига
Чидаш бермаётир қулоғим.
Илтимосим, овозсиз, сўзсиз
Очгил эшигинг,
Ёрилмасин тағин
Менинг юрагим!



* * *

Раҳмат сенга,
Ташаккур —
Туғилганинг учун дунёга.
Сен борсанки, кўзларимда нур,
Умрим тула мазмун-маънога.

Сен йўқ эсанг,
Забундир ҳолим,
Олам бўлар эди бесурур —
Ҳаёт дарёсида сузолмас солим,
Туғилганинг учун
Ташаккур!

* * *

Сен жаҳл қиляпсан-у,
Куляпти кўзларинг.
Мен биламанки, сени
Алдаяпти сўзларинг.

Қийнаб мени ўзингча,
Топмоқчисан ҳаловат.
Ҳолбуки, бу ҳолингдан
Жонимга оқар роҳат.

Кел, менга очиқ-ойдин
Фикрингни айла баён.
Билсанг, ўзингдан олдин
Юрагинг менга аён.

Жаҳл қилиб сохтакор
Кўзингни кўп кулдирма,
Мени ўлдирган ўзинг,
Қайта-қайта ўлдирма...



• • •

Ёйиларкан
Қуёш нуридай
Юзларингга майин табассум,
Қузларингнинг
Ўтли сеҳридан
Оқар экан бир нурки —
Маъсум,
Япроқдаги қатра шабнамдай
Титрайман-у, эрийман аста.
Мен умримдан рози ўтаман
Борлиги-чун шундайин лаҳза.





СЕВАМАН

Мен сени севаман!
Нега?
Бу саволга жавоб бериш
Мен учун малол.
Чунки мен
Бирор хислатинг:
Хусну ҳаловатинг,
Гўзал тароватинг
Ва яъни:
Эртагу афсонада,
Нақлу фасонада
Дейишмиш —
Хуру филмонлар,
Пари жононлар
Ҳавасини кўзғовчи
Шамшоддай қоматинг,
Абрў ҳилолинг —
Гўзал жамолинг учунгина
Ва ёки
Осмону фалакда
Ёқутдай ёниб,
Чўғдай товланиб
Жилва қилғувчи,
Юлдузлар
Ҳасадини кўзғовчи,
Оҳудай гўзал,
Товусдай ял-ял,
Ишвали
Хироминг учун ҳам эмас,
Шунчаки,
Она болани,
Фарзанд волидани,
Ака укани
Нега, нечун деган саволларсиз
Севгани каби
Мен ҳам



Сабабсиз,
Важсиз,
Юрагимда қайнаб ҳис,
Нурга интилувчи парвонадай,
Мажнуни девонадай
Севаман!
Билолмам,
Бу бир фазилатми,
Ва ёки қусур...
Агар қусур бўлса,
Сўраб минг узр,
Барибир,
Барибир,
Севаман!

1984 йил





★ ★ ★

Мен сенга бандиман,
Гўзал паризод,
Банди қилган мени
Сенга — боислар —
Барибир шеърда ҳам
Айтишга қийин,
Кўп нозик ҳислардир,
Кўп нозик ҳислар.
Айтмоқ қийин экан,
Кўзга илинмас,
Мени банди қилган
Муҳаббат риштам.
Буни барча одам
Ҳис қила олмас,
Фақат сен биласан,
Менинг фариштам,
Мен сенга бандиман.
Гарчи йўл олис,
Сенинг ёнгинангда
Ўзни этиб ҳис,
Оташ нафасингдан
Нафаслар олиб,
Юрагинг зарбини
Тинглаб тураман.
Севги осмонида
Юлдузлар аро
Қуёшдан нур олиб
Порлаб турувчи
Ўн беш кунлик ойдай
Ёниб, ўртаниб,
Сенинг ишқинг билан
Масрур
Юраман!

1984 йил



* * *

Саодатдир севмоқлик асли,
Севилмоқлик бахтдир чинакам!
Муҳаббат не — билмасдим, балки,
Сен дунёга келмасанг, эркам.

Гоҳ куламан завқдан энтикиб,
Гоҳ оламга сизмас нолам-да,
Билмам, бахтми
Ва ё бахтсизлик —
Сени суйиб яшаш оламда!

* * *

Осмонга ҳам кўп нарса боғлиқ,
Ҳаёт қизиқ эмас осмонсиз.
Ойи ёруғ қилур,
Қуёши иссиқ,
Завқларингга завқ қўшар юлдуз.
Тушунтирсам, оддий, осон ман,
Жонгинам, мен сенга осмонман.

Лекин, кўкдан қор тушар баъзан,
Осмон ёғдиради сел, тўфон.
Бундай пайтда бошинг устида
Керак бўлур битта соябон.
Тушунтирсам, оддий, осон, ман,
Соябонман, сенга посбонман.



* * *

Сен
келдинг,
кўзимга
Нур
оқди
кўзингдан.
Сен
келдинг,
юрагим
Куч
олди
сўзингдан.
Сен
келдинг,
шуълага,
Чулғанди
бу
хонам.
Сен
менинг
табибам,
Ҳабибам,
жононам!



ОШИҚОНА

Келгин, баён айлай бугун истагим,
Фақат истак эмас, қалбим, юрагим,
Янамоқдан мақсад, орзум, тилагим —
Мен сенга ошиқман, гўзал малагим.

Гарчи манзил эрур орада йироқ,
Гарчи ортиқ эрур висолдан фироқ,
Қор қилмас мен учун ҳар макру тузоқ,
Мен сенга ошиқман, гўзал малагим.

Аҳду қарорларим қатъийдир маним,
Раҳна солोलмайди ишқимга ғаним,
Бу дунёда тирик юраркан таним,
Мен сенга ошиқман, гўзал малагим.

Сен борки, юрагим жўш урар фақат,
Бу олам кўзга хуш кўринар фақат,
Фулом дер, бор бўлсин севги, муҳаббат,
Мен сенга ошиқман, гўзал малагим.



СОҒИНГАНДА

Ой ярим —
Кўнгил ярим
Осмонга боқсам ушбу тун.
Барҳам топар қай вақт ғамим,
Бўлғай қачон бағрим бутун?..

Ой ярим —
Кўнгил ярим—
Олис-олида юлдузим.
Зухром келар қай вақт яқин,
Порлайди қачон юлдузим?..

Ой ярим —
Кўнгил ярим —
Бир кун келиб ой тўлажак.
Яйрар кўнгил,
Яйрар дилим,
Зухром яқинлаб кулажак.

Ҳозирча бахт — ярим, ярим,
Ой ҳам ярим,
Кўнгил ярим,
Шудир ташвиш,
Шудир ғамим.


Бир кун бутун бўлар камим,
Ҳозирча ой ярим, ярим,
Кўнгил ярим,
Бағрим ярим...

1985 йил



КЎЗА КЎТАРГАН СУЛУВГА

Ҳой сен,
Кўза кўтарган сулув,
Кўзангдан
Бир қултим бергин сув.
Боряпсан чашма, сув томон?
Билсанг-чи,
Ташнаман,
Ташна кўп ёмон.
Кўзангда сув борми ёки йўқ?
Шу боис
Бу билан ишим йўқ.
Кўзангни
Бир лаҳза
Бошга кўтарай.
Ташнаман,
Юзингга
Бир тўйиб қарай!





ИШҚИНГДА ЗОР

*Сууда балиқ бұлиб мен
Сузим кетсам нетасан?
Халқ кўшиғидан*

Сууда балиқ бұлмагин,
Гулим бұл-у сұлмагин.
Ёнимда яшна мудом,
Бу сўзимдан кулмагин.

Балиқ бұлиб нетасан,
Қаёнларга кетасан,
Яшил қирғоғинг ташлаб
Қай қирғоққа етасан?

Унда мен хор бўламан,
Узилган тор бўламан,
Бир мажнуну девона —
Ишқингда зор бўламан.

Балиқ бўлсанг, дарёнгни
Мен қуритмай кўймасман.
Тўрга айланиб, сени
Илентирмай кўймасман.

Лиммо-лим оқсин дарё,
Шўх кулиб боқсин само.
Фақат балиқ бұлмагин,
Сузиб кетмагин ногоҳ.

Унда мен хор бўламан,
Узилган тор бўламан,
Бир мажнуну девона —
Кўйингда зор бўламан!



КУНЖУТНИНГ ДОНАСИДАЙ

Халқ йўлида

Менинг севган ёримнинг
Сўзида боли бордир.
Кунжутнинг донасидай
Лабида холи бордир.

Оҳу кўзи ранг олмиш
Кунжутнинг қорасидан.
Яноқлари тўсилмиш
Киприklar соясидан.

Мафтун айлар дилимни
Қалин қалам қошлари,
Кунжутнинг поясидай
Ўрим-ўрим сочлари.

Кунжут дони пишганда
Поядан тўкилади.
Ёрим мени кўрганда
Ибо билан кулади.

Унинг майин кулгиси
Ёқар кунжут мойидай.
Чиройли гул чехраси
Ёруғ кўкнинг ойидай.

Мойларнинг энг ширини
Кунжут ёғи, билинг, ҳой.
Кунжут холли бир гўзал
Юрагимдан олмиш жой!

1989 йил



ИЛК БАҲОРДА БЕРИБ ГУЛ...

Илк баҳорда бериб гул
Тул келиннинг қўлига,
Нима қилиб қўйди ул,
Нур ёқди-ку кўнглига?!

Кўпдан бундай туйғу-ҳис
Тул келинда ўлганди.
Кўнгли эри ўлган кез
Ғариб бўлиб сўлганди.

Нима қилди бу киши,
Гул тутқазиб қўлига.
Ахир, ушбу гул иси
Ёғду солди кўнглига.

Энди тун ҳам кундуздай
Шуъла ичра порлайди.
Энди сўлгин у кўзлар
Юлдуз бўлиб чорлайди.

Ой ҳам балқир келиннинг
Чеҳрасида тобора.
Энди кўлмак — тушкунлик,
Умид — юксак фаввора.

Илк баҳорда бериб гул
Тул келиннинг қўлига,
Нима қилиб қўйди ул,
Нур ёқди-ку кўнглига?!

1990 йил



ЖОНИНГГА ДАРМОНИНГ БЎЛАЙ

Халқ йўлида

Сен бўл-у жоним менинг,
Мен жонга дармонинг бўлай.
Бўл шараф-шоним менинг,
Мен шавкату шонинг бўлай.

Сен қуёш бўл кундузи,
Тунларда Зухро юлдузи.
Йўқ-йўқ, тўлин ойнинг ўзи,
Мен — мовий осмонинг бўлай.

Куйдирмайман иссиқда ҳам,
Қолдирмайман совуқда ҳам.
Ҳамиша бўлиб ҳамқадам,
Бошда соябонинг бўлай.


Шудир тилак, шу истагим,
Айтур буларни юрагим.
Бўлгил таянчу тиргагим,
Мен кўрқмас посбонинг бўлай.

Йўқ, йўқ десанг, мен нетаман,
Бошимни олиб кетаман.
Кел-кел десанг рад этаман,
Ўлгунча армонинг бўлай!

1989 йил

АЁЛ

Сен аёл —
Гўзал бир хаёл,
Шабнам каби соф.
Нурдан ҳам шаффоф,
Ипакдай майин,
Бу тариф тайин.
Тилло ва дурдан,
Кўкдаги ҳурдан
Ардоқли, қиммат.
Бунча серҳикмат —
Башарга тимсол,
Сен аёл, аёл!
Меҳринг-ку офтоб,
Ғазабинг-чи муз.
Гоҳида маҳтоб,
Гоҳида юлдуз.
Мушқдир, анбардир
Эсган шамолинг,
Ғолибни мағлуб
Эгур жамолинг.
Минсанг мабодо
Бирдан қаҳрингга,
Ер ҳам, осмон ҳам
Тайёр амрингга.
Гапни айласам,
Қисқа, мухтасар,
Сен — бани одам,
Сен — пари пайкар!
Шундай ҳурлигу
Дурлигинг билан,
Ою қуёшдан
Нурлигинг билан —
Дарё мисоли
Асов бўлсанг ҳам,
Гуруллагувчи
Олов бўлсанг ҳам,



Кўнглингни олган
Бир йигит учун,
Қалбга ўт солган
Бир йигит учун
Тамоман эриб
Бўлурсан таслим.
Сен — ширин хаёл,
Энг ноёб тилсим!
Шунда қуёшу
Тошлигинг тамом,
Севги олдида
Бардошинг тамом.
Аслида шундай
Одатинг билан,
Гоҳо олову
Музлигинг билан,
Асалдан ширин
Сўзлигинг билан
Одамни тамом
Этажаксан ром.
Эй аёл, аёл,
Эй, ширин хаёл!

Сен бўлмасанг гар
Қизиқмас олам,
Меҳр-ла боқмас
Одамга одам.
Сен бўлмасанг гар
Яшармоқ бўлмас,
Очилмас гуллар,
Дарёлар тўлмас.
Ҳарорат ошиб,
Эримас қорлар.
Такрор ва такрор
Келмас баҳорлар.
Шу важдан, аёл,
Зарурсан, керак!
Биз кўкрак бўлсак,
Ўзингсан юрак!

Тағин сифотинг
Тугамас, айтсам,
Олисдан бошлаб,
Яқиндан қайтсам;

Момо Ҳавою
Биби Фотима —
Сен ҳақингда сўз
Топмас хотима.
Мадҳинг бир сўзга
Жойласам, илло,
Ўзингсан, кумуш,
Ўзингсан, тилло!
Эй, гўзал аёл,
Эй, ширин хаёл...

1990 йил, март

АЛЕЛИНИНГ ЙЎЛЛАРИ*

Қушиқ

Оламанми жой дея
Бир нозанин кўнглидан,
Қатнаганим-қатнаган
Алелининг йўлидан.

Алелининг йўллари
Мунча текис, равон-а!
Мени ақлимни олган
Қалам қошли жонона.

Кеча ойдин бўлади
Унинг ойдай юзидан,
Юлдузлар нур олади
Шахло, оху кўзидан.

Қайда бўлмай, дилимда
Ўшал қалам қошлигим.
Ўшал гўзал аслида
Бунда қолган ёшлигим.

Суқсур учар, гоз учар
Алелининг кўлидан.
Кўнглимни узолмайман
Алелининг йўлидан!

* Алели -- шоир туғилган қишлоқ.



АРМОНЛИ ИШҚ

Бир дўст ҳикояси

Севганмидим...
Билмасдим буни,
Терим борар эди дашт ёқда.
Дарсдан кейин ишга борардим
Уни кўриш иштиёқда.


Сўйламасдим,
Фақат боқардим,
Тўймай асло юзу кўзига.
Гапирмоқчи бўлсам,
Сўзларим
Тиқиларди келиб бўғзимга.

Ногоҳ...
Эгат оралаб бир кун
Пахта тердик бирга, ёнма-ён,
Сочин ҳиди келарди анқиб,
Эгат-эгат эмас, эди Каҳқашон.

Шунда келиб бир ўртоғимиз
Уялтирди, этди ҳақорат.
Билар, — деди, — кент-қишлоғимиз,
Ўртангизда бордир муҳаббат.

У йиғларди ўгириб орқа,
Маъюс силкинарди елкаси.
Мен тош қотиб турардим зўрға,
Чил-чил синиб қалбим шишаси...

Тақдир сўнгра учраштиради,
Йиллар ўтди, узоқлашдик биз.
Эсга бот-бот тушаверади,
(Нечун гоҳо қолганда ёлғиз)
Ўша ҳолат,
Ўша дала ва
Дилда армон бўлган
Ўша қиз...



ДУМДА ҒАЗАЛ
МОШҒАНДА

*Бу дил розим тошиб келди,
Сенинг лутфинг бўлиб боис,
Кечир, дустим, ғалат бўлса,
Ғазал айтган Фуломингни.*





ШИРИН АЙЛА КАЛОМИНГНИ

Агарчи талх майи даврон,
Ширин айла каломингни
Хоҳи дўстдир, хоҳи душман,
Дариг тутма саломингни.
Биров ногоҳ эшигингга
Бемаврид келса ҳам гарчи,
Кулиб чиққил, баҳам кўргил
Ўшал тансиқ таомингни.
Бу олам беҳудуд денгиз,
Кеманг ҳайда — йўлинг чексиз,
Аён бўлғайки, сен ҳофиз,
Ҳама истар мақомингни.
Магар билсанг ният ёрдир
Саҳар қилган дуоларга,
Қилиб меҳнат, ибодат эт,
Мунаввар айла шомингни.
Ўтиб хуфтон, кетиб тунлар,
Қуёш кулгай самоларда,
Кел, эй кўнглингни кенг қилғил,
Лабо-лаб айла жомингни.
Бу дил розим тошиб келди
Сенинг лутфинг бўлиб боис,
Кечир, дўстим, ғалат бўлса,
Фазал айтган Фуломингни.



МЕН ТУФИЛГАН ЮРТНИ ЖОНДОР ДЕЙДИЛАР...

Мен туғилган юртни, дўстлар, асли Жондор дейдилар,
Камтарину камсуқум ким, аҳли Жондор дейдилар.

Кенг кучоқ очгай кулиб келса қадрдон дўсту ёр,
Хуш тавозе, хуш тақаллум — васли Жондор дейдилар.

Шербилак фарзанди кўпдир, паҳлавону ўтюрак,
Мард Торобий қони кимда — насли Жондор
дейдилар.

Нарзидай уғли у дам от кўйди жанг майдонида,
То ҳануз олис-олисдан: балли, Жондор дейдилар.

Ул Варахшо қалъасин кўрган билур мозийни хуп,
Шул сабабдин кўп қадимдан тахтли Жондор дейдилар.

Минг шуқурким, нур сочар хурлик қуёши юрт аро,
Шу улуғ юртим қатори — бахтли Жондор дейдилар.

Пахтада меҳнат қилиб шерзод, асл деҳқонлари,
Қаҳрамон номига ўта ҳақли Жондор дейдилар.

Мисли тилло нур сочар, антиқа гулга бир қаранг,
Бу мўъжиза, бошда буркни навли Жондор дейдилар.

Жондорий Содиқ* бўлиб ўтган унинг шоирлари,
Саҳни ёруғ санъатини мавжли Жондор дейдилар.

Бир қалам чекди Фулом ёдлаб улуғлар номини,
Сизга айтсам, бу ғазални васфи Жондор дейдилар.

* *Жондорий, Содиқ Мухаммад* — XIX аср урталаригача яшаган форсий ва туркийзабон шоир. Демократик кайфиятдаги «Дахман шоҳон» — «Шоҳлар дахмаси» асари кўпроқ машҳур бўлган. (*Мух.*)



ҚАТРА-ҚАТРА ҰРГАНИБ

Қатра-қатра ўрганиб, ҳар кимса доно бўлди-ё
Жилғалар ҳам жамланиб, тоғларда дарё бўлди-ё.

Бир биёбон чўл эдиким, хору хасларга макон,
Меҳнату заҳмат ила гулбоғи зебо бўлди-ё.

Кўп чайир дерлар гужумни баъзилар ҳайрат ила,
Шул сифатдин бул оғоч қўлларда асо бўлди-ё.

Хайр эшигин катта очгил, дил эшиги очилур
Кўнгли очиқ яхшиларга, яхши ошно бўлди-ё.

Асли бойлик кимсага сабру қаноатдир мудом,
Бандаи нафси бузуқ оламда расво бўлди-ё.

Тўғри бўлгил, ҳақ-ҳуқуқингни сира камситмагил,
Тўғрилиқдин ул қушим оламда Ҳумо бўлди-ё.

Найқамиш эрди Фулом авжи навоси бирла гар,
Хокисорлик важҳидан кўпларга бўйро бўлди-ё.

ШОИР ДИЛИ

Мунча ҳам маъсум, самимий, пок эрур шоир дили,
Чақиаса учқун, магар, ўйлайди нур шоир дили.

Гоҳи ғамлардан ўлиб, киргай севинчдан жон анга,
Гоҳо сурурли шул сабаб, гоҳ бесурур шоир дили.

Ўйламангким, ишқда шоир ошиғи олчи, дебон,
Ёнса ҳамки ишқда, баъзан алданур шоир дили.

Бир умр заҳмат чекар ул тунни тонгга етгазиб,
Шеър жафосидан топар доим ҳузур шоир дили.

Майли, шоирлик азоб, лекин ҳавас этди Фулом,
Чунки икки мартаба кўргай умр шоир дили.



ЙЎҚ, МЕНГА ШУҲРАТ КЕРАКМАС

Йўқ, менга шуҳрат керакмас,
 Меҳнатимдир шон менга.
Камсуқумлик аслида ўтган
 Отамдан қон менга.
Бунчалар табрик, тавозе
 Мен учун ортиқ ҳашам,
Шул замин фарзандиман, бас,
 Шу замин — осмон менга.
Гоҳида сайру саёҳат
 Айладим, билдим бироқ,
Ўз туғилган она юртим
 Тенги йўқ бўстон менга.
Она юрт аъло ва лек
 Барча элатлар менга эл,
Дўст эрур қирғиз, қозоғу
 Ҳинду форс, юнон менга.
Дўсту ёрон даврасида
 Ўзни ҳеч кам билмадим,
Қанча сирру мушкулотнинг
 Ечими осон менга.
Дин-диёнат, эътиқод-ла
 Йўл босурман то абад,
Шул сабаб қалбим чароғон,
 Нур берар иймон менга.
Давр ўтар, даврон ўтар ҳам
 Яхшилик қолгай мудом,
Десалар яхши Фуломни —
 Шул ўзи унвон менга!



МАҲЗУНА

Яқинсан кўзга сен ҳар он,
 Чунон Маҳзуна, Маҳзуна,
Боқарлар сенга лол-ҳайрон,
 Ҳайрон, Маҳзуна, Маҳзуна.
Замон тезкор, жадал даврон,
 Жадал ишлашни хоҳлайдур,
Сен ҳам ишда жадал чаққон,
 Чаққон, Маҳзуна, Маҳзуна.
Сенинг шаҳду шакар лутфинг
 Юракларга бўлур дармон,
Ҳамиша дилга бўл дармон,
 Дармон, Маҳзуна, Маҳзуна.
Сен ҳам ушбу чаман юртнинг
 Бир эрка бахтли фарзанди,
Кулиб боқсин доим даврон,
 Даврон, Маҳзуна, Маҳзуна.
Агарчи номинг Маҳзундир,
 Ўзинг қувноғу шод, хуррам,
Мудом юргин отиб хандон,
 Хандон, Маҳзуна, Маҳзуна.



САМАРҚАНД ҲАМ, БУХОРО ҲАМ

Дўстим Эркинга

Менинг жисмимдаги жоним
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам,
Азал ихлосу иймоним —
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.

Кезиб шаҳру кезиб юртлар,
Ки маъво кўрмадим бундоқ.
Буюк шуҳрат, буюк шоним
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.

Замонлар кўҳна бағридан
Келиб етган ажиб мужда,
Тарихда шонли қўрғоним
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.

Лекин ўтмишда қўп жангу
Жадал, қирғинбарот бўлмиш,
Ўшанда сачраган қоним
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.

Не бахт, зулмат кетиб элдан,
Қуёши кулди толенинг,
Бугун ҳур давру давроним
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.

Буюк Айний ўсиб унда,
Ижод қилмиш келиб бунда,
Ширу шакар, хуш забоним
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.

Бугун юртда кўриб тенглик,
Жамол очмиш яна яшнаб,
Чаман, бўстон, гулистоним
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.

Фулом васфингни айтиб,
Ҳар нафас гарчи адойингдир,
Туганмас, шеър дostonим
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам.



УЛ НОЗАНИН...

Бугун ул нозанин хандон
Отиб гул сайрига келмиш,
Билолмам, наргизу раъно
Ва ё гулхайрига келмиш.
Не гулни хоҳласа эркам
Муҳайё ушбу гулзорда,
Бошим кўкда, дилим шоҳи,
Ажаб, ўз майлига келмиш.
Боғимга ёр қадам қўйгач,
Чаманда яшнади гуллар,
Бу ҳусну бу латофатдан
Чаман ҳам аслига келмиш.
Само тўлди, ахир, бай-бай,
Муаттар мушку бўйларга,
Ҳавас айлаб атиргул ҳам
Санамнинг атрига келмиш.
Такаллуф айласа жонон,
Қувонгай қўнгли ошиқнинг,
Такаллум айласа дилдор,
Демак, ўз қадрига келмиш.
Не суд, ошиқ ва маъшукқа
Насиҳат айламак мунча,
Келибди, келгани асли
Юракнинг амрига келмиш.
Ўзалнинг ташрифи ташна
Фуломга не саодатдир,
Гулу гулзору ёр мадҳи
Унинг ҳар сатрига келмиш.



БЕГОНА ЙЎҚ

Бунда бўлди ёру дўст жам,
 Ўртада бегона йўқ.
Ҳамма шоду ҳамма хуррам,
 Йўқ ғаму ғамхона йўқ.
Бода ичмай барча сархуш
 Бир-бировнинг меҳридан,
Ушбу гапда балки зарра
 Ёлғону афсона йўқ.
Кайфи чоғ десам аларни
 Сўзни сўлга бурмагил,
Давра аҳли хўп одобли,
 Маст-аласт, девона йўқ.
Барчаси дўсту қадрдон,
 Барчаси аҳлу иноқ,
Бу жамоа ўртасида
 Худбину сўзона йўқ.
Дўсту ёрлар даврасида,
 Эй Фулом, шодсан мудом,
Барча диллар бунда обод,
 Бузғину вайрона йўқ!



ТАСАДДУҚ

Сенинг ҳусну жамолингга тасаддуқ,
Гўзал қадди ниҳолингга тасаддуқ.

Кўзинг жодуси сеҳр этмиш кўнгилни,
Туташ абру ҳилолингга тасаддуқ.

Сочинг гул атрини сочгай думоққа,
Ўшал атри шамолингга тасаддуқ.

Кўнгилга хуш ёқар мунис нигоҳинг,
Ширин-ширин саволингга тасаддуқ.

Висолинг соғиниб эрдим юракдан,
Бул кун васлу висолингга тасаддуқ.

Севинчдан талпинар дил, ул хабутар,
Лабинг устида холингга тасаддуқ.

Хаёлинг-ла Фуломинг бахтиёрман,
Кўнгил ширин хаёлингга тасаддуқ.



НАВО ЭТДИМ

Сени бир бор кўриб, жоно,
Бу жонимга жафо этдим,
Ниҳол эрдим, қамиш янглиғ —
Куриб ичдин, садо этдим.

Сен эй, маҳваш, на деб ҳолинг,
Мени сўрмоқни билмайсан,
Сенинг ҳажрингда ўртандим, —
Ёниб, бағрим адо этдим.

Муҳаббатнинг таъмин асло,
Ки мунча туймаган эрдим,
Бугун, дўстлар, муҳаббатни
Баҳосиз деб баҳо этдим.

Мен эй, булбул санаб ўзни,
Сенингдай тоза бир гулни,
Аён этсам, суйиб қаттиқ,
Ўзимга кўп жазо этдим.

Магарки менга, эй дилбар,
Дилингда зарра рағбат йўқ,
Ситам эрмас, бу бир бахтким,
Мен ишқингда наво этдим.



ЭРТАКМИДИНГ, ТУШМИДИНГ

Билолмадим, эркам, сени,
эртакмидинг, тушмидинг,
Боғим узра пайдо бўлган
бир ногаҳон қушмидинг.
Сенинг билан этдим парвоз
мен ҳам юксак осмонга,
Оҳ, табиат инъом этган
қанотмидинг, тўшмидинг.
Сенинг билан кўнглим тоғу,
тилим бурро бўлди-ей,
Атир ҳидли гулми ёки
болми, таъми хушмидинг.
Сен кетдинг-у, қалбим ўксук,
ўзим лолу ҳайронман,
Энди айтсам, паризодим,
ақлмидинг, хушмидинг.
Оҳ, қушгинам, излаб сени
топар бир кун Фуломинг,
Айтгил, аҳли Самарқандсан
ва ё аҳли Ушмидинг?..



СЕНИНГ ЖОНИНГ...

Сенинг жонинг — менинг жоним эмасму,
Лаҳза умринг ҳаёт оним эмасму?

Кўрсам ногоҳ кўзларингда мунгли ёш,
Тўфон бўлган танда қоним эмасму?

Ой юзингда жилва этса табассум,
Нурга тўлган бор жаҳоним эмасму?

Баъзан, жоно, рашк этурсан беҳуда,
Ёлғиз ўзинг — моҳтобоним эмасму?

Сенинг билан Фулом бор бу оламда,
У оламда сен филмоним эмасму?

ЖОДУ КЎЗИНГ

Сенинг жоду кўзинг жонга жафодур,
Тикилганда бутун жисмим адодур.

Ақлим кетиб, ҳушдин жудо бўлибман,
Қалбим тандан, тан қалбимдан жудодур.

Озор берма озор кўрган юракка,
Нозинг яна жонга ортиқ жазодур.

Оҳлар урсам, олам куяр дамимдан,
Кўнглим тори тўлиб-тошган наводур.

Алам билан дунё ишин қарғайман,
Тенгни тенгга тенг қилмаган дунёдур.

Тарк айлама Фуломингни, гўзалим,
Шунинг ўзи менга бахту сафодир.



СИРЛИ СОЗ СЕҲРИ

Қайси чолғу торлари
Ғижжак каби нола қилур.
Қайси нағма бунчалар
Кўнгилни, вой, вола қилур.

Тингла, ошиқ сингари
Бағри тўла ҳасрат унинг,
Шул сабабдин ўртаниб
Дилни хуну лола қилур.

Бу наво дилни эмас,
Ҳатто эзар тоғ-тошни ҳам,
Майса-найсон кўк сари
Бошни чўзиб жола қилур.

Ошиқо, ёр васлига
Дийдор учун шошган маҳал,
Қил-камонлар бирлашиб
Шодликни шалола қилур.

Ушбу куйнинг шавқидан
Мутриб оқиб завқ селида,
Санъати-ла ўзлигин
Мухлисга ҳавола қилур.

Эй Фулом, ғижжакни тинглаб
Сол назар осмонгаким —
Сирли сознинг сеҳридан
Ой жилмайиб ҳола қилур.



ИСФАРАДА

Бир куни сайр айладик дўсту ёрон Исфарада,
Тоғлар қўйнидаги жаннатмакон Исфарада.

Тоза тоғ ҳавосидан тан яйради, жон яйради,
Мен гўё қайта туғилдим, онажон, Исфарада.

Мунча тез оқар шағирлаб Исфара дарёчаси,
Сувга боқсам, оқди дардим, ғам-фигон Исфарада.

Сап-сарик олтин каби кўзни олар зардолулар,
Битта тотсам, қўшди, воҳ, жонимга — жон Исфарада.

Хув, олис тоғнинг бошида яшнагай қишлоқ Воруҳ,
Мен учун бўлмиш яқин осмон осон Исфарада.

Хуш забону меҳрибон, дилкаш эрур инсонлари,
Ўзбеку тожикчалаб қилдим забон Исфарада.

Хўб тавозе бирла бизни сийладилар шод этиб,
Биз, дедик, бўлсин ҳама соғу омон Исфарада.

Гарчи қисқа бўлди бу сайру саёҳат, эй Фулом,
Эт ният, бўлмоқ учун боз бир замон Исфарада.

1994 йил



СЕНИНГДАЙ ТОЗА ГУЛ

Сенингдай тоза гул, ҳай-ҳай,
На боғу на чаманда бор.
На боғу на чаман, балким,
На шаҳру на туманда бор.

Чаманда барқ урар гуллар:
Атир, анбар, суман, лола,
Вале нозбўй, атр-мушкинг
На атру на суманда бор.

Магар сарву суманларга
Макон Фарғона эрмишким,
Ўзингдай сарви қад раъно
На Яйпан, на Хўқандда бор.

Эмиш гулларга бой юртким
Хитою Ҳинду Кашмирлар,
Чунон сендай сулув, дилбар
На Кашмир, на Хўтанда бор.

Аё, булбул каби ёниб,
Фулом куйлайди васфингни,
Нетонг, ноёб сенингдай гул
Фақат ушбу Ватанда бор!

1999 йил



ҚОШЛАРИНГ

Қошларинг жоним сари
Пайкони тортилган камон.
Кипригинг ўқ ёғдириб
Дилни уродир бенишон.

Қошу киприк шунча эркан,
Кўзларинг, бу — не бало —
Ёндирар ҳам, куйдирар ҳам —
Бахш этар жонларга жон.

Лаъли лабинг устида
Якдона холинг, вожаб,
Холми у, ё болми у,
Ё мўмиё, ё захри жон.

Кимса борми, эй санам
Қўйингда ҳижрон чекмаган,
Қошу кўз, у кипригинг
Ҳеч кимни қолдирмас омон.

Эй Фулом, сендай ғарибга
Васфи ёр даркормиди,
Бир боқиб, ҳолинг сенинг
Бўлди ёмон, бўлди ёмон!

1998 йил



АГАР ДИЛДОР ЭСАНГ...

Агар дилдор эсанг дилга,
Бу кўз-ла сен менга боқма,
Олов ташлаб қароғингдан,
Жонимнинг қолганин ёқма.
Билолмам, сенда бу кўзми,
Ва ё чақмоқми, юлдузми,
Эсанг юлдуз, ёрит йўлни,
Юракда чақмоғинг чақма.
Зилол сувдай тиниқ рухсор,
Томар шарбат дудоғингдан,
Асалдай соф зилолинг-ла
Кўлу кўлмак томон оқма.
Қалам лолдир таърифингга,
Паривашсан, малаксан, хур,
Дуру маржондан аълосан,
Гўзал гавҳарга тош тақма.
Сен, эй ёшсан, сочи сунбул —
Фунча очган бир бодомгул
Баҳорингман деганларга
Гулғунчангни тўкиб қоқма.
Такаллуф, таклифинг бирла
Фазал битди Фулом сенга,
Ўқиб мазмуни маъносин
Хоҳи чаққин, хоҳи чақма!

1995 йил



ФАРҒОНАДА

Бир пари пайкарни кўрдим,
Не ажаб, Фарғонада.
Барчанинг чашми қароғи
Шул гўзал жононада.

Ул кезар гулшан аролаб,
Авжи ғайратга тўлиб,
Парвариш қилган гулидай
Гул бўлиб гулхонада.

Тири мужгондан тўсилмиш
Ой каби рухсораси,
Бундайин зебо, санам йўқ
Эртагу афсонада.

Мен дедим, эй гулпараст,
Олгин, қучоғим тўла гул,
У дели, ҳожат эмаским,
Дил — мудом шукронада.

Мен дедим, гул бирла кўнглим
Сен дебон чўғдай ёнур,
У дедиким, ошиқ ўрни,
Бил, мудом ўтхонада.

Эй Фулом, севдинг нечун
Фарғоналик қизни, не тонг,
Энди кут, майли, кўрарсан
Неки бор пешонада!





РОЗИ ДИЛ

Рози дил айтсам, магар,
Айб этма мен бечорани,
Бўйсуниб қалб амрига
Топмадим ўзга чорани.
Оразинг кўрган кунимдан
Мажнуни девонаман,
Сен бўлиб подшоҳи ишқ
Сийла ғариб оворани.
На қилай, бу ёшима
Қайдин бу савдо бошима,
Ҳукми Ҳақ айлаб, кел, эй,
Очгин, очиқ қил орани.
Ихтиёр бўлса ўзимда
Мунчалар ёнмас эдим,
Бўл табиб, айла шифо
Дилда тузалмас ёрани.
Ялтираб ўтган бу умрим,
Энди билсам, бир сароб,
Ишқ ўти ёндирди чин
Ўчган олов-шарорани.
Майлига бўлсам, Фулом,
Эл оғзида афсоналар,
Ёнмайинми, айт, кўриб
Сендай пари рухсорани.



МОҲИ ХОССА ГЎЗАЛИГА

Зор бўлиб юрсам меҳрга
Неча фаслу неча ой,
Ногаҳон кўрдим сени
Тушгандай осмондин Ҳумой.
Айб эмас, билсанг магар
Бечорага эҳсону хайр,
Сездингу ҳолим, менга —
Солдинг назар, чехраси ой.
Мунчалар ҳусну малоҳатни
Кўриб, қотдим-ку тош,
Бил, пари пайкарда ҳам
Йўқ бу қадар ҳусну чирой.
Толеъим кулди, нетонгким,
Бир табассум айладинг,
Шодлигим тўлқин уриб
Оқди мисоли телба сой.
Рости гап, сендан кўриб
Меҳру мурувват шунчалар,
То ҳануз юксакдаман,
Теграмда юлдуз, нурли ой.
Аслини билмоқ эсанг,
Эслатгум, сенга мен Фулом,
Асли Моҳи Хоссадирким —
Ой ила юлдузга жой!



ВОАЖАБ...

Воажаб, ушбу гўзал
Зоти башарми, хур эрур?
Чеҳраси ойдан гўзал,
Нурдан яралган нур эрур.
Ой нима, кундан гўзалдир,
Шуъласи кўзни олар,
Тубсиз уммон бағридан
Излаб топилган дур эрур.
Йўқ, башар фарзандимас у,
Бир пари пайкар ўзи,
Шул сабаб бекам, мукаммал,
Барчага манзур эрур.
Бошида оқ шоҳи рўмол
Ялтирар уқлар каби,
Қош — камон, кўзлар — қаро,
Оппоқ яноқ — биллур эрур.
Чеҳрасига хўп муносиб,
Ҳай-ҳай, келишган қомати,
Гулшан ичра оҳудек
Чаққон эрур, учқур эрур.
Лутфини тинглаб, дедим
Ақлу одобда танҳо хўб,
Сўзлари шаҳду шакардир,
Тингламоқ ҳузур эрур.
Эй Фулом, бундай сулувни
Кўрмагандим бир умр,
Уни кўрмакнинг ўзи ҳам —
Бахтли бир тақдир эрур.

2007 йил



ҚАЙ САДАФ, ҚАЙ МАРВАРИД...

Фузулийга назира

Қай садаф, қай марварид,
Айт, дуру дандонингча бор?
Қай парирў чехраси
Ой юзли тобонингча бор?

Бир кўриб қошу камонинг
Домига бўлдим асир,
Қайси пайкони камон
Ул тиғи мужгонингча бор?

Сочларинг силкитканингда
Мушку анбар тарқалур,
Қайси тола-тола гул
Зулфи паришонингча бор?

Кўзларинг қандоқ балодур,
Ҳар бири жон офати,
Қайси осмон юлдузи
Бул чашми фаттонингча бор?

Сўзларинг шаҳду шакарким,
Бахш этур жонларга жон,
Қайси лаълнинг ранглари
Ул лаъли хандонингча бор?

Таърифа сизмас жамолинг,
Мухтасар айтса Фулом,
Қайси шамшод қомати
Сарви хиромонингча бор?

2007 йил



ВАТАН

Чўлпонга тазмин

Дунёнинг харитасида гар кичик нуқта экан —
«Ер юзида ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан!»

Хурлик, истиклол бўлиб яшнаб шаҳар, қишлоқлари,
«Дашту саҳроси анинг гул-гул очилмишдир чаман!»

Энди дарё, сойлари аввалгидек бебош эмас,
«Чунки пойига унинг маҳкам урилмишдир кишан».

Бунда ҳар ким ўз ери, ўз мулкига соҳиб бугун,
«Кимки меҳнат қилса — қувноқ, кимки меҳнат
қилса — шан».

Олиму шоирларин дунё билар довруғини,
«Эркин-эркин яйрашиб ижод этар меҳнат ва фан».

Бул диёрни гулгун обод, зебу оро этгани,
«Барча меҳнат аҳли бирга — ҳамма бир жон, бир
бадан!»

Ўзбекистон — шонимизни асрагаймиз жон мисол,
«Кимки қасд этса анга, кийсин пушаймондан кафан!»

2008 йил



ГУЛБОҒ

Рўзи Муқимовга

Чўлга қаранг,
Рўзи ака боғ яратибдир,
Бир боғ эмас,
Тўрт томон — чорбоғ яратибдир.
Ёши бугун қутлуғ эрур
Ушбу инсоннинг,
Қутлуғ ёшида
Кўнглини хуш, чоғ яратибдир.
Қутган эди кимсасиз чўл
Биёбон уни,
Чўлга келиб сабззор,
Ўтлоқ яратибдир.
Даштда беҳад етиштириб
Ғаллаю пахта,
Ҳирмон уйибон
Ҳосилидан
Тоғ яратибдир.
Завқи унинг,
Шавқи унинг
Бамисли дарё —
Тўлқин урибон,
Қайғуни узоқ яратибдир.
Шод бўлди дилим,
Бу ғазалим
Бахшида унга,
Умрин безатиб,
Ўзига гулбоғ яратибдир.



ЯХШИЛИҚ

Бобур ғазалига мухаммас

Яхшилик келгай қийин, келмас осондин яхшилик,
Гоҳи хуфтон келса, гоҳ келгай азондин яхшилик,
Кутмагил, эй дўст, вале, ҳар битта жондин яхшилик,
Ким кўрибтур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик.

Ёр жамолин васфе қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Тор жаҳонни ҳайфе қилсам, айб қилма, эй рафиқ.
Бор давронни шафеъ қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Гар замонни нафъе қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилик.

Ёр жафо қилса магарким, эй кўнгил, сен ўксима,
Дўст тутиб агёрларим айшини сурса қасдима,
Тут дадил, қаддингниким, ханжарни урса кўксима,
Дилраболардин ямонлиғ келди маҳзун кўнглима,
Келмади жонимга ҳеч оромижондин яхшилик.

Майли, гар қилса ёмонлик, унга неклик айла хўп,
Сендин озор чекмасин ҳаттоки бир хас, битта чўп,
Бу жаҳонда яхши ҳам бор ва ёмон ҳам тўп-тўп,
Эй кўнгил, чун яхшидин кўрдим ёмонлик асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не маъни ҳар ёмондин яхшилик.

Яхши бўлғил доимо, бўлғилки, мундин яхши йўқ,
Яхши сўз — жон озиғи, билғилки, мундин яхши йўқ,
Яхшилик қилган кўнгил, кўнгилки, мундин яхши йўқ,
Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Эй Фулом, кам яхшилар, аввалда ҳам ҳозир киби,
Ҳар одам сирли-синоат, сирлидир соҳир киби,
Дил-дили билмас одамзот ул Эгам, Қодир киби,
Яхшилик аҳли жаҳондин истама Бобир киби,
Ким кўрибтур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик.



БҮЛҒАЙМУКИН

Машраб ғазалига мухаммас

Андухим айтсам адо бўлғаймукин?
Ғамларим мендан жудо бўлғаймукин?
Мудлао дилда бажо бўлғаймукин?
Йиғласам вақти дуо бўлғаймукин?
Кўз ёшим дардга даво бўлғаймукин?

Роҳату айшу фароғатдан кечиб,
Гоҳи шаҳру гоҳи саҳролар кўчиб,
Дўст дебон хору хошокларни кучиб,
Сархуш ўлсам лаългун майдин ичиб,
Шавкату дунё жудо бўлғаймукин?

Ҳидламоққа гулу райҳон қолмади,
Куйламоққа тўти хушхон қолмади,
Қумрию булбул ғазалхон қолмади,
Йиғламоқдин менга имкон қолмади,
Ёрдин менга нидо бўлғаймукин?

Қад — дуто, дил мисли қўшнай, дўстлар,
Куйлағай дардимни тоқай, дўстлар,
Бўлмаса шўр мунча манглай, дўстлар,
Қайси бир дардимни айтай, дўстлар,
Ўлмайин дардим адо бўлғаймукин?

Эй Фулом, ишқ дардидан бағрим кабоб,
Айласам изҳори ишқ, йўқдир жавоб,
Дилдаги орзуларим бўлди сароб,
Машрабо, куйдурди ёр, ҳолим хароб,
Арз этарға додхо бўлғаймукин?



КЕЛАДУР

Машраб ғазалига мухаммас

Бул кун ёнима ишқида зорим келадур,
Хаста жонима малҳаму дорим келадур,
Қалбим нидосин куйлашга торим келадур,
Гулгун май ичиб лола узорим келадур,
Ҳар ён сузилиб кўзи хуморим келадур.

Ул келадур мастона шўх, гулга ботибон,
Нозу фироқ, бор ғазабин менга сотибон,
Шаҳду шакар лутфиниким, ичда ютибон,
Тишлаб лабини, мужгон ўқин менга отибон,
Чоғлаб юрагин кўнглим олорим келадур.

Ўзига қараб, ўзини кўп дилбар этибдур,
Меҳнат ила заҳматга хўп назар этибдур,
Зардўз бўлибон, камзўлини зар этибдур,
Зулфини тараб бошдин-оёқ зевар этибдур,
Сунбул ила гул, боғу баҳорим келадур.

Мардона қадам ташлар экан, собиту шахдам,
Қошин чимириб, тири мужгонини этиб нам,
Жаллод кўзина жабру жафо, ғавғою ситам,
Илкида қилич, тири садақи била ул дам,
Чопмай турибон, жоним олорим келадур.

Дўстга алам, ағёрини шодумон айлаб,
Ошиқ дилини хору шикаста, ёмон айлаб,
Ҳайрона Фулом рангини зарду сомон айлаб,
Машраби бечорани зор, нотавон айлаб,
Ишқ ўтига куйдиргали ёрим келадур.



ЖОНИНГ КЕРАКМАСМИ САНГО

Фузулий ғазалига мухаммас

Хуснидин маст қилди ул, шонинг керакмасми санго,
Хунга тўлди бағру дил, қонинг керакмасми санго,
Хира кўнглинг, шод-хиромонинг керакмасми санго,
Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмасми санго,
Тиға урдинг, жисму урёнинг керакмасми санго?

Мен сени кўргунча эрди жисму жоним соппа-соғ,
Қалб тўла фахру гурур, бу қадду қомат мисли тоғ,
Энди-чи, қаддим — дуто, кўнгил паришон, дилда доғ,
Оташин оҳим-ла айларсан менга таклифи боғ,
Боғбон, гулбарги хандонинг керакмасми санго?

Билмадим, сунбул сочинг атри қаёқлардан етур,
Мен учун ноёб нафас балки узоқлардан етур,
Билки, сайёд офати, баъзан тузоқлардан етур,
Ела берма доғидуб ҳарён аёқлардан кетур,
Эй пари, зулфи паришонинг керакмасми санго?

Эй пари пайкар, мени васлингдан этма бенасиб,
Мен ўзимни сен учун дерман муносиб бир ҳабиб,
Пора айлаб қалбни, энди қил даво, бўлгил табиб,
Эй камонабрў, рақиба берма ғамзангдан насиб,
Ўқ отарсан тоша, пайконинг керакмасми санго?

Оҳ, агар оҳларки урсам, тинглар осмон додими,
Сен назар солмай менга, тийра этдинг шомими,
Бўл қуёш ишқ кўкида, қалбими ёрит доими,
Ёндириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,
Осмон, хуршиди рахшонинг керакмасми санго?

Ошиқ аҳлин бунчалар таън айламак лойиқмидир,
Ёрни қийнаб, ўзгани шаън айламак лойиқмидир,
Чўпчагу афсонадин, фан айламак лойиқмидир,
Куфр зулфиндан мани манъ айламак лойиқмидир,
Сўфи, инсоф айла, имонинг керакмасми санго?



Чарчадим ишқингни куйлаб, кўзда ёшим —
шашқатор,
Ошигингман, этмагил қаҳру ғазабни устувор,
Сен — жафожў айбсизу, мен бир Фуломи — айбдор,
Туталимким, ашк селобина йўқдир зътибор,
Эй Фузулий, чашми гирёнинг керакмасми санго?





АЁ ДҶСТИМ

Жамол Камол ғазалига мухаммас

Агар билсанг, сенинг дардинг менинг дарду
фироғимдир,
Ғаминг ҳасратларим бўлса, қувончинг дилкушоимдир.
Сени кўрмак саломат-соғ мудом дил муддаоимдир,
Аё дўстим, сенинг меҳринг менинг мулки
паноҳимдир,
Қувонсам — қаҳқаҳам, ҳасрат чекарда ўтли оҳимдир.

Агар дўстлар аҳил бўлса, улар аҳли сафо дерлар,
Магар манзил узоқ бўлса, яқин кўнгил огоҳ дерлар,
Ўзи ғамхўр, ўзи мунис, ўзи дўст, раҳнамо дерлар,
Садоқат уйини алломалар чин қиблагоҳ дерлар.
Азизим, дил уйинг токи тирикман, қиблагоҳимдир.

Бу олам — нурли оламдир, қоронғу тун эмас асло,
Қуёш бордир, чарағондир, шабистон тун эмас асло,
Баъзи бирлар бу гаплардан эмас огоҳ, эмас огоҳ,
Саҳарлар балқиган кўк тоқида Чўлпон эмас танҳо,
Ки дўст, деб интизорлик ўтида ёнган нигоҳимдир.

Асал дерман, аё дўстим, сенинг-чун мен заҳар
ютсам,
Тараҳхум қил, келиб тургил, қачонким мен сени
кутсам,
Йиқилгай бошима осмон, бу дўстликка зиён этсам,
Хиёнат йўлига борсам, разолат чоҳига ботсам,
Узинг бошимниким шу лаҳза, бўйнимда гуноҳимдир.

Қувонарман, бағоят шоду, шодумонлик сени қучса,
Қадам қўйсанг, қадамингда атргуллар атр сочса,
Оқар оби зилолинг неча бир вақту замон кечса,
Хаёлдан сувратинг кечса, дилимдан хўрсиниқ учса,
Сени деб анбарин боғларда эврилган сабоҳимдир.



Бухородай Ватан бордирки, арзир қанча фахр этсанг,
Қадрдонинг Фуломдир, қадрига сен етмасанг, етсанг,
Биродарлар қолиб бунда, олислардан умид кутсанг,
Аё дўстим, Жамолдан меҳри ёдингни дариг тутсанг,
Куёш эрмас фалакда, ўтли афғон, оҳ-воҳимдир!



ҶАМРИҶИ
НАВОЛАРИ

*Осмон гувоҳ,
Замин ҳам гувоҳ, —
Ўшамайсан ҳеч кимга, Она!*





ЎЛКА МЕҲРИ

Мен онадан
Туғилдим-у,
Ўлкам қучди бағрига.
Бора-бора
Ёш юрагим
Тўлди ватан меҳрига.

Шу меҳрининг
Ёғдусидан
Нурлар эмиб улуғвор,
Ўсмоқдаман
Она юртим
Қучоғида бахтиёр.

Шу меҳр борки
Дунё менга
Гўзал кўринар мудом.
Юрагимда
Орзум тошар,
Қайнар дилимда илҳом!

1957 йил



РЕГИСТОН

Регистондан ўтганимда гоҳ,
Арк томонга ташлайман нигоҳ,
Диққатимни тортиб ўзига,
Куббалари нур сочиб кўзга,
Бухорода тоғ каби юксак
Салобат-ла турар кекса Арк.

Аркка боқиб чулғанар хаёл,
Жуда қизиқ бу ҳолат, бу ҳол:
Амир, хонлар пул, олтин сарфлаб,
Арк қурдирди ва кетди ташлаб,
Ўлим билмас бу бино эса
Тирик турар, тирик ҳамиша!

Чунки уни бино қилган халқ,
Халқ ўлмайди, яшар ҳамма вақт.
Деворларда бармоқ изи бор,
Ундан боқар уста ва меъмор.
Бухоронинг Аркдир тимсоли,
Боқийликнинг тирик мисоли.

1958 йил



ЎТЛАРГА СОЛИБ ЁНДИРАСАНМИ?

Халқ кўшиғидан

Учрадинг-у тор йўлакда
Менга боқдинг.
Иссиқ экан истаранг хўп,
Дилга ёқдинг.
Олмос экан нигоҳларинг,
Юрагимда —
Кўзлар кўзга тушганида
Олов ёқдинг.

Шундан бери хаёлимни
Олдинг, гўзал,
Шундан бери ўйловларим
Ширин, асал.
Шундан бери ишқ ўтида
Куйиб, ёниб,
Қалбим жўшиб тўқияпман
Шеърү ғазал.

Аммо сен-чи, севганимни
Чин билмайсан.
Шунча, ахир, шўх боқсам ҳам,
Ҳеч кулмайсан.
Чин севмасам, сенга шунча
Ёнармидим!?
Наҳот, шуни тушунмайсан,
Раҳм қилмайсан!

1957 йил



* * *

Ой нури тарам-тарам,
Денгиздай мавж уради.
Нурга чўмилган олам,
Гўдак каби кулади.

Юраман, нур селига
Фарқ бўлгандай ҳамма ёқ.
Боқаман, бутун олам —
Нурдан яралган оппоқ!

1959 йил

ОРЗУ

Жимирлайди кўкда юлдузлар,
Жимирлайди сонсиз, саноксиз!
Хаёлларим — ёниқ юлдузлар,
Юлдузлардай сўнгсиз, адоқсиз.

Хаёл осмонида бир юлдуз
Кўзим қамаштириб порлайди.
У ўчмас на кеча, на кундуз,
Мени оғушига чорлайди...

1962 йил



ОНА ЕРГА

Майли, сендан кетайлик йироқ,
Майли, учсак чексиз космосга.
Кўзларимиз сен томон муштоқ,
Ҳавас билан боқамиз пастга.

Учмоқ — сендан воз кечмоқ эмас,
Балки бўлмоқ пару парвона.
Чунки ўзинг бизни улғайтиб,
Бошинг узра кўтарган она.

1962 йил

ҚИШ ЗАВҚИ

Қиш келди,
Қиш келди —
Симоб фасл бу.
Бошқа фасллардай
Қиш ҳам асл-ку!

Қиш келса, элайди
Унини осмон,
Оқликка бурканар,
Бурканар ҳар ён.

Бу оқлик, бу софлик
Кўчиб кўнгилга —
Завқу илҳом, сурур
Солади дилга.

1963 йил



ҚИЗИМГА

Яйра,
Қувна,
Чаман оралаб,
Юзларингда порласин кулгу.
Югур,
Елгин,
Қувла капалак,
Шодлик бўлсин ҳамроҳинг мангу.

Сочингдаги боғичга боқсам,
Қуёш нури олади кўзим.
Кўзим олган кун эмас, билсам —
Нур ҳам ўзинг,
Дур ҳам сен — ўзинг.

Ўйна, эркам,
Ўйна завқ билан,
Асло билма недир нолалар,
Қаҳқаҳа ур,
Жажжи лабингдан
Сочилсин дур, қизил лолалар!

1963 йил



• • •

Қор учқунлаб
Сувнинг юзига,
Овозсиз-у
Изсиз йўқолди.
Жала қўйди,
Чизиб доира,
Тўлқин урган садоси қолди.

Кузатдим-у,
Ушбу ҳолатни,
Қалбда қарор топди шу фикрим:
Қордай оппоқ умидинг билан
Жала бўлиб, садо бер, умрим!

1963 йил

ТОҒ ЙЎЛИДА

Тоғлар гўё кунгира девор,
Пастликда йўл — зилол оина,
Ялтирайди чўққиларда қор,
Мен юраман қояма-қоя.

Мен юраман,
Сўқмоқ хатарли,
Лекин хавфдан қўрқмас кўзларим.
Сабаби бор:
Мен билан бирга —
Олдда, ортда борар дўстларим!

Кўли Куббон, 1964 йил



ТОҒ БИЛАН СУҲБАТ

Тоққа дедим
— Қани, бер изоҳ,
Бу ҳолингга тушунмам сира,
Гоҳ бағрингдан вулқонлар, гоҳо —
Отилади кумуш шаршара?

Садо келди:
— Монандман сенга,
Ранг-барангдир
Қалбим ҳислари,
Шароралар қаҳқаҳам бўлса,
Шаршаралар — кўзим ёшлари...

1964 йил

КУРТАК

Қиш бўйи ухлаб куртак,
Туш кўрар ширин эртак:

Қуёшли тиниқ осмон,
Ям-яшил рангда ҳар ён.
Шивирлаб эсар шамол,
Новдалар очиб жамол,
Япроқ ёзиб куйлайди...

Куртак шуни ўйлайди.

1965 йил



БИР ОҒИЗ СЎЗ

Баъзида бир коса сувни булғашга
Бир томчи сиёҳ ҳам кифоя экан.
Баъзида ўринсиз бир оғиз гапдан
Юрагим титрайди санчилиб тикан.

Қани у сендаги лутфу илтифот,
Қани у мендаги шаҳду шакар лаб.
Барчаси бир зумда сўнди-ку, ҳайҳот,
Барига бир оғиз каломинг сабаб.

1966 йил

ЖОНОНАДИР

Дўстлар, тингланг мени,
ишқим бу дам пинҳонадир,
Сўзда ҳеч изҳор қилолмай
бағру дилим ёнадир.
Ишқи изҳори учун
олсам қалам қўлимга гоҳ,
Не қалам, ҳатто сатр ҳам
ўт олиб тўлғонадир.
Ул пари васфи учун
тун-кечалар бедор ўтар,
У эса ҳолим кўриб,
билмам, нега қувонадир.
Майли, дейман, эй гўзал,
ҳажринг учун сабрим етар,
Оқибат васлингга бир кун
барибир дил қонадир.
Дўстларим тинглаб мени,
маъшуқа исмин сўрдингиз,
Майли, айтай сизга пинҳон:
шеър деган жононадир.

1966 йил



АГАР

Агар билмоқ эсанг, ошна,
ажаб ошуфта ҳолимни,
Ўтинчим, бузмагил асло
мунис, дилбар хаёлимни.
Магар маъбудаи илҳом
қулимдан тутса бир лаҳза,
Кўрарсан шунда юксакда
қанотим — пару болимни.
Агарчи шоир эрмасман
ва лек шоиртабиатман,
Ширин сўзга нисор этгум
бисотим — жону молимни.
Агар агёр эсанг, кўрсанг
ғанимликни раво менга,
Кўрарсан шунда ҳолимни,
ғазабим, захру болимни!


1966 йил

* * *

Дарё бўйдаман,
Осмондай дарё
Уфққа бар уриб оқади.
Дарё кўзгусида акс этиб само,
Дилимда ажиб бир шуъла ёқади.

Ташна нигоҳларим
Оқим сатҳида,
Мусаффо кенгликка
Тўймай боқаман.
Дарёдай оқаркан
Ҳислар шу лаҳза,
Орзулар мавжида
Мен ҳам оқаман.

1966 йил





• • •

Шафақ ўчар,
Мени қучар
Кўк камзулли
Дилбар тун.
Юрагимда қолди порлаб
Бугун кечган
Нурли кун.

Эртам яна
Нурга тўлиқ,
Шуқуҳига қонар дил,
Жамолини кўрмоқ бўлиб
Юлдуз бўлиб ёнар дил.

1967 йил





ҚЎМСАШ

Онамга

Бола эдим ҳали у пайтда,
Бурчим адо қулолмадим мен.
Ётганингда совуқ тўшакда,
Ҳолинг сўраб билолмадим мен.

Эсимда,
Бир кампир ундади,
Лабларингга мен томиздим сув.
Мажолсиз қўл бошим силади,
Кўзларингдан ёш тўкилди дув...

Кейин сени олиб кетдилар,
Мен орқангда қолиб бўзладим.
Шундан кейин ноёб чехрангни,
Меҳрибоним, қанча изладим.

Кўп изладим,
Топмадим, эвоҳ!
Сен дунёда, билсам, ягона,
Осмон гувоҳ,
Замин ҳам гувоҳ, —
Ўхшамайсан ҳеч кимга, Она!

1967 йил



ДОЙРА САДОЛАРИ

Дойра садоланар,
Тингланг, дўстларим,
Юракка бергувчи бир ором садо.
Бу садо қопламиш водий устини,
Садога чулғаниб кетмоқда само.

Дойра садоланар,
Ажиб жозиба,
Бир оддий гардишда шунчалар сурур.
Бармоқлар чертаркан уни оҳиста,
Юракда тулпорлар бошлайди дупур.

Оҳанг-ла оқади бир кўшиқ — нафис,
Теграмда айланар хурлиқо қизлар.
Бу куйдан осмонда ой ҳам уйкусиз,
Жилвагар кўзини сузар юлдузлар.

Дойра садоланар,
Садоланар жон.
Пардаи авжига боисдир нима?
Кўёшдай гардиши кўкданми эҳсон,
Нимадан сеҳрли бу оддий нагма?

Йўқ бунда ҳеч қандай сеҳру синоат,
Бу — оддий чилдирма,
Чолғу сози бу.
Бу — бизга боболар қолдирган санъат,
Юлдузга юксалган эл овози бу.

Дойра садоланар,
Садоланар жон...

1969 йил



ШЕЪРИЙ ХИЁБОН

Мақсуд Шайхзодага

Шоирларнинг меҳнаткаши,
Бўлиб деҳқони,
Машаққат-ла кезиб саҳро,
Кезиб биёбон,
Ростладингиз осмонўпар
Назмий хирмонни,
Изингизда қолди яшнаб
Шеърий хиёбон.

Йиллар ўтар,
Боғингиздан
Одам аримас,
Сабоқ берур авлодларга
Ҳар бир сатрингиз.
Эккан гулу ниҳолингиз
Сизни унутмас,
Эъзоз топура
Эъзоз билмай
Ўтган қадрингиз!

1968 йил



ВАРАХША

Ундан қолган тепалик фақат,
Кўҳна қалъа ётар хувуллаб.
Мен боқаман, юракда ҳайрат,
Шамол эсар, эсар ғувуллаб.

Бунда сўйлар қадим деворлар,
Бунда сўйлар синиқ майда тош.
Туркон Хотун ёнимда бордай,
Ўшал жасур, ўктам, қаламқош.

Чор атрофда саксовул эмас,
Саф тортмишдир унинг кўшини.
Йўқ, бу ерни ҳеч ким забт этмас,
Йўқотолмас Туркон Хотунни.

Тўрғай учиб бунда юксакдан,
Мангуликдан ўқир бир дoston.
Бир дostonки, бордир қаҳқаҳа,
Бир дostonки, бордир ғам-ғиғон.

Ўтганларга раҳматлар айта,
Бу ерларда кезиб юрибман.
Қизиқ, гарчи вайрона қалъа,
Мен осмонга яқин турибман!

1970 йил



ТАРОВАТ

Шариф Нурхонга

Сиз қолдирган ям-яшил боғда
Қушлар базми авжида ғоят.
Қуртакларнинг ой дудоғида
Юз кўрсатур ажиб тароват.

Гўзаликка умрингиз тимсол,
Ҳавас қилса арзир, отахон.
Шоир бўлиб экдингиз ниҳол,
Боғбон бўлиб битдингиз дoston.

1975 йил





ТОНГ ГЎЗАЛИ

Афсонага ишонмасдим, йўқ.
Елғон дердим унинг барини.
Юрагимга ташланди бир чўғ,
Бу тонг кўрдим ўша парини.
Бўялганда уфқ оқ тусга
Нур қўйнидан чиқиб келди у,
Кийимлари оқ булут нусха,
Чехрасидан ёғилар ёғду.
Сўнг ўлтириб булоқ бўйида,
Зилол сувда чайди юзини.
Ойдай аксин кўраркан сувда,
Суйиб кетди дилбар ўзини.
Ошкор айлаб шодлик, қувончин,
Товус каби этди хиромон.
Бу бир рўё,
Боқаркан кўзим,
Қуршаб олди мени ҳаяжон.
Гоҳо оққуш бўлиб малика
Қанотларин сувга урарди,
Гоҳо чиқиб, қояда тикка
Охудайин ҳуркиб турарди.
Ҳар ишвада ажиб жозоба,
Ҳар жилвада сеҳру латофат.
Гўзал эди бу тонгги лавҳа,
Гўзал эди бутун табиат...
Бирдан қарсак янгради залда,
Эс-ҳушимни йиғдим шу замон.
Саҳнада-чи, ушбу маҳалда
Таъзим қилар эди Қизлархон!*

1971 йил

* Машҳур раққоса Қизлархон Дўстмухамедова. (Мух.)



МАНЗАРА

Отам хотирасига

Ёз кечаси. Осмонда ой
Тўлиб-тўлиб порлайди.
Дехқон ичиб пайкалда чой,
Шеригини чорлайди.

Нурга тўла кенг ёвону
Усти очиқ чайла ҳам.
Ой сузади, ҳув, осмону
Пиёлада чойда ҳам.

Жилоланар ой нурида
Барг оралаб ҳандалак.
Эпкин эсса хушбўй ҳидга
Тўлиб кетар ер, фалак.

Бир палакмас, бор хору хас
Нурга қолган қорилиб.
Шудринг тушса, этиб тарс-тарс
Қовун кетар ёрилиб.

Буни кўриб осмонда ой
Кулиб-кулиб порлайди.
Дехқон ичиб пайкалда чой,
Шеригини чорлайди.

1972 йил



ХОТИРА БОҒИДА

Хотира боғида анвойи гуллар.
Турли ўлкалардан
Келтирилган улар:
Бири Варшавадан,
Бири Днепрдан,
Яна бири Ленинграддан...
Мармар лавҳалар қошида,
Куйманиб, очилиб турар.
Варшавада,
Днепрда,
Ленинградда
Куйманиб қолган жасадлар каби
Куйманиб турар гуллар.
Гулларга боқаман,
термуламан ниҳолларга.
Йигитлар сиймоси кўринар —
Кўёшдай ёниқ.
Уларнинг бири
Воисов Исмоил,
Ўн тўққиз ёшида,
Ҳаётга тўймаган, кўзлари қийиқ.
Манови Исроил,
Ҳамро, Аликул.
Ўша-ўша қомат уларда —
Гуркираган ниҳол.
Япроқлар кўз бўлиб боқади менга,
Тирик нафаслардир эсаётган шамол.
Улар,
Уша йигирма ёшлилар,
Олис тупроқларда ётса-да улар,
Гулга, ниҳолга айланиб
Яшнамоқда ўз тупроғида,
Жимгина гул тутиб қучоғида...

Қоракўл, 1975 йил



• • •

Қаёқдан илашди менга бу ғашлик,
Кун бўйи келолмай юрибман ҳушга.
Эсладим, бир дўстни ранжитдим ноҳақ,
Туманли бир юртда бу оқшом, тушда.

Хайрият, учрашдик ҳозир у билан,
Худди аввалгидай хушвақт ва қувноқ.
Кўзимда яшнади ранг-баранг чаман,
Қалбимда йилт этиб порлади чироқ.

1976 йил

ШЕЪРИЯТ

Кезаман,
Пойимда осмон,
Юлдузлар ястаниб ётар йўлимда.
Руҳимни қуршаб ҳаяжон —
Бир қушча сайрайди дилимда.
О, бу дам —
Мен учун ором ва лаззат,
Алишмам юз йилга бу онни.
Одамлар,
Билсангиз худди шу лаҳза
Мен кашф қиламан
Ўз дунёмни!

1977 йил



ТАШНАЛИК

Нимагадир кўнглим интизор
Ва кимгадир бу юрак ташна.
Тўлдирарми кўксимни бир бор,
Қондирарми мени у чашма...
Бу ҳаётнинг отига миниб,
Ошарканман ҳар кун йўл, сўқмоқ,
Лабим қуршар қовжираб, ёниб,
Қалбим яна депсинар чанқоқ.
Лекин, дўстлар, хаёлда бир кун
Ташналигим қондирдим тугал.
Дунё бўлди шунда кўп юпун,
Пайдо бўлди қаршимда ажал.
Ҳар бир нуқта бенур, бежило,
Йироқ кетди шавқим — сурурим.
Қайда қолдинг, эй нурли дунё,
Қайда қолдинг, шеърим — гурурим!
Шунда келди қалбимдан нидо:
Ҳис этдингми, ахир, қанчалик —
Ташналиксиз ҳаёт бемаъно,
Яшаш ўзи, билсанг — ташналик.
Инсон ташна бири бирига,
Шундан меҳр бу юракларда.
У турткидир инсон фикрига,
Қудрат берар у билакларга.
Инсон ташна бўлмаса агар,
Парвоз учун қоқмасди қанот.
Тош асридан то бизга қадар
Мўъжизалар бўлмасди бунёд.
Ташнамизки, ҳатто кўк билан
Қилмоқдамиз бугун ошналик.
Инсон ойга ташлади каманд,
Билсанг, бу ҳам ўша ташналик.
Ташнамизки, чўзмоқда қўлни
Бир-бирига қанча эл, юртлар.



Шундан ойдин истиқбол йули,
Шундан завқли байрам, ҳайитлар...
Булар бари ўша бебаҳо
Ташналикнинг чин шарофати.
Лекин инсон урушга, эвоҳ,
Ташна бўлса — унинг офати.
Кўрсатмасин ўшанда, ҳайҳот,
Хароб бўлар олам қанчалик.
Тугаб бўлар бу ташна ҳаёт,
Тамом бўлур бутун ташналик!

1977 йил





ДЕРАЗАМДАН ЖАҲОН КҮРИНАР

Деразамдан осмон кўринар,
Мен осмонга термуламан жим.
Осмон узра ёниқ юлдузлар
Хаёлимга бермайди тиним.
Эҳ, нақадар чексиздир само,
Кўк ости ҳам шундай кенг, беҳад.
Унда қанча тоғ, денгиз, дарё,
Унда қанча китъа, мамлакат.
Кўзларимни юмиб бир лаҳза
Олисларда кезаман бир-бир.
Гоҳ руҳимни шодлик, бахт кучса,
Гоҳ йўлимда ғам учрар оғир.
Гавананинг кўчаларида
Сайр қиламан денгиз ёқалаб.
Гоҳо шимол кечаларида
Ўлтираман ўт-олов қалаб.
Занжибарнинг мард элин кўриб
Яшнаб кетар бағрим — бутуним,
Ғаддорларнинг ўт ўйнашидан
Кўкка ўрлар ғазаб — тутуним.
Вьетнамнинг ўрмонзорлари
Ўз юртимдай танишдир менга.
Йўқолсин деб бир пайт келгинди,
Мен ҳам унда кирганман жангга.
Шундай, дўстлар, ҳар куни боқсам,
Деразамдан осмон кўринар.
Осмон нима, мен сизга айтсам,
Деразамдан жаҳон кўринар...

1975 йил



ОТАБЕКНИНГ ЙЎЛ ҚЎШИҒИ

Йўллар узун, йўллар узун —
Узун туш мисол.
Қўлларимда яна тизгин,
Умидим — висол.

Сўқмоқдаги ҳар гул, майса
Ҳолимга сирдош.
Яқин бўлиб қолмиш қўзга
Ҳар бир майда тош.

Ўзим йўлда, ёд — хаёлим
Кезар Марғилон.
Кумушимнинг надир ҳоли,
Асрагай омон...

Йўллар узун, йўллар узун —
Узун туш мисол.
Қўлларимда яна тизгин,
Умидим — висол.

1977 йил



ЮРАК

Комилжон Баратовга

Юрак соз бўлган Усмон Носирда,
Сизда овоз — юрак!
Мен бугун Усмон Носир юрагини тингладим.
Сиздирибди уни сиздаги кўкрак!
Сел бўлиб оқдим шундан...
Тирик бугун,
Тирик шоирнинг қалби.
Шоир юрагининг зарбига жўр бўлмоқда,
Қаранг,
Юрагим зарби!
Бу тугён бермоқда, не тонг,
Яна кўп дилларда садо,
Яна кўп элларда садо.
Барчасига боис
Сиздаги қалб —
Мўъжиза наво!
Усмон Носир юраги-ку кечди қийноқда,
Сизга ҳам тушмаганми дейман гоҳида офтоб,
Мен буни сездим
Овоз тўлғонишидан,
Санъаткорга қачон бўлмаган азоб?!
Юрак соз бўлган Усмон Носирда,
Сизда овоз — юрак!

1978 йил



БАҲОР

Бугун қалбим дарчасин чертди бир туйғу,
Шунданмикан, вужудимда ажиб бир ҳолат.
Қай тарафга тикилмайин, юрагим — кўзғу,
Унда фақат гўзалликлар кўрсатур қомат.
Ер ҳам гўзал, осмон гўзал, оҳ, қандай сулув,
Кўзни олар ҳар томонда нурлар жилваси,
Илк севгининг суруридай қалбда бир гулув,
Не тонг, қаддин кўрсатмоқда шеър илоҳаси.
Бу қандайин қувонч ахир,
Бу қандай қудрат,
Нима ўзи қалб торимни чертган бу наҳор?
Табиатда ва ҳаётда ширин бир ҳолат,
Сабабчиси сен ўзингсан, ўзингсан, баҳор!
Яна келдинг,
Эҳ, қалбимнинг сўлим чечаги,
Юрагимни симоб янглиғ айлаб мусаффо.
Сен келдинг-у,
Фаслларнинг шўх келинчаги,
Яшаришнинг куйин чалди бу кекса дунё!
Қандай яхши яшармоқлик, айтсам очигин,
Қайси одам хоҳламайди уни, дўстларим,
Десак ҳам гоҳ керак эмас юздан ортиғи,
Айвазовдай яшамоқни ҳавас этмас ким?
Бугун боқиб жамолингга,
Сержилва кўклам
Учқур хаёл оғушида кетаман қолиб.
Қанча-қанча гап ўтади ташна кўнглимдан,
Барчасини бўлармиди шеърга солиб.
Сени гўзал деймиз, аммо фасли навбаҳор
Дийдорингга тўёлмайин ўтганлар бўлган.
Кўклам чоғи бир бурдалиқ нонга бўлиб зор,
Тезроқ ёзнинг келишини кутганлар бўлган.
Водийларда очилганда қип-қизил лола,
Лола каби инсон хунин тўкканлар бир пайт.
Баҳор эди, Хиросима кўкида нола,
Чирмашганда, ер юзини тутганда даҳшат!



Булар бари ўтмиш гарчи, ҳеч қачон аммо
Кишилиқнинг қўтарилмас фикру ёдидан.
Тинчлик ахир шу кунда ҳам муҳим муаммо,
Муаммолар айро тушмас башар зотидан.
Жамолинга боқарканман,
Наврўзи олам,
Товланади хаёлларим мисли камалак.
Тўлқин урар дилда ҳислар кўпириб бу дам,
Юрагимда туғилади қанчалар истак.
Умид билан бугун деҳқон ташларкан уруғ,
Дейман, осмонўпар бўлсин ҳосил хирмони.
Тунд одамлар чехрасида кўриб шавқ-сурур,
Дейман, қутлуғ илк кўкламнинг бу армуғони!
Қишда зах ҳид анқиб турган йўлка, уватда
Бугун ялпиз ҳид таратар муаттар, кўркам —
Шундан ажиб бир тароват кезар юракда,
Булар барин ижодкори
Ўзингсан, кўклам!
Шундан қизлар қошларида осмонранг ўсма,
Келинларнинг қўлларида ҳино ярашиқ.
Шундан йигит юрагида чўғдай бир нима —
Ёр йўлига термулганча энтикар ошиқ...
Қанча айтсам камлик қилур ҳуснинг, хислатинг,
Яша, келдинг,
Фориғ бўлди дилдан дард-ғубор.
Сен пойимга бугун кўм-кўк гилам тўшадинг,
Мен пояндоз тўшай сенга шеърдан, баҳор!

1974 йил





• • •

Қор ёғмоқда,
Эланиб майин.
Сутга чайиб бутун оламни.
Қор ёғмоқда,
Ёққани сайин
Ажиб ҳислар қуршар одамни.
Юраркансан
Қорда оҳиста,
Пояндозинг гўё Қаҳқашон.
Атроф...
Атроф оппоқ бир шуъла
Туташ бўлиб кетмиш ер, осмон.
Кезарканман,
Энтикиб бу дам,
Жим тинглайман шаффоф борлиқни.
Қордан нафас олмоқда олам,
Дилларга жо айлаб софликни...

1970 йил





ОЙДИНДА КЕЗАМАН

Ойдинда кезаман, ойдинда,
Юрагим ҳам тун каби ойдин.
Борлиқ гўзал, сўлим, осуда,
Шивирлайди тераклар майин.

Ойдинда кезаман, ойдинда,
Юлдузлардан само живирлар.
Жилвагар ой чўмилиб сувда,
Юрагимда недир шивирлар.

Ойдинда кезаман, ойдинда,
Кўзларимга шуълалар пайваст.
Термуламан ойдин уфққа,
Бу ойдинлик мени этар маст.

Ойдинда кезаман, ойдинда,
Тун — бир санам, мен унга ошиқ.
Табиатдан — соҳир ҳофиздан
Мен тинглайман нозли бир қушиқ...

1969 йил

* * *

Қўлингдаги қизғиш луччак шафтоли
Лўппи юзларингга бунчалар монанд.
Шафтолидай тиниқ рухсори олинг,
Хуш таъмликда балки асал ёки қанд.

Ногаҳон ташбеҳдан уялиб ўзим,
Юзингга каролмай боқсам қўлингга,
Яна шафтолига тушди-ю кўзим,
Хушимдан айрилиб кетдим йўлима...



• • •

Яна бу кеч киприкларим қовушмас асло,
Фикрларим кабутардек қоқади қанот.
Ўйларимни банд айлади ташвишли дунё,
Хаёлимда айланади улкан бу ҳаёт.

Ғала-ғовур бир асрда яшайди одам
Эртақдаги орзулар ҳам бугун ҳақиқат.
Бугун ҳатто инсон ойга ташлади қадам,
Мўъжизалар юз кўрсатур фурсатма-фурсат.

Ватандошим тер тўкади башар бахтига,
Тинч, осуда кўрмоқ бўлиб жумла дунёни.
Дейди: дўстлик қарор топсин ҳамма қитъада,
Душман дея санамасин инсон инсонни...

Лекин, афсус, ҳамон кезар қора бир шарпа,
Бу дунёни қилмоқ бўлиб далғовли бозор.
Шундан портлаш рўй беради у ер-бу ерда
Ўз юртида араб йиғлар саргардону зор.

Шуни ўйлаб айланади киприк ханжарга,
Қалб — қитъадан-қитъаларга отилгувчи ўқ.
Айтгим келур бор дунёни солиб ларзага:
Эй бадният, ниятингга етолмайсан, йўқ!

Ватандошим тер тўкади башар бахтига!..

1975 йил



ҲАЁТ

Савол бердим ҳаётга,
Сен нимадан иборат?
— Мен шодлик ва аламдан
Қурилган бир иморат.

1980 йил

ЎРТАЕР ДЕНГИЗИ БЎЙЛАБ

Денгиз — осмон,
Қайиғим — ҳилол,
Оқ кўпиклар — тўзғиган булут.
Мен сузаман,
Борлиғим — хаёл,
Кўшиқ айтар атрофда сукут.

Мен сузаман,
Йўқ-йўқ, учаман,
Рухим енгил, манзилим сўнгсиз.
Мен севаман,
Сени қучаман
Осмонлигинг учун ҳам, денгиз!

1977 йил



ЛУХСОРЛИК ИЗВОШЧИ МУҲАММАД ҚЎШИҒИ

Чух, жонивор, чух, отим,
Чух, қанотли ғиротим.
Сен-ла тирик оилам,
Ўзингсан бор бисотим.

Кечагидан юр чаққон,
Лухсорга тушмиш меҳмон.
Чақа тушса, бўлади —
Сенга емиш, менга нон.

Мендан бўлак етти бош,
Кийим, дейди, нону ош.
Уйга қуруқ бормайлик,
Хотин тўкмасин кўзёш.

Бизга тушган бу меҳмон
Балки сахий бир инсон.
Шояд бахшиш* айласа
Бирор қуруш**, бурда нон.

Чух, жонивор, чух, йўрғам,
Ўзгалардан бўлма кам.
Бахтимга бўлгин омон,
Омон бўлайин мен ҳам...

Миср, 1977 йил

* Бахшиш (арабча) — салаҳа.

** Қуруш (туркча) — Усмонли тарихий империясида мис чақа.



МУҲОЖИР

Олис бир юрт. Бўлиб сайёҳ,
Кезардим кўча.
Қулогимда чалинди сас,
Ўзбаки лаҳжа.
Боқсамки, сен рўпарамда
Бўлибсан ҳозир,
Эшитган-у кўрмаганим
Сарсон муҳожир.
Кўзларимга ишонмайин
Қолдим дафъатан.
Наҳотки, сен, мен — иккимиз
Ахир ҳамватан.
Мен тикилдим, юрагимда
Меҳр ва шафқат.
Сен тикилдинг,
Кўзларингда
Илтижо фақат.
Сенинг билан суҳбатлашгим
Жуда бор эди,
Кўзларимиз бир-бирига
Интизор эди.
Не-не гаплар
Кечди экан
Бу дам кўнглингдан.
Юрагингни очмай лекин
Юрдинг йўлингдан.
Сен кетдинг-у,
Изларингда
Қолди, эй одам,
Бир умрлик пушаймону,
Адо бўлмас ғам...

1977 йил



БАНДАРГОҲДА

Денгиз чайқалади,
Чайқалур қирғоқ,
Кўпиклар қалтираб,
Эрийди зумда.
Денгиз суронидан
Юлдузлар уйғоқ,
Тўлқинлар қоядек
Юксалур сувда.
Бандаргоҳда турган
Улкан бир кема,
Ана, йўл олмоқда
Олис томонга.
Эй кўрқмас денгизчи,
Йўлинг бўлсин оқ,
Тўлқинлар бош эгсин
Сендай ўғлонга!

*Афина, Пирей порти,
1977 йил*

* * *

Хориждаги бир ватандош
Мени кўриб хўп қувонди,
Хўп суюнди
Ва айлади ҳатто
Тавоф.
Сўнг деди у:
Мен — муҳожир,
Сиздан юртнинг ҳиди келар,
Шундан,
Сизни кўрмоқ бунда
Бизга савоб,
Жуда савоб!

Қоҳира, 1977 йил



РАЪНО

Лухсордаги гулзорда яшнаб,
Бўй таратиб турибсан, раъно.
Мен ҳидладим юрагим яйраб —
Ўз юртимни кўргандай гўё.
Эсга солдинг ўз гулзоримни,
Юрт соғинчи ўртади кўнглим.
Эсга солдинг гулдай ёримни,
Куз олдимга келди сунбулим.
Айт-чи, гулим, сен бунда танҳо,
Қайси шамол келди учириб?
Ё уруғинг бирорта сайёҳ
Нил бўйига кетганми экиб?
Бугун эса дарё бўйида
Лухсор боғин турибсан безаб,
Сенинг мушкин атр бўйингдан
Завқ олади ҳабашу араб.
Майли, раъно, яшнайвер бунда,
Ҳид таратгин билмай ётликни.
Гул — йўл очар, дерлар, кўнгилга,
Гул — мустаҳкам айлар дўстликни!

Лухсор, 1977 йил



ГУЛСАРА

*Шарорада зилзила рўй берган куннинг эртаси
Душанбедан ўз қишлоғига қайтган Гулсара
ҳовли-жойлари ўрнида фақат тупроқ уюмларини кўрди.*

Нималар рўй берди заминда ўзи,
Не ҳолга дуч келди бу рўйи олам.
Вожаб, сўқирми табиат кўзи,
Бир қизча бошида шунчалар алам.

Жам эди ёзганда кеча дастурхон
Ота ҳам, онаю ака-сингиллар.
Тонг отиб... бўлдилар қаерга пинҳон,
Гулсара йиғлайди, титрайди диллар.

У йиғлар тупроқнинг остин кўрсатиб,
Ҳовлимиз шунда деб тортади нола.
Бу ҳолдан кетасан лойдай эзилиб,
Дилингда тош бўлиб қотади яра.

Сўзлар ҳам ожиздир таскин бермакка,
Малолдир шу лаҳза бирор ҳаракат.
Тил ҳам лол, беҳолдир оёқ юрмакка,
Дарахтга айланиб қоламан карахт.

Довулда силкиниб шу лаҳза танам,
Зирқирай бошлайди илдизлар пастда.
Барглар уча бошлар шу пайт бандилан,
Юракдан унларим учади аста:

Йиғлама, қондошим, жону жигарим,
Кўзинг ёшларини обисел қилиб,
Чорангни топишга йўқдир чорамиз,
Фақат ўртанамиз юракни тилиб.

Сен-ку бегуноҳсан, мурғак, бокира,
Ҳали кўп нарсани билмассан, бу рост.
Бу фоже бўлмасди, эҳтимол, сира,
Ерда яшамаса балки одамзод.



Оҳ, инсон! Бунёдга мунчалар моҳир,
Унинг азми билан саҳролар — бўстон.
Лекин барбодга ҳам бир ўзи қодир,
Ушбу офатнинг ҳам айбдори — инсон!

Дарёни жиловлаб, тўғонлар қурдик,
«Табиат устидан қилиб тантана».
Бойлик деб заминни зулукдай сўрдик,
Оқибати аён бўлмоқда, ана!

Замин олаётир қасосин энди,
Бу офат — исёни унинг аслида.
Қизилқум бағрини тилмасак эди,
Зилзила бўлмасди балки Газлида.

Қайларга элтади шу лаҳза хаёл,
Бепоен заминни учиб ўтаман.
Кўзимга кўринар Ҳаястон*, Орол,
Чернобыль ўтида ёниб кетаман!

Дейдилар, гуноҳкор бир ерда қолиб,
Гуноҳсиз бошига тушади жазо.
Йиғлама, Гулсара, мунча дод солиб,
Табиатдан ўтди бу галги хато!

Барча кишиларнинг қилмиши учун
Мурғак бошгинангга тушди-ку ваҳшат!
Отаю онадан, ака-укадан
Бир йўла ажралиш даҳшатдир, даҳшат!

Бу фоже инсонга бўлсину сабоқ,
Билиб боссин ерда ҳар бир қадамни.
Табаррук деймизу ҳар зарра тупроқ,
Унутамиз тупроқ бўлган одамни...

Ўксима, Гулсара, мунча қон бўлиб,
Ғаму дардларингни олай мен ўзим,
Бунча ғам емагин,
Юр тоқат қилиб,
Келгин, бағримизга оламиз, қизим!

1989 йил

* Ҳаястон — Арманистоннинг асл номи.

АЙНИЙ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

1. ҚАЛЪДАГИ ШЕЪРИЯТ

*1917 йил апрелида Бухоро амири
Садриддин Айнийни оғир жазо — яланғоч ҳолда
75 дарра уришга ҳукм этади.*

Зил қамчин тушади...
Оғир жон.
Зарб билан тушади баданга.
Юлдуздай учқунлаб сачрар қон,
Вужудни куйдирар аланга.
Зил қамчин тушади,
Сангдонга
Урилган болгадек беомон.
Шунчалар зулмми инсонга?
Гапиргин, эй замин
Гапиргин, осмон!..
У эса ҳамон жим,
Ажабо,
Қаердан бунчалик куч-қудрат.
Кўзида ёнади истехзо,
Лаблари пичирлаб ўқир байт...
Бугун-чи, Айний ҳам йўқ жисман,
Мангуга юмилган кўзлари.
Ва лекин тирикдир у руҳан,
Тирикдир ишлари, сўзлари!
Ва лекин ҳали ҳам кетмаган
У калтак излари,
У яра доғи.
Бу доғлар кетмайди юракдан,
Қалбларга чўккандир фироғи...
Ў, мени қайларга бошлади
Деворга осиглик бу сурат...
Ўлимдан зўр келган нима у?
— Шеърият!
— Шеърият!!
— Шеърият!!!



2. УЙ-МУЗЕЙДА

Самарқандда, Регистоннинг ёнида бир кулба бор,
Ўзи мўъжаз ҳовлича-ю, мўъжизали бағоят.
Сирли дунё унга жодир, хоналари гарчи тор,
Бунда бўлсам, вужудимни қоғлар ноёб бир ҳолат:
Кўз олдимда қад ростлайди бирдан кекса Бухоро,
Мен ўзимни тоқ, гумбазлар қуршовида сезаман.
Сабоқ ўқир авлодларга бунда бир пири доно,
Самарқандда туриб, ажаб, Бухорони кезаман...

1978 йил

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Ўғлим Суръатга

Сен қадам ташладинг,
Менинг гўдагим,
Қийқириб куласан қувнаб беадад.
Қўлингдан ушлайман, керак кўмагим,
Ойинг ҳам талпинар бергали мадад.
Ҳа, инсон ташлади илк қадамини,
Ҳаёт сўқмоғидан топмоқ учун йўл.
Қутлашга арзийди ахир бу дамни,
Мададга чўзайлик унга ҳозир қўл.
Вақт ўтар, улғаяр митти болакай,
Балки учар ойга, юлдузга у ҳам.
У қутлуғ ишларга муқалдимадай,
Билсангиз, бугунги қўйилган қадам.
Улғайгин, гўдагим,
Камол топ, ўғлим,
Иқболинг қуёшдай мунаввар бўлсин.
Бахт келсин, қаерга сен боссанг одим,
Биринчи қадаминг муборак бўлсин!

1978 йил



ОНА МЕҲРИ

Уч кундирки, ҳаво ҳўмрайган,
Уч кундирки, йилт этмас қуёш.
Шунданми, ё қалби муз қотган —
На жилмаяр,
На кўзида ёш.

Бирдан бўлди ўзгариш,
Оҳо,
Лабда қулгу, кўзда жоласи.
Унинг учун ёришди само,
Қуёш бўлиб келди боласи!

1979 йил

МАШРАБ

Бўлсин бизга муте, зор деб,
Қолмасин эрк, номус, ор деб,
Дунё ўзи баланд дор деб,
Машрабни дорга осдилар.

Дорга қараб қулди шоир,
Кулиб мағрур турди шоир,
Сўнг дор томон юрди шоир,
Машрабни дорга осдилар.

Нодонлар-ку кетди ўлиб,
Тириклардан тирик бўлиб —
Машраб юрар бугун кулиб,
Машрабни дорга осдилар.

1980 йил



ШОИРЛАР МАРДИ

Абдулла Ориповга

Гарчи ўзи
Бу оламнинг
Зарраси, гарди,
Бу оламдан
Улкан эрур
Юраги, дарди.
Ҳақиқатни ёзар доим,
Ўртаниб, ёниб,
Дунёда кам
Шоирларнинг
Бундайин марди!

1981 йил

ВИСОЛ

Қабул айланг, мана, юрагим,
Итоб этмай айлангиз қабул.
Зеро, сиз деб гўзал малагим
Лаҳза ором билмади кангул.
Ахир, қанча-қанча йил пинҳон
Тентирадим, югурдим, елдим,
Ҳаддан зиёд ўртанди бу жон,
Олдингизга, ниҳоят, келдим.
Ноёб менга бу висол чунон,
Йўқотмай деб хавфдаман ҳозир,
Ана шундан юрагим — ларзон,
Ана шундай бахтдаман ҳозир...

1980 йил



БУХОРО МЕҲРИ

Найчи Ҳомиджон Жалолов хотирасига

Бу сафар келдингиз ўз шахрингизга
Олдинги галдан ҳам хушчақчақ, қувноқ.
Меҳр билан босарсиз ўз бағрингизга —
Кўчада учраркан ҳар ёру ўртоқ.

Торлик қилди ҳовли хешу тоборга,
Она қучоғини этдингиз обод.
Сизни кўрдим мен ҳам кеча саҳнада,
Най чалиб ҳаммани этардингиз шод.

Сизга йўлдош бўлди севган созингиз,
Соз билан кездингиз не-не элларни.
Най эди қувонч, дард,
Най — овозингиз,
Сеҳрлаб қўйдингиз қанча дилларни.

Эҳ, бугун шод кезиб она шаҳарда,
Завқ билан, шавқ билан чалардингиз най.
Куйлаб дердингиз: мен ҳаётга ташна,
Бемаҳал ўлимни асло ўйламай.

Наво тараларди авжи пардада,
Найнинг овозига тўлғонди осмон,
Шу лаҳза қолди-ку ҳамма ғафлатда,
Сирғалиб тушди най қўлдан ногаҳон...

Айрилиқ ўртади юрагимизни,
Минордан юксалди аламлар ортиб.
Энди аён бўлди:
Бу сафар Сизни
Бухоро тупроғи келмишдир тортиб.

1983 йил



АКАЖОН

*Афғонистонда ҳалок бўлган чортоқлик
Жаҳонгир Уроқов ҳақида сингелиси
Хурриятнинг айтганлари*

Юксак чўққиларга боқиб ҳар наҳор,
Мусаффо қалбингдай тоза, беғубор
Мармар қояларда кўриб оппоқ қор,
Мен сени қўмсайман ҳозир, акажон.

Сен кетган жойлар ҳам эди-ку тоғли,
Адрли, сўқмоқли, жилғали, сойли,
Меҳримиз риштаси ҳамиша боғли,
Ҳар ишда эпчилу моҳир акажон.

Нафақат эпчилсан, оқил, билимдон,
Дўсту яқинларга ғоят меҳрибон,
Кўзлари қоп-қора, қошлари камон,
Қизларнинг ақлини олган акажон.

Сен мудом ёзардинг: кайфиятим чоғ,
Хизматим жойида, саломатман — соғ.
Афсус, юракларга солиб кетдинг доғ,
Афғон тупроғида қолган акажон.

Орзулар косаси синди-я чил-чил,
Энди ғаминг билан куйиб битар дил,
Отаю она ҳам опаю сингил,
Йиғлаймиз сен ҳақда сўйлаб, акажон.

Яна баҳор келди, боқ, Чортоқ бўйлаб,
Майсалар кўкарди адр, тоғ бўйлаб.
Анҳорлар оқмоқда кенг қирғоқ бўйлаб,
Сенинг ҳаётингни куйлаб, акажон!

1986 йил



УМР

Кунлар япроғида
Умримнинг ёзи.
Умрки, бунчалар
Югурик, илдам.
Билмадим, утдими
Купи ё ози,
Фақат сездим:
Олтин —
Ҳар нафас, ҳар дам.
Япроқлар, япроқлар
Ушбу фаслда
Қуёшда ялтираб,
Титрар шамолда.
Ҳар барг узиларкан
Бандидан аста,
Кўзлар ўткир бўлур,
Ақл камолда.
Қани Сиз, жўралар,
Синфдош, курсдош,
Баъзингиз пиёда,
Баъзингиз отда,
Қай бирингиз йўлни
Ўтдингиз босиб,
Боқий деб аталган
Ушбу ҳаётда.
Кунлар кечар экан,
Умр ҳам кечар.
Шу зайл ўтади
Давру давронлар.
Тулпор изин босар
Навқирон тойлар,
Карвон утаверар,
Келар карвонлар.
Вақт келур, ҳаёт бу,
Ўтурмиз биз ҳам,



Қолдириб кетурмиз
Ўз боғимизни.
Фақат орзу яшар:
Тинч бўлсин олам,
Авлодлар асрагай
Тупроғимизни.
Куллар япроғида
Умримнинг ёзи.
Билмадим, қолдими
Кўпи ё ози...

1987 йил

КУЗ ШАМОЛИ

Шохлар силкинади,
Япроқлар титрар.
Танни жунжиктирар
Кузнинг шамоли.
Барглар орасидан
Диққатни тортар,
Милт-милт этаётган
Юлдуз жамоли.

Шохлар силкинади,
Япроқлар титрар,
Осмон банд айлайди
Фикру хаёлни.
Юлдузлар жимирлаб
Жунжикиб турар,
Таъсир этгандайин
Кузнинг шамоли!

1989 йил



ЖЎРА АКА ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

1

Оёғи йўқ гарчи тиззадан,
Кучга тўла унинг билаги.
Қаранг, чаққон чиқар зинадан,
Чунки соғлом орзу-тилаги.

Эллик йилки тиззада юрар,
Нолимайди аммо ҳаётдан.
Уй қуради, хирмон шопирар,
Тушгани йўқ ҳалиям отдан.


Юзларида қуёш ўйнайди
Кириб келса дўсту ошналар.
Мўйловини тез-тез бурайди,
Севинчлари тошиб дарёдай.

Бироқ ёлғиз қолганда баъзан
Соя ташлар машъум хотира.
Олис юртлар қўйнидаги жанг,
Бирин-кетин портлаган мина...

Оёғи йўқ унинг ўшандан,
Ўша дамдан шундай юради.
Айрилганди товон, пошнадан,
Қомат кериб, тикка туради.

У тиззада турса-да, қаранг,
Бизу сиздан кам эмас қадди.
Чинордайин қоматни, аттанг,
Қирқмоқ бўлди фашист лаънати.

Ниятига етмади душман
У гурсиллаб, кўринг, юради,
Оёқлари гарчи тиззадан,
Ахир, бутун унинг юраги!




Оёғи йўқ одамни
Баъзан дерлар, «бечора»,
Зарра парво қилмайди,
Бу гапга уста Жўра.

Эллик йилки тиззада
У юради гурсиллаб.
Новвосни бир лаҳзада
Қўя қолар бўғизлаб.

Даврага кўрк бағишлар,
Мутойиба-ҳазили.
Катта-кичикка ёқар
Асалдан ширин тили.

Оёқлари борми, йўқ —
Жўра ака — бепарво.
Бир нарсадан кўнгли тўқ:
Жасорат унга ҳамроҳ!





СУВ ЎҒЛИ

Ирригаторларга

Олов ва сув, тупроқ ва ҳаво —
Билан яшар, яшнар бу ҳаёт.
Бўлмаса гар бири мабодо,
Кун кўролмас оламда жонзот.

Улар исми ҳар хил агарчи:
Моҳиятда фарқ қилмас асло.
Шундан улар борлиқ таянчи —
Олов ва сув, тупроқ ва ҳаво.

Сиз сув ўғли бўлиб чўлларга
Оқиздингиз обиҳаётни.
Сахро тўлди турфа гулларга,
Қушлар сайрар айтиб баётни.

Сингиб кетмиш меҳнат, ақлингиз
Ҳар каналу ҳар иншоотда.
Фахр этсангиз ахир ҳақлисиз,
Бундан ортиқ бахт йўқ ҳаётда!

Мақтанишни аммо сиз билмай,
Фарҳод каби ишларсиз мудом.
Сув жilовин бўшатмай қўлдан
Йўлингизда этурсиз давом.

Изингизда унар майсалар,
Ғўза гуллар изларингизда.
Шоир кўнгли шундан юксалар,
Шеърлар битар сиз ҳақингизда.

1990 йил



МЎМИНА

Жиянларим кўп, шукур, аммо
Суюклиси эдинг, Мўмина.
Орзум шулки, бир куни, тоға,
Китоб ёзсам, дердинг, Мўмина.
Қўлларингдан тушмасди қалам,
Ўз касбингга фидойи бир жон.
Улгурардинг бола боқишга,
Оиланга мунис-меҳрибон.
Ёзар эдинг деҳқон ҳақида,
Меҳнат аҳлин алқардинг тошиб.
Мана бугун ёзганларингни
Ўқияпман фиғоним ошиб.
Қачон борсам, шошиб ишлардинг,
Ором бермас эдинг жонингга.
Эндиликда юмушларингни
Кетмадинг-ку олиб ёнингга.
Ахир, қандай чидай оламан.
Опагинам, бўзлаганига.
Қўзда ёшу кулган бўламан,
Ўғилчангнинг сўзлаганига...
Эрта кетдинг, биз билан бирга
Орзуларинг, армонинг қолди.
Сен ишлаган, яшаган элда
Яхши деган унвонинг қолди.
Гарчи бугун қомати эгик,
Барҳаётсан онанг меҳрида,
Сен дўстларинг қалбида тирик,
Сен яшайсан ёзган шеърингда.
Қисқа экан ҳаётинг йўли,
Узайтирар қиз, ўғлинг энди.
Сен яшадинг югуриб, елиб,
Эҳ, ўлимга шошмасанг эди...

1982 йил



• • •

*Кирланиб битдим ўзим,
Дунёни поклай олмадим.
Абдулла Тўқай.*

Бу дунё азалдан пок бўлган ўзи,
Бегона аталган макро хиёнат.
Соф бўлган дарёлар, булоқлар кўзи,
Табиатда ҳукм сурган диёнат.

Инсон пайдо бўлиб ушбу оламда
Кўпайтирди кирни, губорни беҳад.
Энди поклайман деб ташвишда, ғамда,
Бу ҳайрон ўғлига ҳайрон табиат!

1988 йил





ДАРАХТ

Нетай,
Ҳозир шоҳу оғочман,
Қишда иссиқ эмасман кўзга.
Яшил тўним йўқ,
Яланғочман,
Ёздагидан ҳуснимдир ўзга.

Майли, боққил менга, эй инсон,
Яйрамаса ҳозирча баҳринг.
Тароватим қалбимда пинҳон,
Яшилланиб туради бағрим.

Ахир,
Бағрим тўла жавоҳир,
Турмоқдаман уни авайлаб.
Авайлайман совуқдан ҳозир,
Ёзда кўз-кўз қиларман яйраб.

Изғиринлар етарли менга,
Совуқ қилма назаринг сен ҳам.
Кўз сол,
Пинҳон бағримда, мана,
Куртакларим,
Баргларим,
Мевам!

1980 йил



ОШКОРАЛИК

Ошкоралик бўлди шиор,
Бугун ошкор замона.
Ҳамма сўйлар очиқ-ошкор,
Энди гап йўқ пинҳона.

Ер остида атомнинг ҳам
Садосини биламиз.
Ўтган барча подшоларнинг
Хатосини биламиз.


Ошкор сўйлаб-сўйлаб роса,
Қайраб олдик тилларни.
Лекин энди бир ҳадик, ғам
Эзаётир дилларни.

Ошкор сўйлаб орамиздан
Қувмадикми ибони?
Андишадан кўра осон
Топмоқ бугун Анқони.

Ҳар ким рост дер ўз сўзини,
Ўзича ҳақ ҳар одам.
Ҳар ким ўйлар ўз-ўзини,
Фойда кўзлар гўдак ҳам.

Шунданмикан, сафимизда
Интизом кам,
Йўқ тартиб.
Эски дўстлар тош отишар,
Бир-бирига қаратиб.

Тирикларни қўйинг, майли,
Ўликни ҳам топтаймиз.
Қанду қаймоқ, гўшт ўрнига
Минбардан гап сотгаймиз.



Келинг, дўстлар, авайлайлик,
Ҳар каломни мисли нон,
Ошкор сўйлаб, диёнатдан
Айрилмайлик ҳеч қачон.

Ошкоралик — эзгу шиор,
Бугун ошкор замона.
Мен сўйладим шундан ошкор,
Энди гап йўқ пинҳона.

1988 йил

ЮРТ МЕҲРИ

*Меҳнат қаҳрамони
Теша Салимов хотирасига*

Юртнинг хизматида фидо этиб жон
Бугун ер остини этгансиз макон.
Бу олам бор экан, юртдошларингиз
Сизни унутмайди,
Сизни ҳеч қачон!

Гарчи сафда йўқсиз, билингки, ҳамон
Қалбларни иситар ўчмас кўрингиз.
Сиз келтирган нурдан уйлар чарагон,
То абад зиёга тўлсин гўрингиз!

1987 йил



ИЗФИРИН

Қиш — қаҳратон миниб отига
Қаҳр билан босади қамчин.
От чопарқан, туёқларидан
Сочилади қора изғирин.

Етиб келмас заминга тафти —
Қуёш порлар олис самода.
Кўкда ҳатто етган қиш дасти —
Булут қотиб қолган ҳавода.

Лекин қишнинг оти ҳуркади
Булут бир-бир тарқагани пайт.
Офтоб мўл-кўл нурин сочади
Музлар эриб битади, албат.

1989 йил

* * *

Кенг саҳрога қор тушди,
Яйлов безанди — оппоқ,
Чўл яна ҳам кенгайди:
Бир текис оқ — ҳамма ёқ.

Гўёки ер кўк билан
Туташиб кетмиш шу он.
Чиқса бўлар бу лаҳза
Осмонга ҳам бенарвон.

2001 йил



БАҲОР ВА У

Тўймурод оғамга

У кўзини юмди оламдан
Эрта-индин деганда наврўз.
Баҳор кезар эди далада,
Куртакчалар очар эди кўз.

Унга аза очилган кунлар
Дов-дарахтлар гуллади оппоқ.
Унинг жони эди шу гуллар,
Севган машқи боғ-роғ яратмоқ.

Сиймосини кўраман энди
Тикилганда гулга ҳар наҳор.
Демак, суйиб, ардоқлаб уни
Ўз бағрита олибди баҳор.

1993 йил





ОЙТУҒДИ*

Ой туғди-ю, Ой туғди.
Бой хотини, ҳой, туғди...

Ойтуғди, бир гўзал гўша,
Обод, кўркам қишлоқдир.
Кунботари чўлга туташ,
Бағри боғу чорбоғдир.
Соҳибқору пахтакори
Машҳур бўлган қадимдан.
Чевар бўлиб аёллари
Гуллар тикмиш қатимдан.
Турли ҳунар соҳиблари
Бу маконда яшаган,
Темирчию ёғочсозлар
Ҳар хил буюм ясаган.
Савдогари бориб келган
Бағдод, Юнон, Халафга.**
Пулдор бойлар номи машҳур
Бўлган ҳамма тарафда.
Дерлар, бунда бир бой ўтган —
Жуда оқил ва доно.
Ҳотамтойдай сахий бўлган,
Қадди-қомати расо.
Ойгул отли аёл экан
Унинг жуфти ҳалоли,
Ойдан, ҳатто, кундан гўзал
Бўлган ҳусну жамоли.
Эру хотин иноқ, Кўплар
Улар ҳавасин еркан.
Бой ёрини суюб, алқаб,
«Ойгул» демай «Ой» деркан.
Қишлоқ аҳли ҳурмат ила
Бойни деркан «жаноб бой»

* Жондор туманидаги қишлоқ номи.

** Аслида *Халаб* — Суриядаги бир шаҳар; Алеппо.



Бойдан кўриб, у аёлни
Аташаркан ҳамма «Ой».
Улар турмуш қурганига
Бўлса ҳамки ўн йилча,
Туғилмабди хонадонда
На бир қиз, на ўғилча.
Шундан бойнинг юрагини
Эзар бир дард гоҳ-гоҳи,
Ойгулнинг ҳам ёлғиз пайти
Кўкка ўрлар ғам-оҳи.
Бир куни денг, бир нуроний
Чол қишлоққа келибди.
Бой уйида меҳмон бўлиб,
Улар ҳолин билибди.
Кўл кўтариб дуога сўнг
Ният айлабди, бешак:
— Оллоҳ сизга фарзанд берсин,
Бира-йўла эгизак!
Нуроний чол дуолари
Бўлиб, қаранг, ижобат,
Келинчакнинг бўйида ҳам
Бола бўлмиш, ниҳоят.
Кунлар ўтиб, ойлари ўтиб,
Кўзи ёрибди Ойнинг.
Қувончига бу кенг жаҳон
Торлик қилибди бойнинг.
Бири ўғил, ойдан гўзал,
Кундан гўзал — қизалоқ,
Уйғонибди эрта тонгдан
Ушбу хабардан қишлоқ:
— Ой туғди-ю, Ой туғди,
Бой хотини, ҳой, туғди.
Бир қиз қуёшдан гўзал,
Бир ўғилки — ой туғди.

Ўша дамдан ушбу қишлоқ
Шундай номни олибди.
Бой хотини туққан кундан
«Ойтуғди» бўб қолибди.
Бу воқеа бўлганми ё
Бўлмаганми, билмайман,



Бу гапларга ишонинг деб
Сира мажбур қилмайман.
Аммо, лекин бу сўзларни
Деманг фақат афсона,
Афсонадан бу қишлоқда
Бордир кўплаб нишона.
Олдин яшаб ўтган бўлса
Бунда бойнинг ажлоди,
Ҳозир қанча қиз-ўғиллар —
Ўша бойнинг авлоди.
Бугун кўпдир Ойтуғдида
Ойдин, Ойгул, Ойқизлар,
Улар ҳусни, чиройидан
Бўлар тун ҳам кундузлар.
Темирга жон солиб бунда
Ишлар моҳир усталар.
Пахтакори меҳнатидан
Оппоқ тоғлар юксалар.
Чеварларнинг довруқ-донғи
Бу кунда ҳам баланддир,
Ҳусайнию шивирғони,
Анжирлари бол-қанддир.
Йўл бўйида йўловчига
Соя берар толлари,
Дуо учун қўл кўтарар
Доим кекса чоллари.
Ҳар томонга, хуллас, довруқ
Таратмишдир Ойтуғди,
Ушбу шеърни юрагимда
Яратмишдир Ойтуғди.

1996 йил, август



ҲАМРО ТЕМУР ВАФОТИ КУНИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Инсон қайтиш қилди, сўнгги манзилга
Ҳурмат бажо айлаб қузатмоқдалар.
Тўпланиб жамоа яқин-олисдан
Уни турбатига узатмоқдалар.

Одамлар тўлқини чайқалар шундан,
Тириклик ташвиши бўлгандай унут.
Тобут ўтиб борар елкама-елка,
Сузаётган каби бир оппоқ булут.

Одамлар бошида қўнган оқ қушлар
Қанотин қоқмоқда парвозга шайлаб.
Бу қушлар — дўппининг гули аслида,
Бу гуллар қушларга кетаркан ўхшаб.

Қушлардан юксакда бир оппоқ укпар,
Қаранг, сузиб борар осмонда секин.
Оппоқ булут ичра ётибди одам,
Руҳият парвози шу эмасмикин?

Аслида инсон-ку ернинг фарзанди,
Суюк дилбанд эрур ўз осмонига.
Шу вайдан тупроққа қоришса жисми,
Само маскан бўлур руҳи, жонига.

Бу одам ерда ҳам юксакда юрди,
Унга ҳамроҳ эди ҳамиша иймон.
Элим деб, юргим деб елди, югурди,
Жаннат бўлгай, ёраб, у ётган макон!

Инсон қайтиш қилди...

1995 йил, 13 сентябр



ҚОР

Осмон юлдузлари
Капалакка айланиб,
Ғуж-ғуж ўйнаб,
Ерни қучаётир секин.
Оппоқ парларини
Енгил тўзғитиб,
Чексиз самода
Учаётир замин.

1996 йил

НОН ИСИ

Тандирдан
Анқиркан иссиқ нон ҳиди,
Унинг ҳавосидан оламан нафас.
Нимадир руҳимни қилади тетик,
Нимадир қалбимни айлайди сармаст.
Бу ҳиддан туяман
Она ер таъмин,
Юракдан отилар бир нидо шу он:
— Коинот кезсанг-у, ойда бўлсанг ҳам,
Бундай ҳиссиётни
Топмайсан, инсон!

1987 йил



ҚИШДА ГУЛЛАГАН БОДОМГА

Иссиқ келди бу йил зимистон,
Изғиринлар елмади хуvlaб.
Ҳамма қолди бу ҳолга ҳайрон —
Қишда бодом қолибди гуллаб.

Эҳ, бодомжон, не қилдинг ўзинг,
Узун ҳали қишнинг этаги,
Сеҳрлади, олдими кўзинг
Жозибали баҳор эртаги?

Изғиринлар олдинда ҳали,
Ҳали олдда бўронлар бордир.
Баъзан ҳатто баҳор маҳали
Кўкдан тушар оқ гуллар — қордир.

Мақтовларга учмагил эди,
Гарчи ҳозир ноёб гулларинг.
Гулларингни авайла энди,
Эҳ, бодомжон, эрта гулладинг.

1987 иш



ҲАМШИРА

О, ҳамширам — эмаклошим,
Мен беморман, сен сирдошим.
Менга сендай яқин эмас
Ҳатто яқин қариндошим.

Қил устида бор ҳаётим,
Сен — умидим, сен — нажотим,
Соғаярман, иншоолло,
Ўзинг суянч, қул-қанотим.

Куч бағишлар ҳар бир сўзинг,
Нур беради ўтли кузинг.
Кундан-кунга берар қувват
Дори-дармон, нону тузинг.

Мен ухларман, сен-чи — бедор,
Бошим узра сергак, ҳушёр.
Бир озгина дам олсанг-чи,
Мен деб мунча чекма озор.

Энди соғман, ҳолим беҳтар,
Олис кетди хавфу хатар.
Беҳад шукур Оллоҳимга!
Раҳмат сенга олам қадар!

1998 йил, октябр



ДИЛИМДАГИ ГУЛУ ЛОЛАЛАР

Профессор Дилбар Маҳмудова сўзи

Шу гудаклар — маним жаҳоним,
Жоним маним — ушбу болалар.
Шулар — заҳмат, роҳат, оромим,
Дилимдаги гулу лолалар.

Юлдуз каби чарақлаб, кулиб
Улар ўссин она ёнида.
Она эса ой каби тўлиб
Юлдузига бўлсин парвона.

Шунда бўлур турмуш фаровон,
Хур ўлкамиз яна ҳам обод.
Шунда бўлур қалбим чароғон,
Кўнглим қуши учади озод.

1999 йил





ЖОНДОР ҲАКИДА ҚЎШИҚ

Она юрт бағрида гуллаган диёр,
Ҳамиша қўйнингда яшнаган баҳор.
Сен — шону шарафу фахру ифтихор,
Эй, гўзал масканим — жонажон Жондор.

Ҳар қишлоқ, кентларинг азиз, қутлуғ жой,
Ҳар қарич тупроғинг ноз-неъматга бой,
Ҳар бир ўғил-қизинг эрур қуёш, ой,
Эй, гулу савсанам — жонажон Жондор.

Бағрингда улғайган мард Торобийлар,
Енгилмиш улардан ёвуз ёғийлар,
Мардларинг барҳаёт ўтса минг йиллар,
Эй, учқур саманим — жонажон Жондор.

Сенга кўрк бағишлар қадим Варахша,
Шаҳрислом яшайди асрлар оша,
Ойтуғди — навқирон, сулув ҳамиша,
Эй, аҳил-яктаним — жонажон Жондор.

Истиклол сенга ҳам бахш этди чирой,
Хўб зебо бўляпсан кун-кун, ойма-ой,
Самонгда чарх урсин ҳамиша Ҳумой,
Эй, менинг ватаним — жонажон Жондор.

ЖУРНАЛИСТ

Сиз кўрасиз уни йўлда,
Хоҳ қишда, хоҳ ёз оyi.
Фақат қалам, қоғоз қўлда,
Ёлғиз Оллоҳ паноҳи.

У бўлмаган туман йўқдир,
У кезмаган саҳролар.
У кўрмаган чаман йўқдир,
У кечмаган дарёлар.

Оддий ишчи ғамин дилдан
Туйиб қадам ташлайди.
Гоҳ чўпону деҳқон бўлиб,
Дала-даштда яшайди.

Ноҳақликдан баъзан сўйлаб,
Асаблари бузилар,
Ўзгаларнинг дардин ўйлаб,
Ўзи дарддан эзилар.

У тушар тик жарларгаю
Чиқар юксак чўққига,
Дуч келади мардларгаю
Номардларнинг ўқига.

Барча алам, қувончлари
Қаламидан оқади.
Жисми кетса, ўзи кулиб
Сатрлардан боқади.

1995 йил, март



ШИФОКОР

Нарзулла Давроновга

Дейдиларки, шифокор кўзи
Қотган кўриб-кўриб ўлимни.
Ёлғон, инсон жон узар чоғи
У ҳам кўрар не-не кўримни.

Ўзин санаб чинакам посбон,
Ажал билан олишади у.
Чиқмасин деб ушбу тандан жон,
Ўз жонини бўлишади у.

Хаста қалбга бермоқни истар
Кафтга олиб ўз юрагини,
Тиним билмай бирдай ишлатар
Ақлу мия, қўл, билагини.

Реза-реза терга ботар юз,
Унутади тамом ўзини,
Бор вужуди — бўлиб фақат кўз,
Беморидан узмас кўзини.

Мана, бемор нафас олди соз,
Юрак равон ура бошлади.
Беҳолгина чиқаргач овоз,
Доктор кулиб, манглай қашлади.

Кулмасинми, бу лаҳза, айтинг,
Сақлаб қолди азиз инсонни.
Шодлигига улашди шодлик —
Бемор сабаб, қанчалаб жонни...

Шундай яшар, ишлар шифокор,
Осон эмас, билинг, унга ҳам.
Қайтса ажал чоҳидан бемор,
Унинг учун ўша кун — байрам!

1999 йил



ЗАРУ ЗЕВАР БУХОРО

Сен — Шарқнинг гавҳари, сен Шарқ тумори,
Бағрингда кезганнинг чиқар хумори,
Сен — халқим гурури, юрт ифтихори,
О, гўзал Бухоро, гўзал Бухоро!

Кўзларни олар не нафис иморат,
Гамбазу тоқларинг жозиб бағоят.
Бундалур заргару зардўзлик — санъат,
Сен зару зеварим, зарҳал Бухоро.

Тупроғинг табаррук, муқаддас, қутлуғ,
Кўйингда улғаймиш пирлар хўб улуғ.
Осмонинг шу важдан нурафшон, ёруғ,
Сен шамсу анварим, зарҳал Бухоро.

Довруғинг таралган бутун дунёга,
Сен — бешик бўлгансан буюк Синога.
Маконсан мақому савту навога,
Кўшиқ, куй, дostonим, газал Бухоро.

Истиклол туфайли ҳуру озодсан,
Яна ҳам зебосан, сулув, ободсан.
Қадинг минорадай баланд, шамшодсан,
Яшагин, яшнагин, юксал, Бухоро!

2001 йил



ФИЖДУВОНЛИК

Бугун қалам олсам қўлга,
Илҳом келди жўшиб дилга,
Уни берди бу кўнгилга
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Иш-юмушда моҳир, чаққон,
Дала-даштда уста деҳқон,
Кенг саҳрода марду майдон —
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Тоғ-тоғ бўлур ҳар йил пахта,
Пиллакори турар аҳда,
Дондан хирмон уяр катта —
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Жонга ҳузур, танга шифо —
Қанду қурсу ширин ҳалво.
Барчасига уста, зукко —
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Кулолсозлик — қадим ҳунар,
Чинни каби жилоланар,
Сопол буюм ясаса гар —
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Қаранг, ушбу нони ширмой —
Қуёшмикан ва ёки ой.
Буни ёпган машҳур нонвой —
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Ҳофизлари олий мақом,
Юксалган бунда «Шашмақом»,
Санъатни эъзозлар мудом —
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Меҳнат азал шарафдир, шон,
Кўплар олган олий унвон.
Достон бўлган Зайнаб, Омон —
Фиждувонлик, фиждувонлик.



Номдор олим, шоирлари,
Ўз касбининг моҳирлари.
Носирлари, ноширлари —
Ғиждувонлик, ғиждувонлик.

Кундан-кунга яшнар бу юрт,
Бу юртда бор барака, қут,
Нияти соф, юраги бут —
Ғиждувонлик, ғиждувонлик.

Бунда ўтган кўп уламо,
Дин исломга бериб оро —
Абдулҳолиқ — пиру доно —
Ғиждувонлик, ғиждувонлик.

Хуллас, қадам қўйган сари,
Яшнар киши дилу баҳри,
Ғулумнинг ҳам ғурур, фаҳри —
Ғиждувонлик, ғиждувонлик.

Ғиждувон, 2005 йил

★ ★ ★

Ишим Эркинга

Дунё иши экан тескари, ажаб,
Мендан кейин келдинг.
Ва кетдинг эрта,
Оллоҳ инъом этган умрни яшаб,
Бу ёруғ оламни тарк этдинг эрта.

Рўзғоринг қолмади ҳувиллаб аммо,
Фарзандларинг, шукур, ўрнингни олди.
Кўз олдимда эса ҳеч ўчмас сиймонг,
Қулоғимда овозинг қолди...



• • •

Шеър ёзганда
Самоларга учиб мен,
Ҳисларимни юлдуз қилиб
Сочаман.
Баъзан баҳру уммонларнинг
Тубларидан
Жавоҳирлар сирларини очаман.

Шеър ёзганда
Балиқни ҳам тинглайман,
Мен кўраман
Уфқлардан нарини.
Ер шарини
Қарич-қарич бўйлайман.
Сезиб унинг
Олов тафтли бағрини.

Шеър ёзганда
Мени қуршар ажиб ҳол.
Олис, оғир йўлга кириб,
Қайтолмам,
Ўламан-у тириламан завқдан лол,
Шеър ёзганда...
Йўқ, барисин айтолмам...

2003 йил



• • •

Марям Турдиева хотирасига

Шу ойдин оламда сен ҳам туғилдинг,
Сени ҳам қутлади илк бора қуёш.
Йўрғагингда йиғлаб, завқланиб кулдинг,
Йўлинг эди асли чароғон, нурпош.

Илк марта мактабга қўйиб қадаминг,
Ушбу жаҳон ичра кўрдинг бир жаҳон.
Юритиб оқ қоғоз узра қаламинг,
Мисраларга тўқдинг ҳису ҳаяжон.

Қаҳқашонга элтар ижод сўқмоғи,
Шу йўлдан уриниб юрдинг юксакка.
Гоҳ уқпар учради, гоҳо ғам тоғи,
Буларнинг бариси юқдир юракка.

Баъзан соя солди сенга зулумот,
Йўлинг эди асли, нурафшон, нурли.
Нолишни ҳеч сендан кўрмади ҳаёт,
Умид-ла ўтказдинг қисқа умрни.

Қийналиб бўлса-да, дардли юрагинг
Ойдин йўлларингдан юрди-ку олиб.
Сен-ла яшар бирга тирик шеърларинг,
Шу боис ўлимдан сен келдинг ғолиб!



ҚИШ КЕЧАСИ

Бунча тиниқ оинаси бу кеч осмоннинг,
Олис-олис юлдузлар ҳам турибди бўртиб.
Қаққашонда из қолдирмай, тўкмай сомонни,
Карвондаги туялар ҳам кетибди йўртиб.

Юлдузларнинг шуъласини ерда қор ютиб,
Кўзни олиб ялтирайди бу қадар шаффоф.
Еру кўкка боқаркансан, ўпканг ҳам тўйиб,
Ҳаво олар — муздай тоза, мармар каби соф.

Қорнинг майин заррасида порлар юлдузлар.
Қадам қўйсанг овоз берар ғижир-ғижирлаб.
Юрагингда уйғонади муз қотган ҳислар,
Олам гўзал кўринади жимир-жимирлаб.

Яна кезмоқ хоҳлайсан-у, юзу қулоғинг
Совуқ чимчиб, уйга кир деб сени қистайди.
Кўз олдингда келар энди ўтли ўчоғинг,
Бор вужудинг ҳароратни шу тоб истайди.

Иссиқ уйда қайноқ-қайноқ чойдан сен ҳўплаб,
Ташқарига тикилишни истайсан такрор.
Кўрасан-у ойнакларда гул шаклин қўплаб,
Хаёлингни торта бошлар шу лаҳза баҳор...

1996 йил, январ



БИРОЗ ҲАЗИЛ

МАЖЛИСБОЗНИНГ ФАЛСАФАСИ

Юқоридан, айтинг, ҳар кун
Жигаримни қилсалар хун,
Фигон ортиб, ошса қаҳрим,
Мен кимларга сочай заҳрим?
Шу боисдан мажлис керак,
Мажлис қилсам, бўшар юрак.

ИККИ ҲОЛАТ

Бошлиғи олдида ювош қўй мисол,
Лабидан тўкилар шарбату шакар.
Ходими олдида аксинча аҳвол:
Кўзидан ўт чиқар, оғзидан заҳар!

★

Саҳнада завқ билан рақсига боқиб,
Унинг қўлларига тутқазгандим гул,
Бугун-чи, сусайди ундан ихлосим:
Жилпанглаб ўйнарди, чаккасида пул...



ДАНГАСА

Ҳозирча қорним тўйди,
У ёқни ўйламайман.
Ён қўшним қўйни сўйди:
Бу ёқни ўйламайман.

Ҳозир нон тишляпман,
Демак, оёқ эгарда.
Сен қаттиқ ишляпсан,
Менга фойданг тегар-да!

ТАЪМАГИР

Рўзгорим бут, давлатим
Ҳеч кимсадан кам эмас.
Маош катта, болалар
Ҳеч бировдан кам емас.

Ҳамён кенгу феълим тор,
Ўзимга тўлмас кўнглим.
Олмоқ учун мен тайёр,
Бермоққа бормас қўлим!



НОШУД ШОИР

Зўр фикрим йўқ, аммо уни
Бошқалардан оламан.
Ташбиҳ билан қофияни
Ундан-мундан юламан.

Ана-мана шеър тайёр,
Бир тизмаки, аломат.
Ана шундай ижод қилиб
Кўрсатаман каромат.

Сўнгра ўзни соддадиллар
Даврасига ураман.
Шеър ўқийман бор овозда,
Томоғимни қираман.

Кўрибсизки, янграр шовқин,
Унга бўлур эш қарсак.
Шоир учун муҳими шу:
Қарсак керак, бешқарсак!



ДАЛЛОЛ

Бу касб асли қадимий,
Илдизи чуқур ботган.
Қулдорларга қулларни
Бизлар-да мақтаб сотган.

Шартми ишлаб, тўкмоқ тер,
Умрингни қилиб завол.
Энг яхшиси, мен каби
Бўлинг бозорда даллол.

Ҳар ойда тўрт кунгина
Ишлаганим менга бас.
Шукур, топганим етар —
Бўлса не орзу-ҳавас!





БОЗОР ҲАНГОМАСИ

Ҳаёт бир хил кечаркан,
Бир хил бўлса тартиб, иш,
Яшаш қизиқ эмаскан,
Кўплар лоқайд ва хомуш.
Қандай яхши, биз бугун
Янги ҳаёт қуряпмиз.
Бир хил эмас, турфа ранг
Оламга юз буряпмиз.
Шундан қувончлар чексиз,
Ўрин ҳам бор озорга,
Бу бир ҳолдир табиий,
Биз кирапмиз бозорга.
Бунда, шубҳасиз, ҳар ким
Ўз фойдасин кўзлайди,
Молфуруш ўз молини
Мақтаб-мақтаб сўзлайди.
Ҳаридор ҳам, албатта,
Ўйлар арзон олишни,
Тагин сотиб, бир йўла
Бойроқ бўлиб қолишни.
Шундан қизир кундан-кун
Савдо-сотиқ тобора.
Ёшу қари, эр-хотин
Ўзин урмиш бозорга.
Бозор касбни танламас,
Шундан дўконлар қатор.
Шифокор сотса атлас,
Артист — катта дўкондор.
Ёш болалар солиб жар
Сотар қалам-дафтарни,
Товуқ сотса бирови,
Бири сотар каптарни.
Дўконларда топилгай
Ранг-баранг вино, ароқ,
Лекин зўрға учрайди
Арзимас тугма, тароқ.



Хизмат ҳақин ҳар куни
Оширади сартарош,
Бугун ҳамма бизнесмен —
Супурги сотар фаррош.
Ёзувчи ҳам қилмоқда
Энди ҳисоб-китобни,
Очиб кичик корхона,
Чиқармоқчи китобни.
Ким бўлмасин, фикрида
Эрта-кеча бозордир,
Ишхона ҳам бозору
Уй ва кўча бозордир.
Йўл юрсанг ҳам аҳвол шу:
Бозор — қўналға, манзил.
Бу гап аслида рости,
Бирозгина бор ҳазил...






ЕТМАС БОЙЛИК

Бир вақтлар орзу эди унга ўқимоқ,
Шу мақсадда ўқиди у, бўлди билимдон.
Хоҳлар эди гўзал қизга бир кун уйланмоқ,
Ва уйланди — жуфти бўлди суқсурдай жонон.

Энди унга ният бўлди қурмоқлик ҳовли...
Уй ҳам битди, ҳашаматли, берди зеб-зийнат.
Бола-чақа етарли-ю,
Тинчимас кўнгли,
Чиройли бир машина йўқ остида фақат.

Ва ниҳоят, мавжуд бўлди мовий машина,
Асрабгина минишади бўлиб маҳлиё.
Хўш, айтинг-чи, бундан ортиқ не керак яна,
Хотин бўлса, қўрғон бўлса, бўлса мол-дунё?

Етарлидир...
Лекин яна нимадир етмас,
Шунданми, у одамларга боқолмайди тик.
Унга етмас бойлик энди мол-давлат эмас,
Ҳаммасидан қимматлироқ —
Чин одамийлик.



САҲРО
САДОЛАРИ

*Янграб қолса борми
Бирдан дўмбира,
Оҳ, энди руҳингни
Қуршар юлдузлар!*





• • •

О, Қизилқум —
Сарҳадсиз сахро,
Бунчалар сен бепоеън, беҳад.
Сиртинг магар ранг-баранг дунё,
Бағринг тўла сиру синоат.

Бир боқишда қуму адрли —
Шунчаки бир серўт яйловим.
Сен — Ватаннинг ғурури, фаҳри,
Қалбим қури, сўнмас қаловим.

Таърифингга гар ожиз қалам,
Тошаётир дилимдан сўзлар.
О, кел, дўстим,
Бўлгил ҳамқадам,
Чўл кезайлик, қувнасин кўзлар!





ОҚТОВ

Оқтовга чиқдим-у,
Кўзим ўнгида
Кафтимдек ястаниб кўринди сахро.
Шунда аён бўлди:
Оддий чўл эмас,
Қизилқум дегани — ўзга бир дунё.
Жанубда порлайди сирли Мурунгов,
Шимолда
Барханлар чизиғи беҳад.
Қизилқум — океан, океан,
Оқтов —
Айсберг мисоли турар басавлат.
Қай тараф тикилмай,
Кўринар кўзга:
Ям-яшил яйловлар — ҳудудсиз уммон.
Ёйилган ҳар сурув — каттакон кема,
Кеманинг дарғаси —
Довжурак чўпон!



ҚИЗҚУВДИ

Ишора берилди...
Икки чавандоз
Олдинга отилди ўқдай шу лаҳза.
Қизни қуваётган ошиқ Бекниёз,
Олда қочаётган сулув Ойбека.
Осмонда қолдириб
Оқ тутун излар,
Парвоз қилаётган каби самолёт,
Юлдузлар чақнатиб,
Уфқни кўзлаб,
Олдинга учади икки саман от.
Қисқариб бормоқда фарқ ҳам бу фурсат,
Йигит қизни қувиб,
Ниҳоят етди...
Еру кўк қийқириқ,
Гўё ушбу пайт
Самода кемалар туташиб кетди.





• • •

Томди чироқлари —
Тоғдан солсанг кўз,
Заминдан осмонга тутшиб кетган.
Ҳув, олисда кўринган
Чироқми, юлдуз,
Билолмай қоласан боқиб дафъатан.

Бу ерда табиат қилиб сахийлик,
Фалак маржонларин юбормиш тўкиб.
Атрофда қоялар,
Шу боис, қаранг,
Нортуя сингари ётибди чўкиб.

Томдининг тунлари
Фараҳбахш жуда,
Бунча завқ туймайсан ҳатто кундузлар.
Янграб қолса борми
Бирдан дўмбира,
Оҳ, энди руҳингни қуршар юлдузлар!





ТИЛЛА ҚЎЗИ

Манов чўққи устидан
Пастликка қара.
Сурув-сурув кезмоқда,
Эҳ, олтин барра.

Ялтирайди қуёшда
Олиб кўз нурин,
Бу Томдининг мақтовли
Ўша зўр сури.

Сен боқасан уларга
Бўлиб ҳангу манг.
Дейсан, қўзилар туси
Нега тилла ранг?

Билсанг, Қизилқум бағри
Олтиндир ўзи.
Шу тупроқда бўй чўзар
Явшан, қушқўзи*.

Ушбу гиёҳдан ўтлар
Қўю барралар.
Шундан уларга ўтар
Тилла зарралар.

* *Қушқўзи* – ўзбек тилида илмий истеъмолга киритилмаган бутасимон ўсимлик номи, Alexandre Robins.



ЧЎЛДА ЮРИБ...

Чўлда юриб, туман ичра нени кўрдим,
Ҳар қадамда Лайли кўрдим, Мажнун кўрдим.

Лайли қизлар сочларини ўриб майда,
Юзларига ёпинмишлар ҳарир парда.

Шундан кўзга ташланмайди кўз-қошлари,
Ялтирайди қиров босган уст-бошлари.

Кулоч ёйган мажнунлари лолу ҳайрон,
Бирида тўн, бири эса ёқавайрон.

Қадларини гоҳо эгиб, тик тутиб гоҳ,
Термулишар бир-бирига оҳ уриб, оҳ.

Писанд эмас улар учун қор, довуллар,
Бу лайлилар, бу мажнунлар — саксовуллар!



• • •

Сахро бундай кенгликни,
Дейман, қаердан олган?
Тоғлар бундай сеҳрни
Бағрига қайдан солган?

Сирти яйдоқ, қуруқ чўл
Кўринса ҳам Қизилқум —
Бағри жавоҳир тўла —
Очилмаган улкан хум.

Бўлмас эди сахро кенг,
Тоғлар бунчалар дилбар —
Яшамаса бу ерда
Сахий, танти одамлар.

МАЙСА

Қор остидан нозик майса
Боқади маъсум.
Кўк юзидан олиб бўса,
Қилар табассум:
— Қуёш дедим, бош кўтардим
Қирнинг бағридан.
Қуёш дедим, ғолиб келдим
Қишнинг захридан.



ҲАЙДОВЧИ ҚАЙПНАЗАР СЎЗИ

Чўлда йўллар баланд-паст,
Бариси менга аён.
Меҳмон оға, қани, айт,
Рулни бураин қаён?

Бу кўринган Кўкчатов,
Манов томон Қинғирчўл,
Ўнг томонда бор ўтов,
Сўл томонда Бойшиққўл.

Кел, кирайлик бу уйга,
Кўноқ бўлиб бир муддат.
Айтувди кеча тўйга,
Ичиб кетайлик шубат.*

Сўнг ошамиз йўл яна
Шу бепоён чўл бўйлаб.
Меҳмон куйла бир нима,
Мен ҳам бераман куйлаб:

Энди олис манзиллар
Бир нафаслик йўл бизга.
Кенглик истар кўнгиллар,
Чўлда яшаш қўл бизга.

* Шубат – кимрон.



МУРУНТОВ ТОҒЛАРИ

Мурунтовда бўлганим чоқлар
Фикрим тортар битта муаммо:
Нега бунда баландмас тоғлар,
Булут сузмас қоялар аро.
Ёз маҳали
Қишдаги каби
Чўққилар оқ салла ўрамас,
Қоялар ҳам
Туялардаги
Ўрқачлардай фақат баланд-паст.

Ҳосилини
Кўтара олмай
Эгилгандай сермева дарахт,
Балки, йиллар ўтгани сайин
Пасайгандир тоғларда қомат.

Шундан,
Тоғлар тизилган,
Кўринг:
Пасту баланд —
Мисоли зина.
Кўкка қандай бўй чўзсин, ахир,
Бағри бўлса
Тўла хазина!



ҚОР ТУШГАНДА

Қиш боши қор тушди бу йил яйловга,
Қир-адир бир текис чойшабда — оппоқ,
Қизилқум чўллари
Чексиз аслида,
Қор билан кўринар яна беадоқ,
Замин оқ,
Кўкдаги булутлар ҳам оқ,
Оқтов ҳам кийибди оппоқ чакмонни.
У ҳозир Оқтовмас,
Бўлиб Балиман*,
Бошида кўтариб турар осмонни.
Ва сўйлар:
Қиш боши қор тушди, майли,
Ишингиз кўпайди, фарзандлар, бироқ,
Кўклам соз келади шу қор туфайли,
Қор — майса,
Қор — кўкат,
Қор — гўшт, сут, қаймоқ!

* *Балиман* — машҳур чорвадор Жабай Балимановга ва клокк эпоси қаҳрамонларидан Балиман ботирга муштарак ишора.



ЗАРАФШОН

Чўлу саҳро кезиб бу сафар,
Мен ўнгимда кўрдим афсона.
Чўл бағрида нурли бир шаҳар,
Зиё сочиб турар ҳар ёна.

Саҳро ҳадсиз, мисли бир денгиз,
Денгиз узра кўтариб ялов
Товланади шаҳри Зарафшон,
Кучоғида олтин ва олов!

Не истасанг, унда муяссар,
Сирли эрур ҳар зарра тупроқ.
Кўкни ўпиб, дарахтлар ўсар,
Одамлари кушфёъл ва қувноқ.

Зарафшон бу —
Афсона шаҳар,
Жамолига қонмас кўзларим
Рост бўлганда Кўҳиқоф агар,
Тенг келмасди унга, дўстларим.



ЧЎПОН ВА ШЕЪР

Мен чўпонман, оддий бир чўпон,
Балки бу сўз қовушмас шеърга,
Меникидир сахро ва осмон,
Эт, суягим қотган шу қирда.
Баъзилар дер, таёқдан ўзга
Чўпон шеърни қаёқдан билсин.
Шу боисдан нўноқ у сўзга,
Шоирликни бошқалар қилсин.
Тўғри, тўқий олмасам-да шеър,
Лекин жондан севаман уни.
Қалбим фақат шеър ўқигин дер,
Билсангиз, мен уни мафтунни.
Баҳор чоғи қирда майсалар
Кўкарганда шеър ўқийман.
Шунда кўнглим тоғдай юксалар,
Булутларда кўраман чаман.
Ўйнашганда қувлаб бир-бирин
Қир-адирда қоракўл кўзим,
Юрагимда ғазал тизилар,
Шеър бўлади ҳар айтган сўзим.
Ёз ойлари ой тўлган тунда
Уфқ томон ҳайдасам сурув,
Оҳ, билсангиз, худди шу дамда
Юрагимга шеър солар ғулув.
Шундай, дўстлар, мен оддий чўпон,
Кеча-кундуз измимда пода.
Лекин шеърни севаман чунон,
Шеърсиз яшай олмам дунёда.



ГАЗЛИ

Йўллар асфальт,
Йўлкалар асфальт,
Кенгликларда яйраб кезаман.
Ер тубида қудратли газнинг
Оқишини аниқ сезаман.
Термуламан,
Тўрт томон уфқ,
Уфқ узра фақат вишкалар.
Асов газга бермай эрк-ҳуқуқ,
Геологлар бунда ишлашар.
Бунда гуё ҳар нарса юксак,
Газ кўтариб ерни тургандай,
Шундан, баъзан чангмас,
Булутни —
Оёқларим босиб юргандай.





ОҲУЖОН

Қушиқ

Мунча чиройли ўзинг,
Оҳужон.
Қоп-қора, шахло кўзинг,
Оҳужон.

Яқин борсам, ҳуркасан,
Оҳужон.
Сен нимадан қурқасан,
Оҳужон.

Бу ерларда сайёд йўқ,
Йўқ хатар.
Биз ҳолингдан доимо
Бохабар.

Тўданг билан сен яйраб
Ўтлайвер.
Қиру адирда сакраб,
Ўйнайвер.

Чаққонликда тенгинг йўқ,
Дунёда.
Чопсанг, шохинг сузади
Ҳавода.

Мунча чиройли ўзинг,
Оҳужон.
Сахро сулуви ўзинг —
Оҳужон.



БОВУРИМ*

*Бир томирмиз, бир чорвамиз,
Бир қозонмиз, бир олов...
Ғафур Фулом.*

Рухсат берсанг, мезбоним, мен ҳам сени қутлайин,
Ушбу тўйда дўстликдан бир-икки сўз сўйлайин,
Дугорми, танбур чертиб, баланд авжда куйлайин,
Қадрдоним, қардошим, бовурим-ей, бовурим.

Минг йилларга бермас бар, дўстлигимиз қадим-ей,
Қадим тарих йўлида бирга отдик одим-ей,
Навоий ҳам, Абай ҳам бирдек буюк, азим-ей,
Ўландошим, ундошим, бовурим-ей, бовурим.

Кенг яйловда ҳамиша бирга пода боқамиз,
Эгиз олсак, қувонч-ла бир-бирова боқамиз,
Меҳнатимиз завқидан дарё бўлиб оқамиз,
Енбекдош, елкадошим, бовурим-ей, бовурим.

Замон ҳар хил кечса ҳам, барисига чидадик,
Шодлигу аламларга эгилмай, тик қарадик,
Ҳурлик олиб ушбу кун, жону дилдан яйрадик,
Қувончдош, қайғудошим, бовурим-ей, бовурим.

Бугун тўйдир,
Шу важдан майдон тўла от, тойга,
Бир томонда олишув, бир ёнда улоқ, пойга,
Айтишмоқда оқинлар овози етиб Ойга,
Куй-қўшиқда тенг-тўшим, бовурим-ей, бовурим.

Шундан бугун барчанинг завқи баланд, кўнгли чоғ,
Мамнун боқиб атрофга, жилмаяди Қулжуктоғ.
Дейман:
Бўлсин ҳамиша молинг, жонинг омон-соғ,
Қондошиму жондошим, бовурим-ей, бовурим!

* Жонгелди овулидаги тўйда ўқилган шеър.



ЖАБАЙ*

Достон-монолог

Кўп ўйлайсан, шоирим, мени,
Ёзмоқ бўлиб ҳақимда достон.
Айтмоқ бўлиб дил дардларимни,
Дардки,
Мени қийнайди ёмон...
О, ўша кун Оқтовда кезиб,
Қолганингда ҳайрат ичра лол,
Тош сиймомни кўрдинг-у келиб,
Банд айлади сени шу хаёл.
Ўша кун сездим.
Ҳолингдан,
Илҳом чулғаб олмишди ғоят.
Сухбат айлаб мен-ла хаёлан,
Ҳаётимга қилдинг саёҳат.
Давом этди узоқ бу сухбат,
Гурунг бўлди ошкора, дилдан.
Қолган гапни билдинг сен фақат,
Учрашганда Жахсилик билан.
Инсон!
Бу сўз баланд жаранглар,
Табиатни гултожи — одам!
Лекин буни қандай изоҳлай —
Баъзан яхши одамдан тош ҳам.
Олгин мана ушбу Оқтовни,
Минг йилдирки, тўкади савлат.
У кўргандир қанча авлодни,
Ҳамон мағрур ундаги қомат.


* Бу достон томдлик машҳур чўпон, икки марта Меҳнат қаҳрамони Жабай Балиманов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган. Асар кискартирилган ҳолда бо-силди.



Инсон эса етмиш-саксон йил
Яшаб, бир кун утар оламдан.
Хайриятки,
Бўлиб дилбанди —
Фарзанд қолар экан одамдан!
Мен розиман Жахсиликдан хўп.
Ота изин босди зурёдим.
Меҳнатсевар!
Ҳурмати ҳам кўп,
Давом этар унда ҳаётим!
Шуни ўйлаб топаман таскин
Ва қалбимда ортади ғурур.
Шундан балки ҳайкалим бугун
Оқтов билан беллашур мағрур!
Ҳайкал — ҳурмат марҳумга,
Аммо
Тирикликка нима ҳам етсин.
Бир кунни пода боққан кунимга
Минг ҳайкал ҳам тасаддуқ кетсин!
Жоним эди чўпон таёғим,
Болаликдан у менга йўлдош.
Уни ушлаб бахт-иқбол топдим
Уни ушлаб ошдим тоғу тош...



Бунда туриб ўзимча танҳо,
Ҳар тўғрида сураман хаёл.
Тош сиймомдан топиб саҳв-хато,
Юрагимдан отилар савол.
Ҳайкалтарош!
Розиман, майли,
Қайта умр берганинг учун.
Қани чўпон таёғим, қани,
Мен унингсиз эмасман бутун.
У эди-ку умрим шериги,
Ҳаётимга вафодор йўлдош.
Унинг билан ўлик, тиригим,
Севгида ҳам бир пайтлар...
Сирдош.
Муҳаббат!



Бу — умр зийнати,
Ҳар кимга ҳам этмайди насиб.
У очади кўнгил қатини,
У — дилга куч бергувчи табиб!
Ўша кунлар чиқарми ёддан,
Унутмайман у онларимни.
Ҳатто ҳозир куйлайман ёддан
Ўзим айтган ўланларимни.

БОЗОРГУЛ

Кўй боқардим Бессапонда, ёш эдим,
Тақдир ўқи тешолмаган тош эдим.
Ҳеч кимсам йўқ, ёлғизгина бош эдим,
Бирдан менга боқиб қолдинг, Бозоргул.

Сени кўриб ёнди юрак, во ажаб,
Чинга чиқди туш ё эртақ, во ажаб,
Куч-қудратга тўлди билак, во ажаб,
Шундан менга ёқиб қолдинг, Бозоргул.

Ўйловларим энди ширин-асалдир,
Дунё деган менга тотли, гўзалдир,
Мен ҳам шоир! Тўқиганим ғазалдир,
Юрагимга сурур солдинг, Бозоргул.

Мен ёлғизмас, қаторимда нордайсан,
Сурув сурсам, ёнгинамда бордайсан,
Ёним нима, жонгинамда бордайсан,
Ишқ қудратин била олдим, Бозоргул.

Сўзим ерда қолдирмадинг, хайрият,
Бундан ортиқ керак эмас мол-давлат,
Ким топибди бу дунёда шундай бахт,
Мени бахтли қила олдинг, Бозоргул.



СОФИНИШ

Чўл оралаб келаман,
Чўл оралаб.
Ёрим кутар ўтовда
Қош қоралаб.
Қошингу, кўзингни
Мен садқаси,
Айтар ширин сўзингни,
Мен садқаси.
Уч кун кетдим олислаб
Қир томонга,
Қолди ёду хаёлим
Сен жононда.
Ҳилпиратгин, эй қуралай,
Рўмолингни.
Узокроқдан кўра қолай
Жамолингни
Сен томонга қараб-қараб,
Қоқиндим-ку.
Сочларингни чиққин тараб,
Соғиндим-ку!

ТЎРҒАЙ

Чулдир-чулдир сайрайсан
Осмон тубида —
Қуёшга яқин.
Мен чалқанча ётиб,
Кўм-кўк майса устида
Тинглайман сени.
Юрагимга яқин
Кўп нарсалар бор,
Ўтли севги ҳисси,
Ошиқлар дарди.
Овозингда, билсам,
Тўрғайим, энди.



Шундан сенга
Тор экан
Бу кенг сахро.
Яна юксак учгин,
Кенгликларни кучгин.
Тўлдириб самони,
Гулдуратиб сахрони,
Тўлиб-тошиб
Сайрагин, кушим!
Шундай гўзал
Баҳор фаслида
Севгидан сўйла,
Яна серавж кўйла.
Менинг саломимни ҳам
Етказ Бозоргулга.
Ўшандадир бутун —
Ақлу ҳушим!

★

Жуфтлик — қайта туғилмоқ асли,
Кимга керак ёлғизлик ахир.
Толеимга шуқр бўлсинким,
У қиз билан қўшилди тақдир.
Ўзим — етим,
Сўққабош эдим —
Ёлғиз бўлиб ўсгандай терак.
Шунданми ё севган хотиним
Туғиб берди бола...
Бир этак.
Кўшқудуқ — бу севган яйловим,
Кўнглим овлар тоғ-тоши билан.
Хут кирибоқ исир кучоғи,
Шундан эрта ўсар ўт-ўлан.
Баҳор эди,
Ҳамма ёқ кўм-кўк,
Кўшқудуқда сурув сурардим,
Кўёш порлар,
Шиша каби кўк,
Хув юксакда укпар сузарди.



Эшитилди ногоҳ ўтовдан
Чақалоқнинг «инга-инга»си,
Янграб кетди бу сас яйловга,
Садо берди тоғлар дараси,
Мен югуриб кирсамки уйга,
Беҳолгина кулди Бозоргул.
Доя кампир қўлида гўдак,
Секин сўрдим:
— Қизми ё ўғил?
Оҳ, худойим,
Мен сендан рози,
Карамингга қиламан қуллуқ.
Минг шукурким, қизим бор эди,
Бугун бўлдим мен ҳам ўғиллик!
Ўша лаҳза кўрсанг ҳолимни —
Қувончимга тор эди жаҳон...
Осмон кулиб қутларди мени,
Поёндозим эди
Каҳкашон.
Чўл-ку қақроқ,
Лекин севинчим
Оқар эди бир дарё бўлиб!
Ҳар бир гиёҳ — завқу юпанчим,
Сахро қалқир қувончга тўлиб.
Биз келишиб Бозоргул билан,
Бўлсин дея элда яхшилик,
Исм қўйдик тўнғич ўғилга
(Дилни изҳор этиб):
— Жахсилик!
Ўз номи ва қўйнинг маърашин
Эшиттирдим гўдакка илк бор.
Қулоғингга азон, — дедим, — шу!
Чўпон ота руҳи бўлсин ёр!
Ниятларим бўлди ижобат,
Қўй оралаб ўғлоним ўсди.
Кенг пешона, Алпомиш қомат,
Таёқ бўлди унинг ҳам дўсти.
Қаватимда юриб анча йил,
Касб-коримни ўргангач пухта,
Мен кексайиб, букчайганда бел,
Таёғимни топширдим унга.



Бу маросим чиқарми ёддан,
Оқтов учун улкан тўй бўлди.
Меҳмон келди яқин-йироқдан,
Кўноқларга қўйлар сўйилди.
Бир томонда янграр дўмбира,
Раққосалар қиларди хиром.
Тоғдан пастда,
Хув, катта қирда
Пойга, улоқ этарди давом.
Тўпланди кўп халойиқ бунда,
Раҳбарлар ҳам келдилар етиб.
Бундай тўйни Томди томонда
Бир кўришим шу ёшга етиб.
Бу тантана,
Бу тўйга боис,
Сабаб эди — чўпон таёғи.
Олқиш олди не-не чорвадор,
Ардоқланди сахро кучоғи.
Мен бу бахтдан
Энтикар эдим,
Жонланарди ўтмиш хаёлда.
Боболарим тирилса, дердим,
Қолардилар ҳайрон бу фолга.
У замонлар эди қабоҳат,
Чорвадорга азоб бўлганди.
Бир қаҳратон,
Чўлиқ Эшдавлат
Қор остида қолиб ўлганди.
Ўйларканман,
Бу воқеани,
Кўз олдимдан ўтар кўп нарса:
Ур-суронли босқин йиллари,
Қароқчилар — оч, ёвуз тўда...
Ўшанда ҳам мен чўпон эдим,
Қўй боқардим Белтов томонда.
Бир куни денг, хаёл сурардим,
Кўзларимни тикиб осмонга.
Бирдан тушди елкамга қамчи,
Мен қайрилиб боқсамки ортга,
Писиб келмиш икки қароқчи,
Узоқроқда — учтаси отда.



— Хўш, нима гап? —
Сўрадим дадил, —
Ахир, нима истайсиз мендан?
— Бу мол-мулкка ҳаққинг йўқ, билгил,
Уни тортиб олгаймиз сендан.
— Йўқ, — дедим мен, — бу юртнинг мулки,
Дахлингиз йўқ сизнинг ҳам бунга.
Эл бойлигин таламоқ — кулги,
Кунларингиз қолдими шунга.
Ўртамизда
Турди тўполон,
Таёқ билан солдим уларни.
Бироқ душман бўлиб бешовлон,
Бойлаб қўйди оёқ-қўлларни.
Сўнг ҳайдашди қўйни тоғ томон.
Мен бу ерда қолдим чорасиз
Не қилмоқни ўйлардим...
Бирдан
Кўзга тушди отлиқ қораси.
Не тасодиф, икки мелиса
Етиб келди, бахтга, хайрият.
Учов бўлиб биз қувдик изни,
Ва сурувни топдик, ниҳояг.
Кўрасолиб бизни номардлар,
Қўрқиб қочди Учқудуқ томон.
— Раҳмат, — дедим келган дўстларга, —
Биз подани асрадик омон.
Шу бўлди-ю биз чўпонларнинг
Ҳаммасига қурол берилди.
Энди қўрқмай пода боқардик,
Фаразгўйлар тоши терилди.
Аста-секин ўзгарди кунлар,
Турмуш анча бўлди фаравон.
Бир пайтдаги қашшоқ-йўқсуллар
Бу замонда сурдик давр-даврон.
Чўзилмади кўпга ёруғ кун.
Яна кўкни тутди булутлар.
Фашист номли бир қора кўзгун
Ер юзига сочди тутунлар.
Бу тутундан дил бўлди қора,
Гўзал шаҳру қишлоқлар ёнди.



Нобуд бўлди не-не инсонлар,
Куй, барисин сўзламай энди...
Қанча-қанча шунқор йигитлар
Ўша йиллар кетди урушга.
Лочин бўлиб, бўлиб бургутлар
Кузгунларни тушди қиришга.
Ўша йиллар чўлда ҳам чунон
Ортди меҳнат,
Кўпайди ташвиш.
Минг бош қўйга — бир ўзим чўпон,
Ёш болалар бажарар юмуш...
Ортда қолди
У қирғин-қирон,
Тенгсиз жангда биз чиқдик ғолиб.
Уруш тирнар дилларни
Ҳамон —
Ер юзига турар чанг солиб.
Вайсамасин қора гуруҳлар,
Улар қанча этмасин таҳдид,
Ҳақ, адолат тинчлик томонда,
Карвон ўтар, ҳурган билан ит!
Осудалик чўлга ҳам керак,
Шунда яшнар яйлов кунба-кун.
Кундуз қуёш чарақлаб кулса,
Шабнам тушиб турса салқин тун.
Кўкка чўзар тилини майса,
Унга боқиб яшнайти кўзлар.
Очилади оҳ, баҳру дилинг,
Кўзга гўзал кўринар жаҳон.
Чўл — сокинлик салтанатию
Подшо санар ўзини чўпон.
Олиб қўлга найми, дўмбира,
Завқларингни этурсан баён.
Чўл-чўл эмас, чамандир гулга,
Шоир санар ўзини чўпон.
Шундай, бу касб шарафли жуда
Лекин қийин жиҳати ҳам бор.
Ким юракдан унга меҳр қўйса,
Элу юртда топар эътибор.
Чўпонлик — бу ҳалоллик демак,
Суқ солмаслик элнинг молига.



Симоб каби соф бўлсин юрак,
Ёлгон сўйлаб қолма уволга.
Қўй ҳам инсон сингари зийрак,
Дилингдагин билар жонивор.
Кимки уни алдамоқ бўлса,
Хайр топмас бундай чорвадор.
Мана таёқ! Баъзилар ўйлар:
Бу шунчаки оддий бир оғоч.
Йўқ, бунда ҳам ҳикмат бир талай,
Сен бунга ҳам муҳаббатинг соч.
Минг йилдирки, у келар яшаб,
Яшашида қанчалар маъно.
Тутиб уни қўлингда маҳкам,
Тўғри юрсанг, бахт сенга ошно!
Шу гапларни айтиб йиғинда,
Томоғимни неча бор қирдим.
Олқиш билан суюк ўғлимга
Чўпон таёғимни топширдим.

Шундан буён ўтди кўп дамлар,
Кўп мартаба алмашди ёз, қиш.
Ўзгарди чўл ҳамда одамлар,
Ҳар қадамда учрар ўзгариш.
Қизилкумнинг бағрига кўз сол:
Яйлов эмас, энди чўл фақат.
Эртакларда бўлгани каби
Мўъжизалар бунда беадад.
Тикилганда олади кўзни,
Тунлари ҳам бўлиб нурафшон —
Чўл қўйнида қоматин чўзган
Афсонавий шаҳри Зарафшон!
Бу шаҳарда яшар замоннинг
Фарҳодлари, Алпомишлари.
Арзир қанча қўшиқ, дostonга
Матонатга тўла ишлари.
Мен ҳам кўрдим, бу тупроқ чиндан
Маъданга бой эканлигини.
Қўй боққаним ўша Бессапон —
Тоғ-тош эмас, олтинлигини.
Гиёҳ ўсар чўлнинг қўйнида,
Гиёҳлардан чорва баҳраманд.



Шу тупроқдан ранг олар қўйлар,
Сур терилар шундан тилла ранг.
Бугун чўпон яшамас ёмон,
Ўтовлар ҳам анча басавлат.
Чўлдагилар бари саводхон,
Томдида ҳам уйлар кўпқават.
Қолмади ҳеч йўл — гўр азоби,
Яқин бўлмиш олис манзиллар.
Асфальт йўллар текис кафт каби,
Йўлдек яқин бугун кўнгиллар.
Булар яхши,
Булардан кўнгил
Таскин топар эди-ку,
Аммо...
Шу ютуқлар ортида пинҳон
Юз кўрсатди қанчалар хато.
Эсимдадир қирқинчи йиллар,
Эллигинчи, олтмишинчи ҳам,
Туғиларди дуркун кўзилар,
Сур-сур эди гўзал, чинакам.
Юз совлиқдан икки юз кўзи
Олинди-ю, қолмади сифат.
Дабдабалар авж олди роса,
Бир-бировни мақташлар ғоят.
Камалак ранг сурларни кўриб,
Қойил қолишарди хорижда.
Соврин олди қоракўлимиз
Неча марта Лейпциг, Парижда.
Аста-секин сўнди у шуҳрат,
Қоғозбозлик бўлди заволи.
Маълумотда рақамлар юксак,
Лекин камдир тагининг асли.
Кимга керак бундайин «парвоз»,
Етолмасдим тубига ўйни.
Дердим, келар авлодга мерос —
Қолдирамиз қанақа қўйни?!
Қимирлашга йўқ-ку мажолим,
Дод дейишга қани забоним.
Наҳот, давом этса шу тутум,
Наҳот, шундай ўтса замоним!



Оҳ урардим,
Келса-ю биров,
Бу тўғрида билдирсам фикрим.
Мен-ку кутдим,
Бўлмади сўров.
Бошда, пастда:
Сен жиму мен жим.
Йўқ,
Бу узоқ давом этмади,
Янги муҳит келди, хайрият.
Сохталиқлар тагидан синди,
Топаётир ўрнин ҳақиқат!
Барибир кўп ҳали муаммо,
Қай бирини ҳозир сўйласам.
Чўлда ишлаш қулайдир, аммо
Ёш чўпонлар камдир, ўйласам.
Ҳар нарсанинг бордир адоғи,
Сув тушмаса, қурийди денгиз.
Чорва учун ишнинг чатоғи —
Камаймоқда ўтлоқлар, афсус,
Қани жингил, қушқўзи, коврак.
Қани чўлнинг пиёз, сабзиси,
Қани сергул, қорақон,* ёвшан.
Ҳамда унинг маст қилар иси.
Хуллас,
Мавжуд бўлган гиёҳнинг
Кўп хиллари кетди йўқолиб.
Мен тунлари тинглайман,
Шундан
Сахро унсиз йиғлар дод солиб!
Бу ҳақда гап бўлар-у, афсус,
Кўринмайди унинг амали.
Замондошлар!
Бунга масъулсиз,
Келди жавоб бериш маҳали!
Ҳақ гап,
Яйлов — мардлар майдони,
Чўпон — шунда енгилмас шунқор.
Лекин, унинг биттадир жони,
У ҳам яшар дунёда бир бор.

* Қорақон — илмий истеъмолга кирмаган гиёҳ номи. (Мух.)



Буни эса,
На чўпон ўзи,
На раҳбарлар ўйлашар бугун.
Чўпон ўйи — яйлов, қўй-қўзи,
Шуларни деб
Қайғурар кун-тун.
Ҳар чўпон ҳам,
Ахир, қанийди,
Таътил олиб бир бор йилига,
Сайр қилса денгиз бўйини,
Саёҳатга кетса чет элга.
Кўриб дунё, у ёқ-бу ёқни,
Яйраб яна чўлга келса ул.
Бу меҳрдан
Ўсарди кўнгли,
Дерлар гулдан нозик-ку кўнгил.
Тўғри, бугун қанча чорвадор
Касб-коридан миннатдор, ризо.
Қанчалари фахрий, нишондор,
Минбарларда нутқ сўзлар бурро.
Лекин булар сони кам ҳамон,
Мақсад: улар, яна кўпайсин.
Тотиб юрсин доимо чўпон
Меҳнатининг ширин мевасин!
Яна келди бир гапнинг гали,
Мен айтмасам, ким ҳам айтади.
Сиз ўтмишга қанча тош отманг,
Харсанг бўлиб бошга қайтади.
Қайта қуриш шиори ила
Оққа лекин қора суртдингиз.
Ўтиб кетган кўплаб азизни
Оёқости қилиб урдингиз.
Ахир, бу-ку гуноҳи азим,
Бундай ишни ҳеч ким қилмаган,
Дунё дунё бўлиб то ҳозир
Ушбу қабоҳатни билмаган.
Аслида-ку покланиш соз гап,
Шунга мудом интилган инсон.
Покланишда иффату одоб,
Покланишда бут бўлур имон!



Майли, қуринг ҳаётни бошдан,
Сизлар сурунг ўзгача даврон.
Ўтганларни урманг паст тошга,
Ишламадик бизлар ҳам ёмон.
Бу борада тақдирим мисол,
Бахтли кечди, дейман, ҳаётим.
Бир умрга ҳайдадим-у мол,
Асрларга қолмоқда отим.
Чўпон бўлиб,
Кўнди кўксимга
Юлдуз —
Бирмас, икки мартаба!
Оддий касбдан топмиш қай кимса
Бундай ҳурмат,
Бундай мартаба.
Булар бари
Меҳнат туфайли,
Касбни шараф билганим сабаб.
Мен ҳам юртнинг севган бир ўғли.
Шундан бу — бурч,
Шундан бу талаб!
Оҳ, шоирим,
Чўзилдими гап,
Дилни тўкиб ташладик, лекин,
Бу ёзганинг ўзи нима нима деб
Юрма,
Таъна эшитиб тағин.
Достонми бу,
Ё бу монолог,
Гоҳ мунглию
Гоҳ шўҳ тарона.
Биз сўйладик эркин, бемалол
Ҳақиқатга боқиб мардона.
Шу боисдан
Битганинг маъкул,
Уруғнинг юз олгани яхши.
Бугун создан
Қонмаса кўнгил,
Эрта серавж куйлайди бахши!

*Томди-Бухоро,
1985—1986 йиллар*

ИККИ БОР
ЯШЛАША ЕТЛАДИ
УМР

*Улғайдим ва билдим умр сўқмоғин
Энг сўнгги сарҳади фанолик экан.
Лекин адо бўлмай ёқсанг чироғинг,
Ундан нари ёғи бақолик экан!*





ТЎРТЛИКЛАР

Номинг қолдиrolмас бойлик, шуҳратинг,
Отни ҳуркитолмас савлат, суратинг.
Авлодлар эъзозлар ёдингни, бешак,
Қанчалик бой кечган бўлса сийратинг.

* * *

Улғайдим ва билдим умр сўқмоғин,
Энг сўнгги сарҳади — фанолик экан.
Лекин адо бўлмай ёқсанг чироғинг,
Ундан нари ёғи бақолик экан.

* * *

Уругдан чиққанда бўлса ҳам беҳол,
Шамолга дош бериб юксалди ниҳол.
Энди у яшнаган, бақувват дарахт,
Буюк бир ибратдир инсонга бу ҳол.

* * *

Шамол увлар, увлар, беадад,
Увлашида на мазмун, мақсад,
Балки сезиб ўзин ҳолини,
Уввос тортар, курсин деб қисмат?

* * *

Хўп митти жон эрур чумоли,
Меҳнатижон эрур чумоли.
Тўкин яшарки, ушбу важдан,
Ўзига хон эрур чумоли.

* * *

Ким бу оламда ғолиб, баҳодир,
Ҳар қандай душманни енгишга қодир?
Кимки ўз нафсини енгса, ўлдирса,
Ўшадир паҳлавон, ўшадир ботир!



* * *

Куруқ гулдировчи садо ўйлама,
Нафс деб талпинувчи гадо айлама.
Тупроққа қоришсам, қолдир сўзимни,
Беному бенишон адо айлама.

* * *

Сен менга ҳукмдор, шоҳу султонсан,
Ҳам кулим, булбулим, тўти хушхонсан.
Сенсиз сиёҳ бўлур умрим осмони,
Куёшим, юлдузим, моҳи тобонсан.

* * *

Мол-мулкка қўймагил меҳру муҳаббат,
У сенга бермайди роҳат, ҳаловат.
Содикман дейдию қилмайди вафо,
Сен кетсанг, ўзгани аврайди, албат.

* * *

Ҳуснинг гўзал мисоли ойдек,
Таровати сўлмаган гулсан.
Қўлдан қўлга ўтсанг, гулман деб,
Эрта қадри кетган бир пулсан.

* * *


Ширин сўзлар, майли, демагил,
Аччиқ сўзни одат этмагил.
Кел, кел десам, келмагил майли,
Кет, кет десам, асло кетмагил.

* * *

Сен ой эмассан, кўзинг ҳам юлдуз,
Сочинг сунбул эмас, қошинг ҳам кундуз.
Лекинг жамолингдан кўз тўймас асло,
Ҳусни малоҳатинг, бетаъриф, бесўз.

* * *

Бирор жойда топмасдан қўним,
Шамол эсар, эсар бетиним.
Йўқ мен эсло шамол эмасман,
Бордир менинг юртим, Ватаним.





* * *

Кўзинг мунча қора кишмиши,
Юзинг қизил олманинг нақши.
Лабинг лаъли, гилос рангида,
Ўзинг — ўзинг, ҳаммадан яхши.

* * *

Кўзимга тор эди ушбу кенг дунё,
Наздимда осмон ҳам бенур, безиё.
Хайрият, сен келиб, жилмайдинг, эркам,
Бу олам кенгайиб, нурланди само.

* * *

Табиат китобдир, ҳар гиёҳ — дoston,
Уни битмаклик ҳам бўлмаган осон.
Китобнинг ҳар сатрин авайланг, дўстлар,
Ўқисин уни ҳам келгуси инсон.

* * *

Ахир, менда йўқдир, бил, зару зийнат,
Фарзандларга қолар на молу давлат.
Фақат мендан қолар мерос — ҳалоллик,
Излаб топганларим — тиллом — шеърият.

* * *

Мен нечун севаман сени, дилбарим,
Эркалаб дейманки, пари-пайкарим.
Чунки сен ўзингсан башар тимсоли,
Аччиғим, нордоним, шаҳду шакарим.

* * *

Дардсиз беморларга шифо йўқ, инон,
Дардлилар дардига топилур дармон.
Оҳ, менинг қалбдаги дардларим эса
Тузалмас, ушалмас армондир, армон.

* * *

Сен менинг қанотим, қўлим-бармоғим,
Аҳдим эди — сенга бугун бормоғим.
Бордиму, кўрмадим, аммо илтифот,
Афсус, қолавердим тишлаб бармоғим.



* * *

Доимо тигиздир вақту дақиқа,
Мақсадинг баён қил лўнда ҳам қисқа.
Билгилки, тингламас ҳеч қачон, ҳеч ким,
Сўзинг узун бўлса, бемаъни, сийқа.

* * *

Отилган ўқ каби тез ўтар умр,
Ихтиёри қўлдан тез кетар умр.
Ҳаётинг сарф этсанг эзгу ишларга,
Икки бор яшашга, бил, етар умр.

* * *

Бу дунё вафоми, сафоми, жафо,
Бу ҳақда ўйлайди не оқил, доно.
Бировга сафодир, бировга жафо —
Қалбимнинг тўридан келди бу садо.

* * *

Сенинг кулишларинг жонимга роҳат,
Рухимга бахш этар шодлик, фароғат.
Кулгинг қиёсини ўйлаб топмадим,
Қўшиқми, куйми ё энг юксак санъат.

* * *


Коинот чексиздир, чексиздир ер ҳам,
Уни тор деб ўйлар, бил, нодон одам.
Сен эса доимо кўнглингни кенг қил,
Кенга кенг дунёдир, торга — тор олам.

* * *

Диққатимни тортди илк куз осмони:
Секин имиллайли булут карвони.
Ҳаво намхуш эса, уфқда қуёш,
Ҳосилни йиғишга ундар деҳқонни.

* * *

Ҳеч кимга қилмадим ҳаргиз ёмонлик,
Бермадилар аммо менга омонлик.
Дунёда энг ёмон, энг ёмон киши —
Тили — буёнлигу дили уёнлик.





* * *

Эрталаб боғ кездим, қушлар сайрайди,
Юракка бол берар гулларнинг атри.
Руҳим ҳаводай соф, танам яйрайди,
Шунинг ўзи, шукур, Оллоҳнинг хайри!

* * *

Хайрият, қуёш бор, чарагон олам,
Хайрият, ер бордир, босамиз қадам.
Хайрият, муҳаббат бордир дунёда,
Бир-бирига меҳр-ла боқади одам.

* * *

— Мунча қон ҳайдайсан тинмай, юрагим,
Ўзингни кўп қийнаб, қўйиб азобга.
— Шукур қил, — мен соғман, бўлмаса бағринг
Қачонлар тўларди лахта зардобга.

* * *

Мен орзу қилардим, нурли оламда,
Завқли яшамоқни, завқли ҳаётни.
Тақдир дучор қилди турли одамга,
Завқ ўрнига берди баъзан фарёдни.

* * *

Ой сайр этмоқда кўкни тўлдириб,
Юлдузлар жимирлаб беришар салом.
Бу ҳолдан сурурга тўлиб юрагим,
Дардини унутар ва олар илҳом.

* * *

Бировда обрўй бор, бировда давлат,
Бировда илм бор, бировда санъат.
Қай бири муҳимдир, зарур инсонга,
— Барига раҳнамо ақлу заковат!

* * *

Дунёда энг қабиҳ улкан гуноҳкор —
Кишилар ичида юрган риёкор.
Чунки у сиртида дўст, ғамхўр бўлиб,
Душманлик қилади зимдан, бадкирдор.



* * *

Умр ўтаверар, ўтади ҳаёт,
Чархпалак тинимсиз айланаверар.
Буни била туриб, ахир, одамзот
Бир-бирига нечун разиллик қилар?

* * *

Дунёда ҳавас бор ва бордир ҳасад,
Иккиси — икки уфқ, икки хил жиҳат.
Сен шундай яшагин, ҳавас этсинлар,
Ҳасаднинг тошлари тегмасин ҳеч пайт.

* * *

Бунча ҳам чўзилди орада ҳижрон,
Соғинчдан ўртаниб, бағрим бўлди қон.
Хайрият, васлингга етдим, ниҳоят,
Жаҳонни яйратди танамдаги жон!

* * *

Турмушни сақлайди иккита устун,
Бириси — эр бўлса, бириси — хотун.
Устун пойдевори — ишонч ҳам вафо,
Буларга дарз кетса, барчаси кукун!

* * *

Кўкдан ёғар майин, юмшоқ қор,
Ажиб ҳислар солиб юракка.
Қор — эҳтирос, пок ва беғубор,
Улоқтирманг солиб куракка.

* * *

Мен ташна яшадим ҳаётда мудом,
Не ишни айладим, асло қонмадим.
Шунданми, ҳаётда бор саҳву хатом,
Шунданми, чопмади баъзан омадим.

* * *

Отилган ўқ эрур, бил, айтилган гап,
Энди ўқ қайтмайди ортига қараб.
Таънаю дашномга қолмайин десанг,
Ёшлиқдан қаламинг босгин авайлаб.



* * *

Сен ҳақни гапиргин, сўйлагин ростни,
Хоҳ жойинг тахт бўлсин, хоҳ оёқ ости.
Ўшанда буюргай тахтинг ўзингга,
Ўрнинг оёқ остимас, бўлур бош усти!

* * *

Ҳар қўйган қадаминг савобми, гуноҳ,
Ўзингга аёндир, ўзингга огоҳ.
Ўйлайсан сиримни ҳеч ким билмас деб,
Оллоҳга маълум-ку, тўрт девор — гувоҳ.

* * *

Тугилмоқ бир кундир, ўлмоқлик — бир кун,
Дунёда яшамоқ, бўлмоқлик — бир кун.
Бил, ўртадаги кун — синов муддати,
Шул боис туюлар узундан-узун.

* * *

Эй ўғлон, бу гапни қулоққа илгил,
Онанинга, отанинга яхшилик қилгил.
Эрта топмагайсан уларни излаб,
Бугун сен уларнинг қадрини билгил.

* * *

Мен бўлиб хумори зоринг, ўтаман,
Шул боис ҳар кун ёнингдан ўтаман.
Сен эса қилмайсан парво ҳолима,
Тун ёниб, кундуз қуяман ўтда ман.

* * *

Жаҳлинг чиқса чақир сабрни,
Юрагингга қилма жабрни.
Бу ҳолат ҳам ўтади, албат,
Қисқартирма қисқа умрни.

* * *

Сенга яшамоққа берилган рухсат —
Муддати қўп эмас, жуда оз фурсат.
Бил, умр ёнару ўчар яшиндай,
Бесамар ўтмасин ҳар дам, ҳар соат.



* * *

Бош кўтарди уфқдан ой — қамар,
Бўғриқиб, қизариб ранг-туси: тилло.
Ювиниб, тараниб ростлагач қомат,
Шуълага чулғаниб таратди зиё.

* * *

Тонг олди, уфққа оқ нур ёйилар,
Саҳар олиб келди янги бир олам.
Қушлар шодон бўлиб қўшиқлар айтар,
Завқли ҳиссиёт-ла ташлайман қадам.

* * *

Имконлига ҳар вақт топилур имкон,
Имконсизга ҳеч вақт топилмас дармон.
Одамзот гоҳ имконли, гоҳ беимкон,
Шундан ё армонли у, ё беармон!

* * *

Тирик бўла туриб, этмайин сабр,
Таёрладинг ўзинга муҳташам қабр.
Бу билан жисмингни ўйлаб, эй гумроҳ,
Руҳнинг парвозига айладинг жабр.

* * *

Ғамнинг йўлларида аломан, адо,
Қувонч йўлларида гадоман, гадо.
Бу ҳолат қалбимга садолар солар,
Садо йўлларида навоман, наво!

* * *

Қўлнинг кири дерлар бойлигу мансаб,
Энг катта давлатдир ақлу илм, адаб.
Буни била туриб қилмасанг амал,
Эрта кирдай кўчсанг, ўзингсан сабаб.

* * *

Ўтганларга бўлсин Оллоҳдан раҳмат —
Қабристонда мудом ҳоқим сукунат.
Сукут сақлаб кезсанг, қабрлар аро,
Тинглайсан қадамда ибратли ҳикмат.



* * *

Ҳар сафар кўзингга термулиб, жайрон,
Юрагим эзилиб бўлади вайрон.
Сенингдай беозор, сулув жонзотга,
Пичоқ қайраганнинг ўзидир ҳайвон.

* * *

Сени ёрлик билан этмасалар ёд,
Ёки мукофотга бўлмасанг номзод,
Ўксима, шукур қил, тириклик ўзи —
Оллоҳ инъом этган буюк мукофот.

* * *

Гарчи бу оламда энг олий жонзот —
Инсонлар саналур, бешак, инсонлар.
Улар орасида гоҳ учрар, ҳайҳот,
Сирти — одам, ичи — илон, чаёнлар.

* * *

Очкўзу таъмагир бўлса қай одам,
Бут бўлмас рўзғори, кўкармас боғи.
Уни тўйғазолмас тоғ ҳам, дарё ҳам,
Фақат тўйдиради қабр тупроғи.

* * *

Муяссар бўлганди сента бир шараф,
Қутлашди ўшанда сени ҳар тараф.
Энди-ку шонингни оширолмассан,
Ўша шарафингни кетказмагил ҳайф.

* * *

О, завқли кечмоқда қишнинг бу куни,
Осмон элаяпти хўп майин унни.
Шу вайдан дала-дашт бурканди қорга,
Мевасин тотамиз ёзда биз уни.

* * *

Ғамнинг юки тоғдан ҳам оғир,
Дилни эзар шу боис алам.
Инсон ғамни енгишга қодир —
Меҳр кўргазса одамга одам!



* * *

Нукул ёмон одам бўлмас дунёда,
Ҳар кишида ҳам бўлур фазилат, нуқсон.
Фақат бир-бирини яхши тушунса,
Ёмон санамайди инсонни инсон!

* * *

Одамга ўхшайди дарахт, ажабо,
Баҳорда гуллайди ва ҳосил тугар,
Ёзда мева берар ширин, бебаҳо,
Кузда чўғдай ёниб, барг тўкиб, тугар.

* * *

Ёмғир майин ёғиб, эзар тупроқни,
Ҳазонрез барг кетар унга қоришиб.
Қуёш, тезроқ кўрсат нурли ёноғинг,
Олам ҳам, юрак ҳам кетсин ёришиб.

* * *

Ҳар куни учрашиб, кўриб турамиз,
Орамиз яқин-да, эмас кўп узоқ.
Сухбатлашиб қолсак, шуни биламиз,
Орамиз аслида йироқ, кўп йироқ.

* * *

Гарчи есир ўсдим, омадим кулди,
Меҳр деб тўрт томон елиб чопмадим.
Қон-қардош, дўсту ёр мени қўллади,
Барибир онамнинг меҳрин топмадим.

* * *

Қор бағрида қолса ниш урган майса,
Ерда ёзаверар бемалол томир.
Сен эса нолийсан сал совуқ эсса,
Майсадан ўргансанг бўлмасми, ахир!

* * *

Бир булут ёз куни тўзғиб, талтайиб,
Осмонда бемаврид тўсди қуёшни.
Ўзи-ку тутади, шундан қорайиб,
Бемаврид димлатди дала, тоғ-тошни.



* * *

У дарё бўлиб оқди, оқди шовуллаб,
У садо бўлиб учди, учди гувуллаб.
Шундай яшаб ўтди, кўзни юмганда
Улкан шаҳар қолди, қолди хувуллаб.

* * *

Келганида ҳар йили баҳор,
Борлиқ яшнар янгидан такрор.
Менинг юрагим-чи, ушбу фаслда
Жўшиб оқар мисоли анҳор!

* * *

Ўрмон ичидаги ёш бир кўчатсан,
Атрофда дарахтлар — бўйдор ва йўғон.
Сен қуруқ шох томон бўйингни чўзма,
Ўт кетса, ҳўл-қуруқ ёнур бегумон!

* * *

Бой бўлгин, қалбингда бўлсин ҳамият,
Сен қанча бойисанг — бойдир жамият.
Мол-мулкинг кўпайсин, лекин, эй ошна,
Бундан эл чекмасин зарра азият!

* * *

Мен — ундай, мен — бундай, дея мақтаниб,
Жагинг-ла мияни қилурсан эгов.
Чуқурроқ танишиб билдим мен сени:
Қиёфанг инсонун, ўзинг — шохсиз гов.

* * *

Мулкдорлар ҳам бўлади ҳар хил:
Бири сахий, бириси бахил.
Сахий гуллаб яшнайверади,
Бахил тушиб синади чил-чил.

* * *

Ўз-ўзидан келмайди омад,
Омад учун керак ҳаракат.
Ният қил-у, интилгин олға,
Оллоҳ берур қуту баракат.



* * *

Бутун умр пок бўл, бўл ҳалол,
Ташламагин нотўғри қадам.
Сенга баҳо берурлар дарҳол,
Устингга хок тортилгани дам!

* * *

Уйғоқ бўлиб юлдузларга боқурман,
Хаёлотнинг дарёсида оқурман.
Ўтиб кетган буюкларнинг ҳикматин,
Кўкка боқиб маъно-мағзин чақурман.

* * *

Кексаймоқлик, тўғри зўр давлат,
Оқсоқоллик, шукур, кўрк-савлат.
Қани, инсон яшайверса-ю,
Ошаверса эди куч-ғайрат.

* * *

Мўъжиза рўй берди, қор ёғаетган он,
Офтоб юз кўрсатиб, тўкди шуъла, нур.
Қаранглар, қор эмас, бу лаҳза осмон
Ялтиратиб сочар ерга кумуш, дур.

* * *

Қиш пайти ойсиз тун, кўкка назар сол,
Юлдузлар тўпидан қамашар кўзлар.
Ой бўлса, рўй бермас эди ушбу ҳол,
Кўриниш бермасди хира юлдузлар.

* * *

Шивирлаб айтилган ҳар сиру асрор
Бир куни бўлади, албатта, ошкор.
Шамол хуш кўради шивир-шивирни,
Иккови бирлашиб ошади девор.

* * *

Ҳеч кимса дилига етказма озор,
Озор бергувчидан Оллоҳ ҳам безор.
Зим-зиё қалбларни чарагон айла,
Кўнгилларга улашгин уфор!



* * *

Яшаяпман шеър билан бирга,
Камаймоқда кучим, кўз нурым.
Ўксинмайман, сатрларимда,
Давом этур мендан сўнг умрим!

* * *

Баъзилар хотирага ёзиб дастурхон,
Шухрату бойлигин кўз-кўзлар чунон.
Ўтганлар муҳтож эмас ахир буларга,
Энг улуғ саховат — ўқилган Қуръон.

* * *

Ҳайбатли йўлбарснинг кўзларида мунг,
Бефарқдай боқади еру самога.
Бирдан тилга кирса нима дерди у?
— Қафасдан озод эт, кетай сахрога.

* * *

Бу гапнинг маъносин бир ўйлаб қара:
— Ҳалолдан бергин-у ҳаромдан асра.
Бунга амал қилиб яшаганларнинг
Икки дунёси ҳам бўлажак сара.

* * *

Минг йилдан кейин ҳам ўчмайди номинг,
Эзгу ишлар қилиб кетсанг дунёда.
Эсдан чиқар балки ёрлиқ, унвонинг,
Ҳурматинг сақланар доимо ёдда!

* * *

Дўстларга ҳамиша меҳр ўтини соч,
Меҳр ўти камаймас, кўпдир, мисли соч.
Аввало, билгил, сен дўстни танлашни,
Ер уруғ кўкартса, шунда донни соч.

* * *

Ёмонлик қилиб ном чиқарганлар бор,
Улар ҳам олинар тилга баъзи пайт.
Ундайлар турқидан кишилар безор,
Эсланиб номига айтилур лаънат.



* * *

Табиат инсонга берса ҳам озор,
Ўзи малҳам эрур, ўзи шифокор.
Лекин инсон баъзан қадрини билмай,
Набототни этар поймол, хору зор.

* * *

Умр-ку ўлчовли, билар бир Оллоҳ,
Дерлар, асрагани асрайди Худо.
Шуни ҳисобга ол-у даволан, дам ол,
Фарзандлар бошига соғ бўл доимо.

* * *

Таъна дашномлардан эзилма бунча,
Ойдай рухсорингга томмасин кўз ёш.
Осмон каби софсан, тоза бир ғунча,
Бошига тушар ким сенга отса тош.

* * *

Мезонда зар каби товланиб, ёниб,
Ерга тушар барглар сариқ ва қизғиш.
Улар дер, ғанимат ҳар дам, ҳар онинг,
Кеча баҳор эди, эрта эса қиш...

* * *

Ёмғир севар булутни,
Овчи севар бургутни
Мақтанмоқни нодону,
Оқил севар сукутни!

* * *

Кўзмунчоқ, кўзимга ўхшайсан бунча,
Ялтираб ёнишинг олар кўзимни.
Бор ёмон кўзлардан асрагил дея,
Ишониб топширдим сенга ўзимни.

* * *

Ой тўлганда олам нурга тўлади,
Осмон, кўринг, ерга яқин бўлади.
Майса-ғиёҳ нур қўйнида мавжланиб,
Сув тубида балиқ ўйнаб-кулади.



* * *

Бозорда молини таърифлар ҳар ким,
Қимматроқ сотай деб — мақсади аён.
Баъзилар даврада мақташар ўзин,
Бу ер бозорми деб, қолурман ҳайрон.

* * *

Сенга ғамхўр эса мудом шифокор,
Айтганин адо эт пайтида, бемор.
Шунда дардларингдан фориг бўлурсан,
Доридан кучли, бил, ихлос-эътибор.

* * *

Мени мажнунавор қилган ўшал яқдона холингдир,
Гули-ғунча лабинг қанди — кўринмас қатра
болингдир.
Магар қалбим қабул қилсанг, бошимга кўндирурсан
тож,
Агар тонсанг, бу — бир офат, менга қатлу
малолингдир.

* * *

Томда юрмоқ яхшими, бола,
Бунча хурсанд, завқлисан бу дам.
Бунга лекин ўрганиб қолма,
Тепада кўп бўлур ташвиш ҳам.

* * *

Узаяди ёзда кундуз,
Баҳор келса, эрийди муз.
Ҳар сирнинг бор бир сабаби,
Шўр бўлур сув — кўп бўлса туз.

* * *

Яхши бўлса кайфият,
Аъло бўлур руҳият.
Аъло бўлса руҳият —
Демак, сен — соғ-саломат!



* * *

Сабрининг таги олтин,
Усти эса тош-метин.
Азобига чида-ю,
Унинг тагига етгин.

* * *

Кексалик бу — неъмат Оллоҳ,
Шукур қилгил ҳар бир онингга,
Шукур эт-у, айлама оҳ-воҳ,
Фаришталар ахир ёнингда!

* * *

Болалик — бу умрнинг
Кўм-кўк яшнаган боғи.
Кексайганда завқ берар
Уни сайр этмоқ чоғи.

* * *

Хира пашша боқмай нари-берига,
Тумшуқ суқди ўргимчакнинг тўрига.
Нафси қургур уни солди шу кўйга,
Нафси уни энди тикар гўрига.

* * *

Оқмас дарё яна сувга тўлади,
Хароб жойлар тагин обод бўлади.
Қадрласа ким ўтганлар номини.
Пирлар қўллаб, бахт-иқболи кулади.

* * *

— Дунёда сеҳрли нарса не ўзи,
Нимадир зўр неъмат биз тирик жонга?
— Оламда сеҳрли инсоннинг сўзи,
Энг буюк неъмат ҳам сўздир инсонга!

* * *

Тупроқ, лойдан қўрқмагил бунча,
Авайлагил сен уни кўпроқ.
Одам лойдан яралган, эрта —
Жисмимиз ҳам бўлади тупроқ.



Бунча мол-мулк туллаб ахир нетарсан,
Киму нималарга етмай, етарсан?
Меҳр қўйма зарбофу заррин либосга,
Бил, охири беёқа тўнда кетарсан.



Эй шоир, ҳамиша ҳақиқатни ёз,
Адолат кўкида қанотингни ёз.
Яхши бил, аниқла ҳақу ноҳақни,
Дилларга қиш эмас, келтир баҳор, ёз!

1997—2008 йиллар





ИККИЛИКЛАР

Парвона ўртаниб ҳажру фироқдан,
Висолга етишгач, куяр чироқдан.

* * *

Юзингни ўхшатсам ойга, моҳитоб,
Рухсори мен каби деди офтоб.

* * *

Дардманд бўлсанг, дарддан нолима,
Ачин бедардларнинг ҳолига.

* * *

Авваллари кокилинг шаршара эди,
Нега қирқдинг, ҳувиллар тоғ, дара энди.

* * *

Шеригим билан биргаман, бирман,
Шундан ишда зўрман — омбирман.

* * *

Мағзаванинг мағзи ҳам йўқ,
Бирпасдан сўнг ўзи ҳам йўқ.

* * *

Мунча ҳам шошилиб борардинг қайга,
Баримиз борамиз, ахир, бир жойга.

* * *

— Балиқ, сузиб нелар ўйлайсан?
— Сас чиқармай сувни куйлайман!

* * *

Ерда ётган заъфарон япроқ,
Ўксимагин, аслимиз тупроқ.



* * *

Гарчи қора кунжутнинг дони,
Қаранг, хуштаъм этади нонни.

* * *

Гўзал эди беозор оху,
Уни отди, дилозор, ёху!

* * *

Сенга-ку, ишончим эди тоғ мисол,
Афсуски, кемириб этдинг гард, мисқол.

* * *

Тупроқ, тупроқ, муқаддас тупроқ,
Билишсайди қадрингни кўпроқ.

* * *

Жимир-жимир этиб, узмай кўз,
Мендан нима истайсан, юлдуз?

* * *

Мағрур бўлма мунча теракдек,
Ҳамма учун зарур, керакдек.

* * *

Ҳаво эсса, кетар шамолга,
Ниҳол ўсса, етар камолга.

* * *

Итларга таланиб, бўри йиқилди,
Шунда қўйга азоб эканин билди.

* * *

Тентирайсан, шамол, тентиб чопасан,
Нимани яшириб, нима топасан?

* * *

Хоҳ булбул бўл, хоҳ суқсур, хоҳ ғоз,
Ўзингники бўлсин-да, овоз.



* * *

Кўчқорлар шохлашиб, шохлар тирқирар,
Кўнгиллар эзилиб, юрак зирқирар.

* * *

Эшакка ҳам кўп юк орттирма,
Золим деган номни орттирма.

* * *

Кучинг кам-кўплигин гайратинг айтур,
Ақлинг кам-кўплигин суҳбатинг айтур.

* * *

Энди билсам, гапнинг чину ростидан:
Ёлғончилик ўтган онанг сугидан.

* * *

Диққатингни тортар кўкдан сулув ой,
Ой ҳавасин келтирар сендаги чирой.

* * *

Тўймас, юҳо, оч экан кўзинг,
Шундан единг ўзингни ўзинг.

* * *

Сахийликда тенгсиз экан йўл —
Қаранг, унда очиқ икки кўл.

* * *

Сифатдир одамга яхши ва ёмон,
Бирин раҳмон берган, бирисин шайтон.

* * *

Қоғоз тинглаб қаламни роса,
Гапларини этди овоза.

* * *

Ёмон сўз-ла бут бўлмас иш,
Яхши сўз-ла ёз бўлур қиш.



* * *

Бир доно бир гапни кўп такрор айтар:
Яхшилик ўзингга, албатта, қайтар.

* * *

Ўзингда йўқ-ку ҳеч нақо,
Ўзгаларга берма кўп баҳо.

* * *

Энагаси ўзингсан, қуёш, ушбу оламнинг,
Меҳрингни дариф тутма, асра гўдак болангни.

* * *

Ерга не сепсанг, шуни ўрасан,
Кимга не этсанг, шуни кўрасан.

* * *

Чумолининг бели нозик қил каби,
Юк ташишда лекин ишлар фил каби.

* * *

Сабрнинг тагидир аслида олтин,
Буни билавермас ҳар эру хотин.

* * *

Шишаи жонимга жонсану жононасан,
Шиша синса, унга ҳам, бил, тире пайконасан.

* * *


Кўп беҳад мол ташвиш, ғам келтирар,
Ва акси ҳол ажал ҳам келтирар.

* * *

Ғамни енгур на мол, на давлат,
Уни енгур сабр ва тоқат.

* * *

Иззат кўрсанг — ҳурматинг сабаб,
Роҳат кўрсанг — меҳнатинг сабаб.





* * *

Дунёга келди-ю кетди, қолмади,
Бундан бир нима олдимиз, олмади?

* * *

Гарчи олис бизлардан уммон,
Тўлқин урса, қалбимда сурон.

* * *

Гулнинг фақат атри эмас,
Чиройи ҳам этар маст.

* * *

Агар бўлсанг мулозим,
Қил ишни унга лозим.

* * *

Ишлаб чарчасам кундуз,
Алла айтади юлдуз!

* * *

Оллоҳ берган неъматнинг саноғи йўқ,
Илму ҳикмат, адабнинг адоғи йўқ.

* * *

Меҳру ғазаб, жаҳолат ва адолат қўлингда,
Олий жонзот инсонсан, ҳамма ҳолат қўлингда.

* * *

Қўлингдаги сополмас, чинни,
Билмайсанми шуни ҳам, жинни?!

* * *

Бунчалар эрк бермасанг нафсга,
Тушмас эдинг темир қафасга.

* * *

Сут оппоқми, қор оппоқ,
Дея айлама жумбоқ.



* * *

Уч кундирки, ёмғир ёғар, ёғар мутасил,
Эзилади бундан тупроқ, эзилади дил.

* * *

Кўкда туриб пок юзингга, ой, тортсанг қора,
Ерда юрган нопок учун айт, қандай чора?

* * *

Бунча ёниб, ялтирайсан, сабуҳий шабнам,
Сенинг умринг ўйлаб менинг кўзларимда нам.

* * *

Яхшисан-ку, эй чўбин таёқ,
Бўлолмайсан, барибир оёқ.

* * *

Майли, кулгил, йиғлагил, майли,
Буларсиз жўн бу ҳаёт асли.

* * *

Олдин чўғдай қизариб кўтарди-ю бош,
Сўнг ловуллаб оламини ёритди кўёш.

* * *

Туташингдан чекма ранж, алам,
Сен яшайсан қоғозда, қалам!

* * *

Нафсни эркалатсанг қутуради,
Ўзгагамас, ўзингга хуради.

* * *

Золимга бор Оллоҳ жазоси:
Обод бўлмас икки дунёси.

* * *

Куз келиб, япроқлар бўлса заъфарон,
Нега маъюс сезар ўзини инсон?



* * *

Сочинг узун, паришонҳолсан,
Мажнун эмас, сен Лайлитолсан.

* * *

Кўрдим, ёмонмас шаклу шамолинг,
Бундан аёнмас ақлу камолинг.

* * *

Сахий бўлсанг, молинг тўлиб-тошади,
Бахил бўлсанг, боринг сендан қочади.

* * *

Япроқлар сарғайиб келса ҳамки куз,
Дилингда ёз тафти ўчмабди ҳануз.

* * *

Яхшиликдан қолар нек хотира,
Ёмонликдан кўнгилда яра.

* * *

Не-не гапни эшитиб, кўриб кўп-кўп воқеа,
Жим турасан, ай девор, кулмай, йигламай нега?

* * *

Кўп эгилма шабадага, ниҳол,
Синарсан-ку эсганида шамол.

* * *

Гар олиссан, о, қуёш бобо,
Тафту ўтинг юрагимда жо!

* * *

Дономисан ва ёки бефаҳм,
Сўз — лутфингдан аёнсан, одам.

* * *

Отни дерлар пари, дев, лекин —
Инсонга дўст эканлиги чин.



* * *

Эрта турмоқ энг яхши одат,
Оллоҳ берар ризку саодат.

* * *

Ҳар дамингга айласанг шукур,
Кўшилади умрингга умр.

* * *

Кўрсатавер итга ҳам шафқат,
Савобини кўрасан албат!

* * *

Суратини кўриб дейдилар: мулло!
Сийратини кўриб: астағфуруллоҳ...

* * *

Сенга ҳеч ким беролмас мадад,
Юрагингда бор экан ҳасад.

* * *

Киндик қони қайдаки томган,
Чўл бўлса ҳам — унинг-чун чаман.

* * *

Дўстлар бўлса аҳил, иттифоқ,
Ҳал бўлади ҳар қандай жумбоқ.

* * *


Курсим баланд дея ураверсанг дўқ —
Демак, курсингга мос фаросатинг йўқ.

* * *

Тинглаб унинг ширин лутфи каломини,
Мақтаб едик шўр бўлса ҳам таомини.

* * *

Совуқ қишда бекиниб куртак,
Ёз ҳақида тинглайди эртак.





* * *

Некбин учун ушбу олам — баҳор, гулистон,
Бадбин учун ушбу олам — қору зимистон.

* * *

Ўзи берди сени, олар, бил, Ўзи,
Доимо ёр бўлиб қолар — бир Ўзи.

* * *

Кўп мақтаманг уни дея буюк, зўр инсон,
Фақат Оллоҳ ўзи эрур беайб, бенуқсон.

* * *

Болини единг-ку мақтаб, деб ширин,
Аччиқ захрига ҳам энди чидагин.

* * *

Гули бўлса у — гулгувак,
Гул бўлмаса бир пул тувак.

* * *

Унинг феъл-атворин билар бир Худо,
Сен ҳам билмоқ эсанг, унга бўл қуда.

* * *

Рўзанг қабул бўлмайди, банда,
Ёлғонингни қилмасанг қанда!

* * *

Туяни бутун есанг тўясанми,
Сўрашни сўнг қўясанми?

* * *

Лоф — лофдир у, дoston эмас,
Лоф урмоқ ҳам осон эмас.

* * *

Кўнгли очиқнинг — қўли очиқ,
Қўли очиқнинг йўли очиқ.



* * *

Изим изингдаю кўзим кўзингда,
Танам жисмимдаю жоним ўзингда.

* * *

Қонёъ бўлур ҳар эҳтиёж,
Бир ўлимга йўқдир илож.

* * *

Хизмат қилсанг юракдан холис,
Яқин бўлур ҳаттоки олис.

* * *

Кўз очиб юмгунча ўтди баҳор, ёз,
Куз келди, шошил сен, қишга қолди оз.

* * *

Ўйла, бир кун жисминг ерга қайтади,
Сен ҳақингда кимлар нима айтади...

* * *

Ҳаётни севган одам —
Кўрқмас ўлимдан ҳеч ҳам!

* * *

Ҳамал киргач, булут қувнаб кўзни ёшлади,
Куртак эса юз кўрсатиб, кула бошлади...

* * *

Инсон қанча билса кўп,
Билмаганин билар хўб.

2004—2008 йшлар

ЗАРРИН ЯПРОҚЛАР

*Мезонда зар каби товланиб, ёниб
Ерга тушар барглар сариқ ва қизғиш.
Улар дер:
Фанимат ҳар дам, ҳар онинг,
Кеча баҳор эди,
Бугун эса қиш...*





ЙЎЛ

Дўстим Темуржонга

Қолдиради қаламлар изни,
Оёқ керак йўл юрмоқ учун.
О, жўражон, ўйласам сизни,
Ушбу фикр йўқотар кучин!

Кезаяпсиз умр боғларин,
Олдда қанча чаманлар чорлар,
Қадамингиз етган жойларни
Босолмайди оёғи борлар.

Бухорода туриб, оламни
Этаяпсиз сайру саёҳат.
Айтинг, кучмиш қайси одамни
Бундай шараф, бундай саодат?!

Сизни танир Тошкент, Самарқанд,
Салом йўллар дўсту ошнолар.
Сизни билган пир ҳам, мурид ҳам
Ҳаққингизга қилур дуолар.

Қани энди ҳаммага насиб
Қилса эди бу эзгу йўлни:
Сиз юряпсиз излар қолдириб,
Кўнгилларга улаб кўнгилни!

1999 йил, апрел



ДЕНГИЗДА

Мен сузганман
Бир гал денгизда,
Қай томонга тикилмагин — сув!
Уфқ тегиб туради сувга,
Қанча юрма, оралиқ — шу, шу!

Денгиз — мовий,
Осмон ҳам мовий.
Бир-бирига кетган қоришиб.
Кўкда фақат қуёш жилмаяр
Зар кокилин сув узра ёйиб.

Оқшом қўнгач,
Ою юлдузлар
Ўз аксини кўради сувда.
Ойни қучиб олмоқчи бўлар
Баъзи учар балиқлар, қув-да!

Борлиқ уйқу домига асир,
Юксак осмон бўла бошлар паст.
Тўлин ой ва юлдузлар бир-бир
Кирар денгиз қучоғига маст.

2001 йил



САРАТОН

Бутун олам — каттакон тандир,
Ловуллайди унда аланга.
Одамларни аяб яшил ер,
Шимиради ўтни баданга.
Қуёш ёнар,
Унинг тафтидан
Хира тортган осмон шишаси.
Узум хурсанд, кун ўтган сайин
Ҳусни тўлиб,
Ортар шираси.
Офтоб ўчиб,
Порлагач юлдуз,
Осмон ер-ла бошлар гурунгни.
Кундуз олов сочган майсага
Пуркай бошлар муздай шудрингни.

1998 йил

ҚУШЛАР МУШОИРАСИ

Бир қуш сайрар қўниб бутوقда,
Тўлиб-тошиб, қуйлаб, тин олар.
У тинганда рўпара ёқдан
Яна бир қуш чолғусин чалар.

У жим қолса, сайрар буниси,
Бу тинганда, у сайрар шитоб.
Бу — қушларнинг мушоираси,
Ўқилипти шеърий бир китоб.

2000 йил



СОЙ БЎЙИДА

Сой бўйида бир жуфт мажнунтол
Қаддин чўзмиш осмонга қараб.
Сал эгилиб бир-бири томон
Сочларини ёймишлар тараб.
Мен уларга узоқ тикилиб,
Ўйладимки, икки дугона
Муздай сувда чўмилиб чиқиб,
Сухбатлашар энди хуфёна.
Яна боқиб,
Кўрдим ўзга ҳол:
Бири бўлса агарда Лайли,
Бири — Мажнун, хўп афтодаҳол,
Ўз ёрига бош эгиб, айни —
Пайтда кўнглин қилмоқда баён,
Шундан,
Сочлар тўзғиб, бирлашиб,
Қуюқлашиб, фатила, ларзон —
Силкинишар секин сирлашиб.
Сой бўйида бир жуфт мажнунтол...

2001 йил



ЯХШИЛИКНИНГ УРУҒИ

Муроджонга

Қовун бўлса сермағзу ширин,
Унда уруғ бўлур жуда кам.
Худди шундай жуда кам бугун —
Уруғи оз яхшилиқнинг ҳам.

Минг шуқурким, бу ноёб неъмат
Топилади ҳалиям, раҳмат.
Сизга ўхшаш одамлар уни
Авайлайди асраб, хайрият.

Уруғ бўлса, унади албат,
Баҳра олур ундан кишилар.
Бу уруғни асрайлик фақат,
Ўша уруғ — Сизсиз, яхшилар!

2000 йил





ЁМҒИР

Кўкдан ерга узун тор тортиб
Торин чертар кўкламги ёмғир.
Бундан ернинг севинчи ортиб,
Осмонга кенг очгандир бағир.

Яқин келиб заминга само,
Қулоғига шивирлаб куйлар.
Бу қўшиқни тинглар бор гиёҳ,
Тинглар дарахт, деворлар, уйлар.

Қадаҳдаги майини тўкиб,
Тўлиб-тўлиб куй тинглар лола.
Араванинг изин тўлдириб
Ўйнаб оқар сувларки — малла.

Ёмғир тиниб, юз очгач қуёш,
Кўзни олар биллур томчилар.
Япроқчалар кўзларида ёш,
Сирпаб олсанг тўлар ҳовучлар.

Дов-дарахтлар бу дам ям-яшил,
Тинган ёмғир оқаркан чак-чак,
Бор табиат наздимда ҳозир —
Бошин ювган сулув келинчак.

1992 йил



ЧУМОЛИНИНГ ЙЎЛИ

Кенг сахрода чумоли қатор —
Қатор бўлиб юрар ботартиб.
Улар юрар инлари томон
Оғир-оғир юкларни тортиб.

Баъзилари донини ташлаб,
Яна ошар юк сари, қизиқ;
Улар борар фақат бир йўлдан —
Ўз йўлидан чиқмасдан, аниқ.

Учрашганда бири-бирига
Меҳр кўрсатиб, сўрашиб қўяр.
Сўрар балки ҳолу аҳволин,
Чарчаганда қарашиб қўяр.

Қойил қолдим, яна бир марта,
Кузатдим-у бу ажиб ҳолни:
Дедим, асли одоб, қоида
Сендан чиққан экан, чумоли!

2000 йил, июл



ИРОДА

Омон Мухторга

Хув, олисда кўринар тоғлар,
Унгача қир, янтоқзор дашт, чўл,
Тоғлар уни диққатин тортар,
Чўққиларни қўмсар ёш кўнгил.

Ўша ёққа йўлини бурди,
Ёш бўлса-да, бир кун айлаб жаҳд.
Қайтмоқликни лозим кўришди,
Кўп кишилар бериб маслаҳат.


Тоққа қадар йўқ эди сўқмоқ,
Юрмоқ чиндан машаққат эди.
Шу туфайли биров деб ундоқ,
Баъзи бирлар бундоқ қил, деди.

Бу гапларга этмайин парво,
Босаверди, босаверди йўл.
Бир кун етиб келди тоғларга,
Кор қилмади унга ёмғир, дўл.

Ихчамгина жуссаси билан
Кучга тўлиб тошаверди у.
Юрган сари паст бўлди баланд,
Довонлардан ошаверди у.

Пўлат каби иродасига
Энди кўплар қолишди қойил.
У тирмашар эди чўққига,
Тирмашарди кун-тун муттасил.

Мана, чиқди тоққа ниҳоят,
Кўз олдида намоён дунё.
Уни қутлар олисдан, не бахт,
Она шаҳри қадим Бухоро.



У юрмоқда, юрмоқда олға,
Мақтовга ҳам бермай эътибор,
У кезмоқда, қаранг, юксакда,
Оёқ ости тиниқ, оппоқ қор!

2001 йил, сентябр

СУНБУЛА

Лойқа сувлар тиниб, тиниқиб,
Ариқларда тўлиб оқади.
Пайкаллардан дўппайиб чиқиб,
Қовун, тарвуз кулиб боқади.

Ерга томон эгилган шохлар,
Дарахтларда ғарқ пишган мева.
Дарахт эмас — ортилган юклар —
Қатор бўлиб турибди тева.

Кун ҳовури энди пасайиб,
Эсар майин шаббода ғир-ғир.
Бўлиқ кўсак тишин кўрсатиб,
Мўъжизадан очаётир сир.

Яшилликдан япроқлар тўйиб
Зафар рангин кўмсайди муштоқ.
Табиат ҳам кутиб, энтикиб
Меҳмонига очмоқда кучоқ.


Юлдуз ёнар,
Олиб кўзларни,
Кечалари тиниқ осмонда
О, сунбула, не-не ҳисларни
Уйғотасан юракда, қонда...

2000 йил, август



ҲОЖИЛАР

Ҳамма тенгдир Каъбатуллоҳда,
Бир хил кийим — эҳром — оқ мато.
Ким бўлмасин касбу амалда,
Дилида ҳам, тилида Оллоҳ.
Гарчи миллат турли-турлидир,
Рангу рўй ҳам қора, қизғиш, оқ.
Бири шарқдан, ғарбдандир бири,
Ҳамма бирдай аҳил, дўст-иноқ.
Ожизлигин ҳис этар банда
Бунда кўриб Оллоҳнинг уйин.
Яратганга қиларкан сажда,
Йиғлаб айтур саҳву гуноҳин.
Кўринмайди кўзига бу дам
Мол-мулкию зарур юмуши,
Мангуликка арзимас экан,
Энди билса кунлик ташвиши.
Киши ўлса, ҳозирги пайтдай,
Ҳамма бўлар бир хил кафанпўш,
Нега бунӣ ҳар кун, ҳар соат
Ҳозиргидай ҳис қилмайди, хўш?
Қаранг, бунда тенгдур шоҳ-гадо,
Ҳеч ким этмас бойлигин кўз-кўз.
Бир-бирига суянчиқ, ҳамроҳ,
Дилдан чиқар фақат эзгу сўз.
Шундай кечса қани ҳар лаҳза,
Ёв бўлмасди инсонга инсон.
Ҳар бир қалбдан жой олса Оллоҳ,
Тўкилмасди беҳудага қон.
Аслида-ку қариндош ҳамма,
Момо Ҳаво, Одам Атомиз.
Унутмайлик бунӣ, одамлар,
Унутмоқлик куфру хатомиз.
Шуни ўйлаб минг-минглаб ҳожи
Одамларга тиларлар иймон.



Ҳожи — ахир Оллоҳ уйини
Кўриб, тавоф айлаган инсон.
Уларга кўп ажру мукофот,
Ниятлари бўлгай ижобат.
Ер юзида тинч бўлсин ҳаёт,
Бўй кўрсатсин ҳар ерда жаннат.
Ҳожилик — бу энг олий аркон,
Ким етар, ким етмас бу дамга.
Лекин кимки ҳалол, пок инсон —
У ҳам яқин қодир Эгамга!
Қани, очинг қўлни дуога,
Йўқолсин жаҳл, жангу жадаллар,
Ҳоким бўлсин дўстлик дунёга,
Ҳаждагидай бўлсин амаллар!

2002 йил, феврал

МУНОЖОТ

Кўнгилни, майли, маҳзун айла,
Уни ўзингга мафтун айла.
Ният бериб мусаффо, ойдин,
Дўсту ёронни мамнун айла.

Умр йўли, оҳ, бир нафасдир,
Кори хайр билан афзун айла.
Солиб дилга сабру қаноат,
Қаноатли касни фузун айла.

Биҳамдулло, юрт ҳуру обод,
Ватанни гулу гулгун айла.
Кимики ёв, ушбу диёрга —
Қилгин хору зор, забун айла.

Илтижо этдим, сенинг ўзингга,
Меҳрингга меҳримни уйғун айла.
Мен бир — Фулом, Қодирсан Ўзинг,
Ер юзин маъмун, маскун айла.

2001 йил, феврал



• • •

Садриддин Салим Бухорийга

Бухорода яшар бир одам,
Барча учун суюкли, маҳбуб.
У кучлидир, ғолиб, чинакам,
Чунки нафсни айлаган мағлуб.

Бегонадир унга зеб, ҳашам,
Молпарастрлар унга бегона.
У қасрда яшамаса ҳам,
Кўнгил уйи улкан-шоҳона.

Қай даврага у кириб келса,
Келар оқиб файзу фазилат.
Не қашшоқлар бойир, алқисса,
Унинг билан айласа суҳбат.

Ширин лутфи ўзидай юксак,
Юксак шеъру ғазали, илло.
Боисини билмоқ истасанг,
Фикру зикри, дилида — Оллоҳ.

Бухорода кўндир азиз жой,
Тавоф айлар уларни бир-бир,
Уни танир шаҳар ҳам қишлоқ,
Эл эъзозлаб, аташар «Тақсир!»

Ўзин тутар у ҳаммадан кам,
Унга ётдир мақтову таъриф.
Шундан буюк бу оддий одам,
Шундан суюк бу зоти шариф!

2001 йил



* * *

Чигирткалар — туннинг ошиғи,
Шундан тинмас куйи, қўшиғи.
Бири чалса гижжакни тинмай,
Бири пуфлар бетиним қўшнай.
Ярим тунда яна авжланар,
Ой нурлари шундан мавжланар.
Куй оқади ҳамма томондан,
Ердан чиқар, тушар осмондан.
Улар қилиб бу ҳолдан мазза,
Қулоқларга солади ларза.
Ва ниҳоят, куйлашдан ҳориб,
Ором олар саҳарга бориб.
Сўнг кун бўйи йиғиб қувватни,
Оқшом куйлар яна шиддатли...
Чигирткалар — туннинг ошиғи.

2000 йил, август

* * *

Чимчилайди юзни изғирин,
Ерда музлаб қотган оппоқ қор...
Чирсиллайди печкада ўтин,
Ичкарида гўёки баҳор.

Уй қизийди,
Авжида гурунг,
Суҳбат борар бир ширин, жонон...
Ташқарида кезар изғирин,
Ичкарида айни тобистон!..*

2002 йил, январ

* *Тобистон* (форс-тожик) — ёз, жазирама пайғи.



ЮЛДУЗИМ

Ҳой, юлдузим, жон юлдузим —
Қоронғу тунда кундузим.
Боққанда сенга ҳар маҳал,
Хоҳ хуфтон, хоҳ эрта сахар,
Кенгайиб руҳи соҳилим,
Гуллаб муроди ҳосилим,
Шуълаланар нур кўзима,
Сигмай кетиб ўз-ўзима,
Сурурдан тошади дилим,
Бийрон бўлиб шеърга тилим,
Парвоз этурман сен томон,
Мени қучар мовий осмон.
Кўкдай кенг кўнглим очаман,
Қалбимдан шеърлар сочаман...
Ҳой, юлдузим, жон юлдузим,
Ўзингсан тунда кундузим.
Мен-ку сенга термуламан,
Нурингдан нурга тўламан.
Сен ҳам мендан узма кўзинг,
Мени ушлаб турган ўзинг.
Гарчи мен ушбу маконда,
Сен-чи, ҳув, олис осмонда
Боғли сенга риштаи жон,
Англа, бил, буни, юлдузжон.
Кунлар ўтиб, бир пайт келур,
Ушбу ришта чирт узилур.
Йўл олиб ўзга маконга,
Хайр, дейман сен томонга.
Сен, юлдузим порлайвергин,
Мени, майли, чорлайвергин,
Мен бормасам, борар руҳим,
Шеърим сўйлар дил шуқуҳим,
Ҳой, юлдузим, жон юлдузим...

2003 йил



ОЙДИН КЕЧА

Ойдин кеча, сутдай оқ кеча,
Нурга тула ҳаммаёқ кеча.
Майсазорнинг бағридан ҳатто
Кўзни олар хас-хошок кеча.

Ойдин кеча, сутдай оқ кеча,
Сутингда йўқ зарра доғ, кеча.
Бутун олам унда чўмилиб,
Мавжларида оқизоқ, кеча.

Ойдин кеча, сутдай оқ кеча,
Олисдаги қорли тоғ, кеча —
Яқин келмиш, унинг бошида
Порлар ёниб ой — чироқ, кеча.

Ойдин кеча, сутдай оқ кеча,
Нурга тўла ҳаммаёқ кеча.
Ҳовуч-ҳовуч нурунгдан ичиб,
Ширакайфман — кўнглим чоғ, кеча!

2005 йил



БУХОРОДА ЁҚҚАНИДА ҚОР...

Қор ёғмоқда —
Оппоқ майин қор.
Шундан гумбаз юзида упа.
Оқ салласин ўрамиш Минор,
Мирарабда юксалган супа.

Кучоқ очиб,
Қорни кучмоқда.
Осмонга энг яқин турган Арк,
Қор бағридан кўкка учмоқда —
Чорминор ҳам бўлиб тўрт мушак.

Қадим шаҳар тароват-кўркни
Оқлик ичра қиларкан кўз-кўз —
Бошга кийиб шерози бўркни,
Тоқлар мумнун жилмаяр бесўз.

Девонбеги ҳовузида сув
Қорни ютар шошиб, ютоқиб.
Эшагидан тушар кекса, қув —
Афанди ҳам қорини қоқиб.

Сўнг қутлайди юртдошларин у
Ризқ бўлсин деб қордай зиёда.
Шўх болалар қуршовида у
Шоҳруд бўлиб кетар пиёда.

2006 йил, январ



КЕКСА ДАРАХТ

Билинг,
Гарчи дарахтман кекса,
Умидим бор ёш-ёш ниҳолдан.
Шу ниҳоллар мени асрагай
Ва тўсарлар
Қора шамолдан.

Кўчатларга ахир соябон,
Яшил баргим,
Улкан шох, танам.
Келганида жавзо, саратон,
Томиримдан улар олар нам.

Шу ниҳоллар яйраб ўссалар,
Бағрим борар тобора тўлиб,
Улар қанча қомат чўзсалар,
Юз кўрсатур ният ҳам кулиб.

Бир кун келиб
Бўлурман кунда.
Умр — чекли,
Ҳозир мен — дарахт,
Ниҳол бошим узра у кунда
Дарахт бўлиб турса —
Менга бахт.

2004 йил, декабр



ҲАМАЛ

Ҳамал кириб, хайрлашди хут,
Ерда эсар майин шаббода.
Кўкда кезар тўлиққан булут,
Ёмғир ҳиди анқир ҳавода.

Наъра тортди момогулдурак,
Чақмоқ чақди уриб тошини.
Осмон бериб висолдан дарак,
Ерга тўкди қувонч ёшини.

2004 йил, март





ЗУБАЙДА

Кўлинг бўшамай ишдан,
Чиқмай бошинг ташвишдан,
Югурдинг, елдинг мунча,
Сўнгги даминг келгунча.
Ва бирдан кетдинг учиб,
Еру самони кучиб...
Қолдик доғда барчамиз,
Йўқсан, жигар парчамиз.
Энди қайдасан, қайда,
Айтгин, айтгин, Зубайда?
Сен-ла тоғ эди дилим,
Меҳрибон, мунис синглим.
Фарзандларинг ғамхўри,
Онагинанг кўз нури,
Менинг қўнгли тўларим,
Айтмадинг-ку ўларинг.
Изласам, йўқсан энди,
Олис юлдузсан энди.
Сен-ку бизни кўрарсан,
Биз сени кўролмасмиз.
Сен юлдуздай чақнарсан,
Биз ёниб,
Куёлмасмиз.
Эҳ, Зубайда, Зубайда,
Қайлардасан, сен — қайда?!

2002 йил, декабр



ИЛК БАҲОРДА

Феврал тугаб, кириб келгач март,
Офтоб нурын сочмоқда кўпроқ.
Равшан тортиб табиатда ранг,
Кук ранг — кўмкўк, оқ бўлди оппоқ.

Мудраб ётган куртақлар бўртиб,
Кипригини ёза бошлади.
Бу ҳолатдан тонгда энтикиб,
Новдаларнинг кўзи ёшланди.

Борлиқдаги бу ҳол беқиёс
Руҳиятга берар шукуҳлар.
Ортиб қувонч, ортиб эҳтирос,
Дилда жўшар ажиб туйғулар.

Қирлар бўлиб яшилликдан маст,
Ўзи томон осмонни чорлар.
Узоқ ётиб қолган хастанинг
Умид нури кўзида порлар.

Бу баҳорнинг илк армуғони —
Табиатда яшаш, яшариш.
Бу — борлиқнинг кулаётгани —
Айтаётиб кўкламга олқиш.

2006 йил, март



ШЕЪРИЯТ

Хаёл юксалади
Юлдузга қадар.
Ой ўроғи қолди қўлларда.
Учар, учаверар
Илҳом — самандар,
Куёшга элтувчи йўлларда.
Юлдузлар эмас, йўқ,
Ҳислар оқадир,
Оппоқ буғ таратиб
Сомон йўлида.
Танлаб сўзлардан тер
Сўз — дур, жавоҳир,
Жўшқин эҳтирослар
Тошар кўнгилда.
Ўзингга эрк бериб
Этсанг тахайюл,
Ўнгда жилваланар
Ажойиб бир рақс —
Уни кўрган жисмин
Унугар буткул,
Юрак ўз-ўзила
Қила бошлар баҳс...
Сўнг қалб, хаёл, сўз ҳосиласи —
Ноёб бир неъмат, вожаб, пайдо.
Лаззат бағишлайди хуштаъм меваси,
Уни тота билган — бир умр шайдо!

2006 йил, март



СОФИНИБ ЯШАЙМАН

Тилак Жўрага

Соғиниб яшайман,
Соғиниб,
Кўришмоққа илож йўқ,
Лекин,
Байтларингдан ҳисларга қониб,
Гаплашаман шивирлаб секин.

Эслатади,
Бу ерда юрсам,
Ҳар бутаю ҳар битга ниҳол.
Бугдойзорда юзингни кўрсам,
Олиб келар нафасинг шамол!

Шохдан шохга учаётган қуш
Эркин-эркин этаркан парвоз,
Қузатаман бошдан учиб ҳуш,
Ўзингдай ҳур, сайроқ, хушовоз.

Майсазорда чалқанча ётиб,
Маст бўлардинг беда гулига.
Шеър ўқирдинг қулочинг ёйиб,
Жўр бўлибон тўрғай, булбулга!

Сен Сайётда* сандувоч бўлиб,
Куйлаб ўтдинг йигит ёшингда.
Шундан сени юртдошлар суйиб,
Кўтармоқда бугун бошига.

Сайёт сойи мангу оқаркан,
Мавжларида сатринг бор, Тилак!

* Марҳум шоир Тилок Жўра туғилган қишлоқ. (Мух.)



Осмондан ой кулиб боқаркан,
Ой юзида аксинг бор, Тилак!

Ушбу шараф сен учун вожиб,
Шундан маскан сенга самолар.
Кўп эди дўст, ошною ҳабиб,
Бугун ҳам кўп сенга шайдолар!

О, барибир дилдан ўкиниб,
Биз яшаймиз сени соғиниб...

2003 йил

ИСТАК

Тошўлат Аҳмаднинг 60 йиллигига

Тарих оламида уммон — Бухоро,
Улкан су сатҳида сузувчи тўп-тўп.
Сув сатҳи не, ахир,
Тубига ҳатто
Шўнғиб, бир-биридан ўзувчи ҳам кўп.

Жон олар, бу ишга ким этур тоқат,
Осонми денгиздан термоқ дур, маржон?
Бунга чидам керак, сабру матонат,
Ва севган касбига фидо этмоқ жон.

Ўтганлар руҳини сиз ҳам шод айлаб,
Шу баҳру уммонда сузиб юрибсиз.
Баъзан қалб қийналса, баъзида асаб,
Лекин шукуҳини кўриб турибсиз.

Истагим, шу уммон бағрида роса
Сузинг, сузаверинг, сузишдан толманг.
Дурлар теравериб, айлангиз шода,
Юз ёшга кириб ҳам ёзишдан қолманг!

2003 йил



АРМОН

Дунёда беармон киши бўлмайди,
Ҳар дилнинг тубида яшар бир армон.
Етти қиз кўриб ҳам кўнгли тўлмайди,
Унда йўқ чирогин ёқувчи ўғлон.

Бировда бошқа ҳол:
Ўғилдан берган,
Меҳрибон қиз қолмас, келса ажали.
Яна бировда эса энг олий армон:
Биргина тирноқни берса ақалли!

Биров ота-онадан қолди кўп эрта,
Эркалик қилолмай ўсли, бош эгиб,
Биров фарзандининг куяр доғида,
Айрилиқ ўртайди қалбини эзиб.

Кимдир орзу қилди бўлмоқни олим,
Шу йўлда ўқиди у ва кўрди таҳсил.
Бўлгани шу бўлди: кекса муаллим,
Олимлик нияти бўлмади ҳосил.

Қўшинининг қизини севди у чиндан,
Дилида Фарҳоднинг ўти бор эди.
Она орзуси деб айрилди ундан,
Суймаган кишига ёстиқдош энди.

Бу кишининг эса бемаън бойлиги,
Обрўси ёмонмас эл орасида.
Лекин бир фарзанди чиқди ноқобил,
Шундан оҳ уради бўлиб ғамдийда.

Олдинда юради мудом бу одам,
Тобланган, чиниққан қора меҳнатда.
У ўйлар уялиб, пинҳона баъзан,
Расмимни кўрсайдим бир бор газетда.

Ҳаммани кулдирар чиқиб ўртага,
Қизиқчи юзидан аримас кулгу.



Чуқурроқ тикилсанг қалбинг турига,
Армонга айланган ундан ҳам орзу.

Армоннинг бўлмайди катта-кичиги,
Ҳар дилнинг тубида ётар бир армон.
Беармон ўтмаяпман, деса қай киши,
Билингки, бу одам сўйлайди ёлғон!

Инсон билан армон ҳамиша бирга,
Умиду орзу-ла юрар ёнма-ён.
Қачон, қўйиларкан умрга нуқта,
Одамнинг ўзи ҳам бўлади армон!

2004 йил





ЖУРНАЛИСТ ИЛҲОМ САФАР ЁДИ

Рўй берсайди тасодиф агар:
Қолсанг эди бирдан тирилиб,
Элнинг меҳри сенга нақалар
Чексизлигин олардинг билиб.

Таъзиянда яқин-йироқдан
Одам келиб тумонат бўлди.
Ёш тўкилди не-не қароғдан,
Қабринг усти гулларга тўлди.


Яхши одам эдинг, Илҳомжон,
Қаламкаш, ўз ишига моҳир.
Бир гап бўлса қаерда, қачон —
Ўша ерда бўлардинг ҳозир.

Дўстларга дўст, дилкаш, меҳрибон,
Ҳазилкашни кўрар эдинг хуш.
Сенга ҳеч ким эмасди ёмон,
Сенга ҳамма очарди оғуш.

Шундан, бугун орқангда қолиб,
Катта-кичик чекар надомат.
Қилолмадик ўз пайтида деб,
Унга лойиқ эътибор, ҳурмат.

Яхши одам эдинг, Илҳомжон,
Ҳали кўп бор билинар қадринг.
Унутмайди юртинг ҳеч қачон,
Мангу қолур ёзган ҳар сатринг.

Бу дунё шу:
Ҳамма ўтади,
Ҳеч ким бўлмас оламда устун.
Умр қушдай учиб кетади,
Боқий ҳаёт бошланар кейин —



Ким ҳалол-пок яшаган бўлса,
Номи тушмас асло тиллардан.
Сен яшадинг шундай,
Алқисса,
Ёдинг ўчмас энди диллардан!
2005 йил

«ТУРОН» СИҲАТГОҲИДА

Ибн Сино — буюк табиб тўрда туриб,
Тиб ҳақида ўғит айтар ҳар кун бунда.
Не-не шогирд, ворисалар сергак юриб,
Эл хизматин бажо айлар куну тунда.

Хушманзара, хуштабиат ушбу маскан,
Шифо эрур шаффоф суву тоза ҳаво.
Қай бир киши дармон истаб келар экан,
Дарддан фориғ бўлиб тезда топар шифо.

Камдан-камдир бундай сўлим, гўзал гўша,
Юрак яйраб,
Ором олди тану жоним.
Дилкаш, ғамхўр шифокору ҳар ҳамшира
Мен гўдагу улар бўлди меҳрибоним.

2007 йил, август

ТҮЛИН ОЙГА

Еру кўкка бердинг оро, зәб-чирой,
Үн беш кунлик бўлиб тўлин оппоқ ой.
У кун эди юз кўрсатиб, қиёлаб,
Солган эдинг дилга сурур, увоқ ой.

Бугун бўлиб юлдузларга раҳнамо,
Нур сочяпсан беадоғу бебаҳо,
Шундан беҳад ёруғ бу кеч ер, само,
Бу оламда ўзинг улкан чироқ, ой.

Сен тўлганда мавж айланар тиллога,
Майса, гиёҳ авжланади самога,
Райҳон атри анқир тўлиб ҳавога,
Хислатларинг бўлмас асло адоқ, ой!

Сенга боқсам нурланада юрагим,
Фунчалайди дилда орзу тилагим,
Яшараман кучга тўлиб билагим,
Ун-урвоғу оппоқ суту қаймоқ ой.

Чўққими у, чуқурми у — керак нур,
Ҳар қандайин зулматни у ёритур.
Хуллас, икки оламга ҳам нур зарур.
Тилагимиз — кетма биздан йироқ, ой,

Ипак ойим, момиқ ойим, оппоқ ой!

2007 ишл. октябр



КЎРИНМАС ЖАНГ

Оқликнинг душмани ҳамиша қора,
Покликка ёв эзур, шубҳасиз, ҳаром.
Кўринмас жанг борар икки ўртада,
Бу кураш аёвсиз, беҳад, беором.

Гоҳ оқлар голибу, қоралар — мағлуб,
Гоҳ ҳаром устувор покликдан, эвоҳ,
Камтарлик хислати оқларга мансуб,
Балчиқ-лой мақтанур мен деб мусаффо.

Аёнки, устундир поклик, ҳалоллик,
Аёнки, ҳақиқат оқлар томонда.
Қолгани жабр-жафо, жонга заволлик,
Қолгани — қабоҳат зоти инсонга.

Шунақа деймиз-у,
Бу жангни бироқ,
Инсонлар кашф этмиш, афсус, инсонлар!
Ушбу жанг туфайли қанча ғам-финоқ,
Ушбу жанг туфайли сонсиз қурбонлар...

Эй одам,
Ўзингсан мукаррам жонзод,
Ақлинг-ку етади яхши-ёмонга.
Ҳалолу ҳаромни сен этдинг ижод,
Нега сен гоҳ — қора, гоҳ оқ томонда?

Чун ҳалол, пок йўллар, баъзида қолиб,
Мурдор сўқмоқларга кирасан нега?
Биринг бировингнинг оёғинг чалиб,
Йиқитиб, сўнг шодон куласан нега?

У сенга ёвликни кўрмади раво,
Қалбида йўқ эди зарра хусумат,
Фақат у — пок, ҳалол,
Сен эса расво —
Йўл босиб орттирдинг ҳаром мол-давлат.




У сен-ла ҳамтовоқ бўлмаганидан,
Рад этгани учун нопок йўлингни,
Кўрқиб, ҳадиксираб яшадинг ундан,
Хуфёна мушт қилиб юрдинг қўлингни.

Бирлашдинг ўзингдай тубанлар билан,
Пайт пойлаб йиқитдинг бир гуноҳсизни.
Сен хурсанд ҳозирча қилган ишингдан,
Олдда жазо кутар сен — худосизни.

Ҳақиқат синмайди,
Эгилар фақат,
Фитнангдан бўлмагин бунчалар шодон.
Ҳаёт эмас нуқул қоронғу, зулмат,
Кундуз бор, башаранг бўлур намоён.

Қоранинг изидир ҳамиша қора,
Яна голиб бўлур, бегумон, оқлик.
Ҳаромнинг устидан қилур тантана
Доим голиб бўлиб келган ҳалоллик!

2008 йил



УМР ВА ДАРЁ

Неъмат Аминовга

Қанча яшаса ҳам
Ўтаркан инсон,
Умрни шу боис дерлар ўткинчи...
Бу гапда ҳиссиётга берилганми ён,
Умр кўлмак эмас — қуриб битгувчи.

Умр — дарё, ахир,
Бошланиб тоғдан,
Куйилиб оқаверар улкан денгизга.
Зилол сувдан қониб яшнар боғ-роғлар,
Кўрк бағишлар суви райҳон, ялпизга...

Ўйларканман, дўстим,
Сени бу лаҳза,
Ўнгимда жонланар ажиб бир дарё:
Тўлқинлари отар шодон қаҳқаҳа,
Тилла табассумлар — мавжлари гўё!

Чўнг дарё эдинг сен,
Қайноқ ижодинг
Мавжланиб хўп оқди тўлатиб қирғоқ,
Элнинг юрагидан чиқмайди ёдинг,
Дарё каби умринг —
Ҳамиша уйғоқ.

*

Қабринг тавоф этдим, мармар лавҳадан
Сиймонг қараб турар тирикдай бўлиб.
У ёқда туриб ҳам ушбу лаҳзада
Дунёнинг ишига боқяпсан кулиб...



ЯНГИ ЮЛДУЗ

Дилдора Ниёзовага

Янги юлдуз чиқди порлаб самоларга,
Замин тўлди хушбўй тоза ҳаволарга.
Ташна эди диллар бундай наволарга,
О, юлдузим, порлаганинг бўлсин қутлуғ.

Суюмлидир инсонларга асл санъат,
Санъат эрур дардли дилга даво, мадал.
Тараннум эт, санъатингдан санъат ярат,
Каҳқашондай йўлинг бўлсин чексиз, улуғ.

Асл юлдуз сендай порлаб, сендай ёнар,
Нурларингдан зиё талаб юрак қонар.
Насиб этсин сенга мудом бахтли онлар,
Сени тинглаб, ошиқларнинг қалби ёруғ.

Парвоз айла, сеникидир мовий осмон,
Санъат учун майдон эрур шу кенг жаҳон.
Хониш қилиб, юртни куйла этиб дoston,
Кўшиқларинг эллар аро солсин доврўқ.

Куйла, куйла чиқиб авжга сен тобора,
Куйларингдан куяр кимки ичи қора.
Парво қилма бунлайларга, эй Дилдора,
Сени берган табиатта минг бор қуллуқ.

О, юлдузим, порлаганинг бўлсин қутлуғ!

2003 йил



• • •

Мен сени эслайман,
Унутмам асло,
Унутиб бўларми
У гўзал дамни.
Сен билан подшоҳдай эдим мен гўё,
Билмасдим у пайтлар
Ғамни, аламни.

Сен билан
Бу дунё тинчу фароғат,
Кувончдан иборат
Дердим яшашни.
Ҳаёт, бу — ўйлардим, метин иморат,
Билмасдим борлигин унда нурашни.

Умр — ҳўп тез оқар дарё эканким,
Сувида яйраб гоҳ —
Сурилиб оқдим,
Айро тушгач сендан
Кўп йиллар ўтиб,
Бугун соғинч билан
Ортимга боқдим.

Сени унутмайман,
Унутолмайман,
Гарчи бўлсам ҳамки
Истиҳолалик —
Баралла айтаман
Кексайган чоқда:
Энг ширин дамларим —
Ўзинг, Болалик!

2005 йил



АЗИЗ АКА СҮЙЛАР ҲАНГОМА

Азиз Абдураззоқ хотирасига

Авжи баҳор, дарахтлар гуллаб,
Урилади атри димоққа.
Мажнунтоллар сочини тараб,
Зеб беради Дўрмонга — боққа.
Қушлар сайрар шохларга қўниб,
Авжларининг йўқдир адоси.
Улар сасин кетади босиб
Гуруллаган кулги садоси.
Демак, яқин атроф — гулзорда
Ижодкорлар давра қурибди,
Азиз ака тик турган ҳолда
Бир латифа айтиб турибди...

Ёзда сўлим аргувон ости,
Шариллайди кўм-кўк оқар сув.
Тўлқинларнинг овозин ютиб,
Кулги янграр кўкка учиб гувв...
Демак, салқин ариқ бўйида
Дўсту ёрлар давра қурибди,
Азиз ака бу дам сўрида
Зўр ҳангома сўйлаб турибди...

Кузак — серфайз, фасли дилором,
Пахтазорлар олади кўзни.
Туш пайтида шийпонда ором
Олсанг, бардам сезасан ўзни.
Кенг далада шийпон томондан
Таралади кучли қаҳқаҳа,
Азиз ака келса меҳмонга,
Даврага қўр солар шунақа...

Бурканмоқда ер оппоқ қорға,
Кўк ўтказар унни элакдан.



Азиз ака ёнига чорлаб,
Болаларга айтар эртақлар.
Қор ҳақида қизиқ ривоят
Тинглаб, ошар уларнинг шавқи.
Азиз ака бундан шод ғоят,
Бола бўлиб тошади завқи...

Азиз ака, сиз бугун қайда,
Қай гўшани тутгансиз макон?
Осмондами — юлдузда, ойда,
Юрибсизми кулдириб ҳамон?
Давраларда этиласиз ёд,
Бизлар бунда қўмсаймиз сизни.
Лутфингиздан кўнгиллар обод,
Соғинамиз латифангизни!

2007 ишл



ШУКРОНА

Шукур дейман саҳар туриб Қодир Оллоҳга,
Берган ноёб зўр неъмат — тириклик учун.
Мавжуд бўлган жонзотлардан беҳад зиёда
Одамзотга тақдир этган буюклик учун!

Қадам қўйиб замин узра, боқиб ҳар томон,
Шу тупроғу наботот-чун минг шукур, дейман.
Юксакдаги қуёшу ой ва мовий осмон,
Юлдузлару булут учун минг шукур, дейман!

О, қанчалар шукроналар этсанг ҳамки оз,
Нафас олиб турганимиз — шу ҳаво учун.
Фаслларинг — кузу баҳор, гўзал қишу ёз,
Оплоқ қору тип-тиниқ сув — бебаҳо учун!

Сен яратдинг бу оламни барча жонзотга
Ҳамда унинг олий зоти — шу башар учун.
Инсонга қўп қудрат бердинг ҳаммадан кўра,
Шундан, санар у ўзини барчадан устун.

Шундан, унга бўйсунди турли махлуқот,
Инсонда бор тафаккуру ақлу заковат.
Бу хислатга эга эмас ўзга бир жонзот,
Уларда йўқ ахир фикру фаҳму фаросат.

Инсон эса ҳурматлайди бир-бирини,
Хўп мустаҳкам кишиларда дўстлик риштаси.
Эъозлайди бир-бировин ўю фикрини,
Уруғини, аймағини — томир-риштасин.

Тўғри, инсон бу оламда гарчи олий зот,
Қадамида учрар лекин хато, қусурлар.
Бир-бирини душман санар, баъзида, ҳайҳот,
Чиқиб турар ноҳақ жанжал, қирғин — урушлар.



Урушларда олов, отув, ўқ — катта қурол,
Қай бир жойда портлаш бўлса, у ер — кул, тўзон.
Ундан кўра икки томон учрашиб дарҳол,
Сулҳ — келишув қилсалар-ку олам — гулистон!

Эй одамлар, келинг, ушбу янги асрда
Ўтмишдаги хатоларни қилмайлик такрор.
Биз яшайлик мудом тенглик, тинчлик қасрида,
Шишадай соф бўлсин кўнгил, олам — беғубор.

Минг шукурки, элимизда тинчлик ҳукмрон,
Кўксимизга ҳузур берар ҳурлик шамоли.
Биз эришган ютуқларга қойилдир жаҳон,
Чирой очиб яшнамоқда юртнинг жамоли...

О, буларнинг барчасига шукрона бўлсин,
Омон юрсин ҳамма халқу ҳамма элатлар,
Болаларнинг кулгусига еру кўк тўлсин,
Дўстлик туғин баланд тутсин барча миллатлар!

Шукур дейман саҳар туриб Қодир Оллоҳга...

2008 йил





Таржималар

ҲЕНРИХ ҲЕЙНЕ*

* * *

Севилгансан, қадрдон дўстим,
Кечроқ келди сенга уқубат.
Бад ниятлар бошингда бари,
Қалбингда йўқ зарра рутубат.

Севилгансан, қадрдон дўстим,
Тутсанг ҳамки бу сирни пинҳон —
Қалбинг зарби нимчанг остидан
Ошкор қилиб турибди, инон!

* * *

Беришдилар ўғит, насиҳат
Ва қилдилар ҳаққимга дуо.
Дедиларким, айлагин тоқат,
Ҳосил бўлур бир кун муддао.

Сабр қилдим ва охирги дам
Оч ит каби ҳансираб толдим.
Хайриятки, бир сахий одам —
Сийлади-ю, мен тирик қолдим.

Меҳрибоним, унутмам токи
Очиқ экан оламда кўзим,
Кучай дейман, илож йўқ, чунки
У меҳрибон — ўзимман, ўзим.

* XIX аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган немис лирик шоири.

ГУЛРУХСОР*

ТУГАЛЛАНМАГАН ДОСТОН

Бувим қазо қилгач, қолди бир тугун,
Шу эди бувимдан бизларга эҳсон.
Тугунни очдим-у, не кўрдим бугун:
Яримта тишланган, қотган кулча нон.
Уни оларканман секин кафтимга,
Тафтидан куйди-ку ҳатто қўлларим,
Саволлар урилар тинмай миямга:
Бу ноннинг эгаси, билсам экан, ким?
Қай одам қолдирди тишлар изини,
Кулча пиширилган арпа унидан.
Йиллар олиб келмиш кимнинг ризқини:
Бу ноннинг эгаси ким бўлди экан?
— Жангчининг нони бу, — деди бир кампир, —
Гарчи ул бувингдан қолган, Гулрухсор,
Бу ўша йиллардан — аччиқ бир тақдир,
Нон ва жон бир бўлган йиллардан ёдгор.
Оҳ, энди англадим сиру ҳикматни,
Жангчи тоғагинам ризқ-рўзи бу нон.
Яримта нонидай — ярим қисмати —
Бувимнинг уйида ундан шу нишон.
Гарчи тўкин эрур бугун эл-юртим,
Йиғладим шу парча нонга зору зор.
Шу арпа нонга мен боқиб йиғладим,
Кўзимдан ёшларим оқиб шашқатор.
Ёдимга тушди-ку олис йилларим,
Жон каби қадрли, азиз парча нон.
Ёдимга тушди-ку ўтмиш андуҳим,
Оналар ноласи — саноқсиз қурбон.
Ёдимга тушди-ку келинлар оҳи,
Гўдаклар йиғиси, ота ҳасрати.
Эгасиз хирмонлар, чироқсиз ҳовли,
Аёллар саботи, тортган заҳмати.

* Таълиқи тоҷик шоираси Гулрухсор Сафиева



Ёдимга тушди-ку бедарак аскар,
Оналар кутарлар ундан ном-нишон.
Бу ҳасрат туганмас, туганмас кадар,
Қабри ҳам номаълум онага ҳамон.
Алҳазар урушдан,
Дўстлар, алҳазар!
Алҳазар, оналар оҳидан ҳазар!
Тугундан топилган ярим кулча нон —
Туганмас дostonдир — нотамом дoston.



ОЛ ХАБАР

Бу дунёдир ғанимат,
 олгин хабар ҳолимдан.
Ҳар лаҳза умр қиммат,
 олгин хабар ҳолимдан.
Либос кийиб заъфарон,
 ерга тушаркан хазон,
Бу ҳам бир панд-насиҳат,
 олгин хабар ҳолимдан.
Майли, юксал кўк сари,
 заминдан узма кўнгил,
Мен-ку замин фарзанди,
 сен ҳам шу юртга ўгил,
Сенсиз ширин бу ҳаёт
 татимайди менга, бил,
Ҳаётдан-да сен қиммат,
 олгин хабар ҳолимдан.
Муҳаббатим нигоҳи излар
 васлингни чанқоқ,
Майли, айбга буюрса ҳолим
 кўриб дўст-ўртоқ,
Келгин энди боғимга, гарчи
 қасринг — юксак тоғ,
Бу дил — ишқинг маскани,
 бу маскан сенга муштоқ,
Ўзгага солма назар,
 дилимга берма озор,
Бу дунёдир ғанимат,
 мендан олгин, ол хабар!



РУБОИЙЛАР

Мавжли дарё ғазал тўқиб йиғлайди,
Хазон барглар лойга чўкиб йиғлайди.
Чақмоқ бизнинг ҳолимизга кулса гар,
Сузар булут кўз ёш тўкиб йиғлайди.

* * *

Истар эдим, юрагимни беҳад қониб тингласам,
Ёр дилининг афсонасин шамдай ёниб тингласам.
Истар эдим, яна бир бор ошиғи зор бўлсам-у,
Дил йиғисин, оху зорин, майли, тониб тингласам.

* * *

Билсанг, дунёнг сенинг хасдир, хошоқдир,
Амату аъмолинг, дилинг нопокдир.
Ҳаром молинг ила мунча мақтанма,
Буюқлар аршини кўр, тупроқдир, хокдир.

* * *

Тириклик деб ишқ ҳавасим сўлди, нетай,
Кўз — дарё, қайғу соҳилим тўлди, нетай,
Гарчи шайтон бадкорлардан қочдим, лекин,
Ўз-ўзимдан қочмоқ мушкул бўлди, нетай.

* * *

Эй жону жаҳон, кўрмай жаҳон кетдинг,
Ушбу мурод боғидан термай райҳон, кетдинг,
Баҳру баҳор шавқидан сархуш дўсту ёр,
Сен-чи, қонинг лоласин айлаб хазон кетдинг.

* * *

Кечган ҳар тонгу туним, билингки, дoston эрур,
Ўтган яхши — ёмон куним, билингки, чистон эрур.
Ҳар пинҳона ўқ борки, жонимнинг жойин излар,
Отилган тиру ўққа ушбу жон нишон эрур.

ТОМИРЛАР НИДОСИ

Қаро ернинг тагида
Ишлар ишчи томирлар
Қизил, қора, оқ рангда —
Ёшу қари, ўсмирлар.
Суяниб мен дарахтга,
Садоларин тингладим,
Қулоқ тутиб энг пастга,
Нидоларин тингладим.
— Ўрнимиз ер остида,
Тўғри, йироқмиз кўздан.
Не сир, ернинг устида —
Воқифмиз гапу сўздан.
Қизиқ-да, аҳли одам,
Купи танимас бизни.
Мева-чева еса ҳам,
Эсламайди илдишни.
Ҳолбуки, мева таъми —
Меҳнатимизга боғлиқ.
Чиройли ранги-рўйи —
Заҳматимизга боғлиқ.
Кўринмас биз, томирлар,
Ишлаймиз билмай тиним.
Гулу япроқ, куртаклар
Бизсиз бўлмайди сўлим.
Ер остида ишлаб биз,
Мевага берамиз ранг.
Шундан, улар оқ, қизғиш,
Бўлур тилла, кумушранг.
Соф ҳаво қучоғида
Мева топаркан сайқал,
Офтобнинг ўчоғида
Пишиб ёнади ял-ял.
Биз бормизки, доимо
Яшнар новда, япроқлар.

Дастурхонда муҳайё —
Туршак, майиз, ёнгоқлар.
Биз пастда-ю, тепада —
Кўм-кўк барглар — кўзимиз.
Шохларнинг шовуллаши —
Кўшиғимиз, сўзимиз.
Ким айтди, маҳкум илдиз,
Қоронғу зах ерга деб,
Сув ҳамда нур ичамиз,
Тоза ҳаводан тўйиб.
Илдиз, тана, шох, япроқ —
Бутун дарахт бўламиз.
Инсон зотига ҳар чоқ —
Дўсту улфат бўламиз.
Мевалар емиш эса,
Соямиз берур роҳат.
Кимдир уй қурмоқ бўлса —
Зўри — чўбин иморат.
Совуқ-иссиқдан мудом
Асраймиз-у одамни,
Лекин вақтида инсон
Берадими ёрдамни?
Кўчат ҳолича, афсус,
Баъзан хазон бўламиз.
Сермева дарахтмиз-у,
Ўтин-сўзон бўламиз.
Бундай дамда, албатта,
Кўз ёшлар тирқирайди.
Шохларга тегса болта,
Кундалар зирқирайди.
Тўғри, ерда жонзод кўп,
Энг гултожи инсондир.
У борлиқни севар хўп,
Ҳаммага меҳрибондур.
Шу сабаб, дардимизни
Айтурмиз унга фақат.
Тушунар яхши бизни
Сўраймиз меҳру шафқат.



Томир дардини тинглаб
Қоғозга этдим иншо.
Юрмасин томир инграб,
Дардига бўлинг шифо.
Томир бор — дов-дарахт бор,
У борки, бор наботот.
У — тириклик манбаи,
У борки, яшнар ҳаёт.

2008 йил

ЙЎЛОВЧИ

Мен — йўловчи, олис йўллардан
Келаяпман ошиб тошгу тоғ.
Миннатдорман юрту эллардан:
Йўллар обод, атроф — чаман боғ.

Мен кўзлайман олис манзилни,
Йўл юришдан чарчамам асло.
Яхшиларга очиб кўнгилни,
Йўл босаман сергак доимо!

Кутар мени ою юлдузлар,
Йўлим узун, уфқдан нари.
Йўлда ўтар кеча-кундузлар,
Мадаккордир йўлчига Тангри.

Емишим ҳам йўлда, хўп лазиз —
Ўрикми у ва ёки майиз
Менинг учун бу ҳаёт тотли,
Йўллар эса ҳаммадан азиз!

Мен — йўловчи, ахир, ортимда
Қоляпти, кўринг, изларим.
Бу изларни ўчишга қўймас,
Шеърларим, ўғил-қизларим!

Мен йўловчи...

2008 йил



ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Мен, Бухоро вилояти Жондор туманидаги Алели («Али эли»нинг қисқарган шева шакли) қишлоғида туғилганман. Раҳматли онам айтишларича, ўша кезлар деҳқонлар баҳорги экин-тикин ишларига киришган пайтлари экан. Кейинчалик, сўраб-суриштириб, туғилган куним 1937 йил 27 март эканлигини аниқладим.

Отам, Шомурод Саидов умр бўйи деҳқончилик — сабзавотчилик ва полизчилик билан шуғулланганлар. У киши шу соҳанинг миришкори бўлиб, ақлимни таниган пайтларимда сабзавотчилик бригадасини бошқарардилар. Мен, отамни жуда кўп маҳалларда бошқалар билан ёнма-ён туриб, кетмон чопаетган, экинларга ишлов бераётган ҳолда учратардим. Болалик йилларим полиззору токзорлар, далалар ва боғлар қўйнида кечган.

Онам, Муслима Мирафзал Мирҳафиз қизи Бухоро шахридан келин бўлиб тушганлар. У кишининг эски ёзувда саводлари яхши бўлиб, Навоий, Фузулий, Машраб сингари шоирларнинг шеърларини, кўплаб дostonларни мутоала қилардилар. Сандал атрофида тўшланган аёлларга ўша китобларни ўзига хос оҳангда ўқиб берардилар.

Алели каттагина қишлоқ бўлиб, шарқий томони «Катта Алели», биз яшаётган ғарбий қисми эса «Алелича» деб аталарди. Алеличада ўзбеклар яшаса, Катта Алелида тожиклар ҳам истиқомат қилишарди. Ҳовлимизга ҳар иккала тарафдан меҳмон аёллар кўп келар, улар онам ўқиб берган туркий ва форсий асарларни жон қулоқлари билан тинглардилар. Аёлларнинг китобга нисбатан иштиёқини кўриб, онамга бўлган меҳрим янада ортар, у киши билан фахрланардим.

Дадамнинг отаси Саид бобо ўтган асрнинг 20-йилларида вафот этганлар. Лекин онамнинг дадаси Мирафзал бобомни яхши эслайман. У киши новчадан келган, оппоқ соқолли нуроний чол бўлиб, шаҳардан қишлоғимизга тез-тез келиб турар, бундай чоғларда «Мулла бобо келибдилар» деб уйимиз меҳмонга тўлиб кетарди. Бир гал бобом дўстлари маснавийхон Ҳожи Мардон ҳамда темирчи уста Бақо билан келиб, бир ҳафтача меҳмон бўлдилар. Китобхонлик қизигандан қизиди. Ҳожи Мардон шеърларни ёд-

дан ашуладай чўзиб айтардилар. Улғайиб билсам, у киши Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» китобини ёд биларканлар. Шу туфайли уларни «Маснавийхон эшон» деб аташаркан. Бу китобхонликлар, меҳмоннавозликлар болалик хотирамда ўрнашган бўлиб, кечагина рўй бергандай, то ҳануз кўзим олдимдан кетмайди. Эҳтимол, шеърятга ҳавас, китобхонликлар ҳамда бобом, Маснавийхон эшон ва онамнинг таъсири туфайли ўша лаҳзаларда юрагимда куртак отгандир. Шу воқеаларга ҳам 65 йилдан ошибди...

Ўша йиллар Иккинчи жаҳон уруши давом этар, унинг оғир ва аянчли оқибатларини ҳар қаламда сезиб турардик. Эркакларнинг асосий қисми урушда, далаларда эса аёллар ва ўсмирлар меҳнат қиларди. Кун оша биров фарзандидан, биров жуфти ҳалолидан, қай бир киши ака ё укасидан ажралгани ҳақида «қорахат» оларди. Мамлакатда яшаш, кун кечириш сермашаққат бўлиб, очарчилик ҳукмрон эди. Шундай кунларнинг бирида, 1944 йилнинг 1 сентябрида тенгдошлар билан қишлоғимиздаги етти йиллик мактабнинг 1-синфига ўқишга бордик. Урушдан оғир ярадор бўлиб қайтган, икки оёғи қафтларидан ажралиб, ҳасса ёрдамида юрадиган Остон Шарипов алифбени ўргата бошлади. Оч-сарикдан келган бу хушфеъл киши бизга меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилар эди. Мактабга бўз ва қалами матодан тикилган латта папка билан қатнардик. Китоб ва дафтар етишмас, камёб эди. Ипак қурти боқишга мўлжалланган паст навли қоғоздан дафтар тикиб олардик.

1952 йилда қишлоқ мактабини битириб, туман марказидаги 1-ўрта мактабда ўқишни давом эттирдик. Бу ерда она тили ва адабиёт ўқитувчиси Сайли Ҳайитов дарс бериши менда катта таассурот қолдирди. Улар туфайли адабиёт менинг сеvimли фаним бўлиб қолди. Сайли Ҳайитов, аввал туман, кейинчалик вилоят газетасида ишладилар. Мен у кишини журналист сифатида ҳам устозим деб биламан.

Ота-онадан эрта айрилдим. 1950 йилнинг 3 мартада отам, шу йилнинг 18 июнида онам вафот этдилар. Ўша кунлар ўзимни ўксик, бошқалардан кам деб ҳис қилардим, жудолик юрагимни эзарди. Ана шундай қайғули кунларда ва ундан кейин ҳам мунис опаларим, Амина ая ва Набия ая ҳам опалик, ҳам оналик қилдилар. Тўрт нафар амаким Рўзи, Халил, Жалил, Абдушукур Саидовлар ака-



лари — отамнинг йўқлигини билинтирмаслик учун уз фарзандларидан ҳам кўпроқ менга меҳрибонлик кўрсатдилар. Онам вафотини «Кўмсаш», отам ҳақидаги хотирамни «Манзара» шеъримда тасвирлаб ёзганман.

1954 йилда эзгу ниятим амалга ошди. Бухоро давлат педагогика институтига қабул қилиндим, беш йил Тарих-филология факультетида таҳсил олдим. Талабалик даврида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, драматург Максим Карим ва бошқалар билан дўстлашдим.

Ўша йиллар вилоят ва республика газеталари учун мақолалар ва тақризлар ёзганман. 1956 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ташкил этилиб, унга Тошпўлат Ҳамид раҳбар бўлди. Унгача Тошпўлат ака туман халқ маорифи мудирининг сифатида фаолият кўрсатган ва республикада танилган ягона бухоролик шоир эди. У биз билан учрашувлар ўтказар, ҳар биримизга маслаҳатлар берар, бизни шеър ва ҳикоялар ёзишга ундар эди. Шундай қилиб, энг ширин ва шодонлик даври — талабалик йилларим ҳам ўтиб кетди.

Мен 1959 йилдан 1969 йилгача Жондор туманидаги мактабларда Ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бердим. 1967—1969 йилларда мактабдан узилмаган ҳолда туман радиозиттириши муҳаррири ва суҳандони бўлиб ишладим. 1969 йил май ойидан — 2006 йил охиригача Республика радиосининг Бухоро вилоятидаги мухбири сифатида фаолият кўрсатдим.

Албатта, ўқитувчилик билан журналистлик бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдирувчи ва шу билан бирга бир-биридан фарқ қилувчи соҳалардир. Муаллимлик пайтимда болалар ҳаётини яхши ўргандим, болаларга бағишлаб шеърлар ёздим. Ўқитувчилик бир жойда қўним топиб ишлаш бўлса, мухбирликнинг иш ўрни қишлоқ, овуллар, чўл-даштлар, саноат корхоналари, қурилиш майдонлари ҳисобланади. Ана шу икки соҳада ишлаб, кўп нарсани билдим ва ўргандим. Лекин мухбирлик туфайли шеър ёзишга вақт камроқ топардим. Ҳудуд жиҳатдан энг катта ҳисобланган Бухоро вилояти учун Хўжаназар Тўраевнинг Қизилқум минтақаси (кейинчалик Навоий вилояти) бўйича радиомухбир сифатида ишга келиши ташвишларимни анча камайтирди ва шеърини билан жиддий шуғулланиш имкони туғилди.

Шеърини... Бу тавсифу таърифи чексиз бўлган шундай



сирли оламки, унга кирдингми, ихтиёрингни унга бер-у, бу йўлдан чиқишни сира ўйлама. Ёшмисан, кексамисан, унга содиқ бўл, шундагина кўнглинг тўлади ва имконинг даражасида бир нималарга эришасан. Мухбир бўлиб иш-лашим, адоқсиз Қизилқумнинг даштлари, қумликлари ҳамда яшил яйловларини кезишларим, у ердаги мард ва танти кишилар билан танишувларим кўп вақтни олган бўлса-да, менга илҳом ва ҳузур бағишлади. “Сахро садолари” шеърини туркуми, “Жабай” достони шуларнинг меваси бўлди. Аслида ёзганларимнинг барчаси ҳам ҳаётимнинг парчаларидир. Мен кўрганларим, билганларим, кузатганларимни, чеккан қувончу ҳасратларимни ёздим ва ёзаяпман. Ижодкорнинг бахти ҳам шунда бўлса керак. Шоир ва ёзувчи учун кезиш, аввало, ўз юртининг турли гўшаларини, тарихий жойларини кўриши ва зиёрат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Булар бўлажак асар учун туртки бўлади, илҳом беради. “Амир Темур излари” туркуми, Фарғона водийси ҳақидаги шеърлар шулар таъсирида ёзилган.

1977 йилнинг январида хорижга саёҳат қилиб, Туркия, Юнонистон, Миср мамлакатларида бўлдим. Бу сафар тўғрисида шеърлар, хотиралар ва мисрлик болалар ҳаётига бағишланган “Лухсорлик извошчилар” достонини ёздим.

Иш юзасидан кўп-кўп яхши кишилар билан учрашдим, ажойиб таассуротлар олдим. Бир маҳаллар Бухоро вилоятининг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Қаям Муртазоев, санъатимиз даргаларидан бири машҳур бастакор Мутал Бурҳонов, узоқ йиллар республика телевидение ва радиосини бошқарган Убайдулла Иброҳимов ана шундай мўътабар зотлардир. Уларнинг ҳар бирига шеърлар дostonлар битсанг арзийди.

Ҳаётим давомида дўсту биродарлар, меҳрибон укалар орттирдим ва улар билан ҳамиша фахрланиб келаман. Машҳур ҳажвчи ёзувчи Неъмат Аминов, драматург Максим Карим, шоир Тилак Жўра, журналист Илҳом Сафар ана шундай кишилар эди. Уларнинг бу оламдан бевақт кўз юмиши юрагимда чексиз алам, қайғу, ҳасрат уйғотдики, улар хотирасига бағишлаб ёзганларим қалбимга бироз таскин бўла олди.

Қизиқ, ёшнинг ўзи ҳам ижодда қай бир маънода бурилиш ясаркан. Олтимидан ошганимдан кейин менда шеърининг қисқа ва кичик жанри бўлмиш “иккилик” ва



“тўртлик”лар ёзиш истаги пайдо бўлди. Кейинги йилларда шу йўсунда ёзганларимни “Марварид доналар” тўплами шаклида нашр эттирдим. Кичик жанрдаги ушбу шеърларимда ҳаётий тажрибадан туғилган фалсафий фикрларим, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларни кузатишларим, кўрган ва эшитганларимдан чиқарган хулосаларимни тасвирлаш, изоҳлашга ҳаракат қилдим. Бу шеърлар ҳақида кўпчиликдан яхши фикрлар эшитиб, кўнглим тоғдай кўтарилди.

Ҳозиргача ўн икки шеърим китобим чоп этилди. Шундан “Чақмоқ”, “Кўклам кўшиги”, “Бобо шаҳрим” номли тўпламлар болаларга бағишланган бўлса, қолганлари — “Шабнам жилваси”, “Ойдинда кезаман”, “Наволарим”, “Ватан васфи”, “Олам ичра олам”, “Қалбим қатраси”, “Рангин руҳият”, “Заррин япроқлар”, “Марварид доналар” катталар шеъримга мансуб китоблардир.

Мен тақдиримдан розиман. Эсли-ҳушли фарзандларим, бир-биридан ширин невараларим бор. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирландим. Бунинг учун давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбарларидан миннатдорман.

Ҳаётда ва ижодда нимагаки эришган бўлсам, асосан Истиқлол даврида муяссар бўлдим.

1984 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзосиман.

Оллоҳга шукур, ёзаяпман. Ҳали ният ва орзуларим кўп. Болалар учун шеър, эртак, достонлардан иборат янги китоб устида ишляяпман. Ҳеч кимнинг иши чала қолмасин, доимо яхши ва нек кунларда дийдорлашайлик.

2009 йил 25 январ



МУНДАРИЖА

Бухоралик Фулом ака (Омон Мухтор) 5

Ватан ғурури

Яшаш, ижод	8
Сен юраксан, эй Ватан	9
Истиқлол ҳақида ўйлар	10
Бухоройи шариф дерлар	11
Бул Ватан тупрогин	12
Рухим	13
Нақшлар	14
Бухоронинг томирлари	15
«Бухорода баланд обида»	16
Муъжиза	17
Ойдинда	19
«Қул ушлашиб турар тўрт гузал»	20
Боқий наво	21
Қорли кунда	22
Ватан ҳақида ўйлар	23
Деҳқон меҳри	24
«Сен сўйлайсан фақат осмондан»	24
«Эшитилмас қушларнинг саси»	25
Янги йил оқшомида	25
Сафарда	26
Қор қўйнида	27
Тоғ кечаси	28
Ойбек	28
Мингчинорда	29
Қамчиқ довонида	30
Амир Темур излари: (туркум)	31
Пойкент	36
Маҳмуд Торобий сўзи	39
Барча кун Наврўз	40
Олам ичра олам (туркум)	41
Қалъа	45
Чашмаи Аюб	46
Олам ичра олам	47
Арк	48
Қўш мадраса	50
Минора	52
Масжиди Калон	53
Мири Араб	54
Бухоро тоқлари	56
Тими Абдуллахон	58
Мағоки Аттор	60



Лаби Ҳовуз	61
Сув бўйида турган пари	62
Девонбеги мадрасаси олдида	63
Кўкаллош	64
Ситораи Моҳи Хосса васфи	65
Юлдузу ойларга маскан	66
Чорбакр	67
Мурод	69

Кўнглим сурури

«Сен бир гулсан»	72
«Кулгинг сенинг дилрабо оҳанг»	72
«Бир хонада ўлтирибмиз»	73
«Сеҳрлидир кўзларинг сенинг»	74
«Эшигингни қоқдим»	74
Раҳмат сенга	75
Висол	78
«Сен жаҳл қиляпсан-у»	75
«Ёйиларкан»	76
Севаман	77
«Мен сенга бандиман»	79
«Саодатдир севмоқлик асли»	80
«Осмонга ҳам кўп нарса боғлиқ»	80
«Сен келдинг»	81
Ошиқона	82
Соғинганда	83
Кўза кўтарган сулувга	84
Ишқингда зор	85
Кунжутнинг донасидай	86
Илк баҳорда бериб гул	87
Жонингга дармонинг бўлай	88
Аёл	89
Алелининг йўллари	91
Армонли ишқ	92

Дилда газал тошганда

Ширин айла каломингни	94
Мен туғилган юртни Жондор дейдилар	95
Қатра-қатра ўрганиб	96
Шоир дили	96
Йўқ, менга шуҳрат керакмас	97
Маҳзуна	98
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам	99
Ул нозанин	100
Бегона йўқ	101
Тасаддуқ	102
Наво этдим	103
Эртакмидинг, тушмидинг	104
Сенинг жонинг	105



Жоду кўзинг	105
Сирли соз сеҳри	106
Исфарада	107
Сенингдай тоза гул	108
Кошларинг	109
Агар дилдор эсанг	110
Фарғонада	111
Рози дил	112
Моҳи Хосса гўзалига	113
Вожаб	114
Қай садаф, қай марварид.. (Фузулийга назира)	115
Ватан (Чўлпонга таъмин)	116
Гулбоғ	117
Яхшилиқ (мухаммас)	118
Бўлғаймукин (мухаммас)	119
Келадур (мухаммас)	120
Жонинг керакмасми санго (мухаммас)	121
Аё дўстим (мухаммас)	123

Умрим наволари

Ўлка меҳри	126
Регистон	127
Ўтларга солиб ёндирасанми?	128
«Ой нури тарам-тарам»	129
Орзу	129
Она ерга	130
Қиш завқи	130
Қизимга	131
«Қор учқунлаб»	132
Тоғ йўлида	132
Тоғ билан суҳбат	133
Куртак	133
Бир оғиз сўз	134
Жононадир	134
Агар	135
«Дарё бўйидаман»	135
«Шафақ ўчар»	136
Кўмсаш	137
Дойра садолари	138
Шеъррий хиёбон	139
Варахша	140
Тароват	141
Тонг гўзали	142
Манзара	143
Хотира боғида	144
«Қаёқдан илашди менга бу ғашлик»	145
Шеъррият	145
Ташналик	146
Деразмдан жаҳон кўринар	148
Отабекнинг йўл қўшиғи	149



Юрак	150
Баҳор	151
«Қор ёғмоқда»	153
Ойдинда кезаман	154
«Кўлингдаги қизғиш луччак шафтоли»	154
«Яна бу кеч»	155
Ҳаёт	156
Уртаер денгизи бўйлаб	156
Лухсорлик извошчи Муҳаммад қўшиғи	157
Муҳожир	158
Бандаргоҳда	159
«Хориждаги бир ватандош»	159
Раъно	160
Гулсара	161
Айний ҳақида икки шеър	163
Биринчи қадам	164
Она меҳри	165
Машраб	165
Шоирлар марди	166
Висол	166
Бухоро меҳри	167
Акажон	168
Умр	169
Куз шамоли	170
Жўра ака ҳақида икки шеър	171
Сув ўғли	173
Мўмина	174
«Бу дунё азалдан пок бўлган»	175
Дарахт	176
Ошкоралик	177
Юрт меҳри	178
Изғирин	179
«Кенг сахрога қор тушди»	179
Баҳор ва у	180
Ойтуғди	181
Ҳамро Темур вафоти кунинда ёзилган шеър	184
Қор	185
Нон иси	185
Қишда гуллаган бодомга	186
Ҳамшира	187
Дилимдаги гулу долалар	188
Жондор ҳақида қўшиқ	189
Журналист	190
Шифокор	191
Зару зевар Бухоро	192
Ғиждувонлик	193
«Дунё иши экан тескари»	194
«Шеър ёзганда»	195
«Шу ойдин оламда»	196
Қиш кечаси	197
Бир оз ҳазил: Мажлисбознинг фалсафаси	198

Икки ҳолат	198
Дангаса	199
Таъмагир	199
Ношуд шоир	200
Даллол	201
Бозор ҳангомаси	202
Етмас бойлик	204

Сахро садолари

«О. Қизилқум»	206
Оқтов	207
Қизқувди	208
«Томди чироқлари»	209
Тилла қўзи	210
Чўлда юриб	211
«Сахро бундай кенгликни»	212
Майса	212
Ҳайдовчи Қайпназар сўзи	213
Мурунгов тоғлари	214
Қор тушганда	215
Зарафшон	216
Чўпон ва шеър	217
Газли	218
Оҳужон	219
Бовурим	220
Жабай (<i>достон-монолог</i>)	221

Икки бор янашга етади умр

Тўртликлар	236
Иккиликлар	253

Заррин япроқлар

Йўл	264
Денгизда	265
Саратон	266
Қушлар мушқираси	266
Сой бўйида	267
Яхшиликнинг уруғи	268
Ёмғир	269
Чумолиннинг йўли	270
Ирода	271
Сунбула	272
Ҳожилар	273
Муножот	274
«Бухорода яшар бир одам»	275
«Чигирткалар — туннинг ошиғи»	276
«Чимчилайди юзни изғирин»	276



Юлдузим	277
Ойдин кеча	278
Бухорода ёққанида қор	279
Кекса дарахт	280
Ҳамал	281
Зубайда	282
Илк баҳорда	283
Шеърият	284
Соғиниб яшайман	285
Истак	286
Армон	287
Журналист Илҳом Сафар ёди	289
«Турон» сиҳатгоҳида	290
Тўлин ойга	291
Қуринмас жанг	292
Умр ва дарё	294
Янги юлдуз	295
«Мен сени эслайман»	296
Азиз ака сўйлар ҳангома	297
Шукрона	299
«Севилгансан, қадрдон дўстим» (Ҳенрих Ҳейне)	301
«Беришдилар ўтит, насихат» (Ҳенрих Ҳейне)	301
Тугалланмаган дoston (Гулруҳсор Сафиева)	302
Ол хабар (Гулруҳсор Сафиева)	304
Рубойлар (Гулруҳсор Сафиева)	305
Томирлар нидоси	306
Йўловчи	308
Узим ҳақимда	309

ФУЛОМ ШОМУРОД
СОҒИНЧ СОҶИЛИ

Сайланма

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2009

Муҳаррир Барнобек Эшпўлатов
Рассом Гулчеҳра Шоабдураҳимова
Балий муҳаррир Толиб Қаноатоя
Техник муҳаррир Раъно Бобохонова
Саҳифаловчи Анипа Шафиуллина
Мусаҳҳиҳлар: Нодира Окунжоновна,
Маъмура Зиёмуҳамедова

Теришга берилди 20.01.2009. Босишга рухсат этилди 27.02.2009.
Бичими 84x108¹/₁₆. «Бенкуа» «Таймс» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоғи 16,3. Нашриёт-ҳисоб табоғи 11,7. Адади 3000
нусха. Буюртма № 64. Баҳоси шартномада келишилган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.